

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХЎЗУРИДАГИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА
МАКРОИҼТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ



АДИЗОВ АКРАМЖОН ЖУМАБОЕВИЧ

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН
УНДИРИЛАДИГАН СОЛИҚЛАР
ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

«Akademnashr» nashriyoti

MAJBURIY NUSXA

Тошкент

«Akademnashr»

2012

9071

УДК: 336. 221

КБК: 65.261.4

А 31

Адизов, Акрамжон.

Жисмоний шахслардан ундирилган солиқлар тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари: О.О.Олимжонов таҳрири остида / А.Адизов. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 128 б.

ISBN 978-9943-389-99-1

УДК: 336. 221

КБК: 65.261.4

А 31

Мазкур рисолада жисмоний шахслардан олинадиган солиқларнинг иқтисодий мазмуну, маңбалари, солиқ объектларининг солиқка тортгилганлик даражаси, солиқ юки ҳамда уни мувофиқлаштиришнинг назарий ва амалий масалалари таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида солиқ тизимини такомиллаштиришга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Рисола солиқ ва солиқка тортниш масалалари билан шугулланувчи коллеж ва олий ўқув юрти талабалари ҳамда илмий тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

Гадоев Э.Ф., иқтисод фанлари номзоди, доцент,
Набихўжаев А.А., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Иқтисод фанлари доктори, профессор
О.О.Олимжонов таҳрири остида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириши ва макроиктисодий тадқиқотлар институти Илмий кенгаши қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-389-99-1

© Адизов Акрамжон Жумабоевич «Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари».

© «Akademnashr» нашириёти, 2012 йил.

2013/19
A 1506

Alisher Navoiy

nomida:

O'zbekiston

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ва ижтимоий масалаларни тартибга солишда солиқлар давлат иқтисодий сиёсатини амалга оширувчи мұхым восита ҳисоблашады. Солиқларга бозор иқтисодиётининг ички ҳаракатлантирувчи күчләридан бири сифатида қаралишининг асосини ҳам худди шу ҳолат билан боғлаш мүмкін.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар бюджетни да-ромад билан таъминловчи асосий манба ҳисобланиб, уларнинг шаклланишида юридик шахслар билан бирга жисмоний шахсларнинг ҳам алоҳида ўрни борлиги табиий. Шу боис давлат бюджети билан аҳолининг солиқлар бўйича ўзаро муносабатларини тадқиқ қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириб бориш мұхим иқтисодий масалалардан бири саналади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини бозор муносабатларига мувофиқ равишда босқичма-босқич такомиллаштириб боришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Президент И.А.Каримов мавжуд солиқ тизими аҳамияти тўғрисида тўхталиб шундай деганди: «Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бир томондан, ҳодимларни ўз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга разбатлантириши, иккинчи томондан, иш ҳақи даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлишига ёрдам кўрсатиши, меҳнаткашларнинг даромадларидаги тафовут асоссиз равишда катта бўлишига олиб келмаслиги лозим».¹

Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар мавзусининг долзарблигини, янада аниқроқ қилиб айтганда, унинг қамрови кенглиги; аҳоли даромад манбалари таркиби ўзгариб бораётган бир шароитда унинг тегишли қисми ни солиқقا тортиш; жисмоний шахслар турли ижтимоий қат-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.360.

ламлари даромади ўртасида вужудга келувчи кескин фарқнинг олдини олиш; субъектларнинг ўз меҳнат фаолиятидан кўрадиган манфаатдорлигини ошириш; аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш; субъектлар зиммасига тушаётган солик юки даражасини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш; даромадни соликқа тортишнинг декларация тизимини такомиллаштиришда ўз ечимини кутаётган қатор масалалар билан асослаш мумкин.

Юқорида қайд этилган омиллар, Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслардан олинадиган соликлар тизимининг умумий асослари ишлаб чиқилганига қарамай, соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган кўплаб масалалар мавжудлигидан дарак беради.

Сўнгги йилларда иқтисодиётнинг ривожланиши ва бозор ислоҳотларининг чукурлашиши жисмоний шахслардан ундириладиган соликларга доир қатор амалий масалаларни назарий жиҳатдан илмий асослашни тақозо этмоқда. Айтиш мумкинки, бугунги кунда тизимдаги муаммоларнинг назарий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлиги ишлаб чиқилган амалий тадбирларнинг жорий қилинишида қийинчиликлар туғдириб, кўзланган натижаларга эришиш имконини бермаётган ҳолатлар мавжуд.

Рисола хато ва камчиликлардан холи деб ҳисобламаймиз ва бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган китобхонларга миннатдорчилик билдирамиз.

Шу ўринда назарий ва амалий кўмаклари учун иқтисод фанлари доктори, профессорлар О.О.Олимжонов, Т.С.Маликов ва Н.Ҳ.Ҳайдаров, иқтисод фанлари доктори А.М.Содиков, иқтисод фанлари номзодлари Э.Ф.Гадоев ва А.А.Набиҳўжаев, техника фанлари номзоди О.И.Ғаниев ҳамда бошқа устозларга ўз ташаккуrimизни мамнуният билан маълум қиласиз.

Муаллиф

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА МАНБАЛАРИ

1.1. Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларниң иқтисодий мазмуни ва солиқ сиёсати

Солиқларнинг пайдо бўлиши жамиятнинг ижтимоий гурӯҳларга бўлиниши ва илк давлат тузилмаларининг юзага келиши билан боғлиқ бўлиб, улар молиявий муносабатларнинг асосий элементларидан бири сифатида узоқ вақтлар мобайнида ўрганиб келинган ва илмий адабиётларда ўз ифодасини топган. Бу борадаги энг қадимги маълумотларни кўпроқ файласуфлар асарларида учратиш мумкин. Демак, солиқлар файласуфларнинг дедукция ва индукция усуслари орқали муҳокамалардан замонавий «солиқ» тушунчасига етиб келгунга қадар бир неча асрлик вақтни ортда қолдирди дейишимиз мумкин.

Солиқларнинг ундирилиши ва амал қилиши ҳар бир ижтимоий тузумда ўзига хос аҳамият касб этган. Бу борада неоклассик мактаб вакили П. Самуэльсон ўз фикрини: «Узоқ ўтмишда солиқлар мулкдорлар томонидан ўз шахсий фойдасини кўзлаган ҳолда белгиланган ва ҳокимиятга эга бўлмаган тоифадан ундирилган...»² – деб баён қиласди.

Инсоният тарихининг гувоҳлик беришича, узоқ ўтмишда солиқлар асосий ҳолларда ҳалқни талаш (маҳаллий ҳукмдорлар, урушда енгилган тақдирда ташқи душман томонидан оғир солиқлар солиш ва ҳ.к.) куроли сифатида намоён бўлган эса-да, унга жамият учун фойдали ва зарурий восита сифатида қараб келганлар.

² Самуэльсон П. Экономика. В 2-х т. – М.: Алгон, 1992. Т.1. – С.165.

Давлар ўтиши билан солиқлар ундирилиши маълум тизимга солиниб, маданийлашиб борди, аммо «солиқ» тушун-часини шахсий мулкни жамият мулкига айлантирувчи восита сифатида англаш ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шундай экан, биз ҳам солиқларга иқтисодиётни бошқаришнинг муҳим қуроли деб қарашимиз, уни илмий асосга таянган ҳолда такомиллаштириб боришимиз мақсадга мувофиқ.

Барча иқтисодий воситалар каби солиққа тортиш жараёни ҳам давлат сиёсати билан узвий боғлиқ бўлгандиги учун, турли иқтисодий таълимот вакиллари масала ечимини давлат иқтисодий сиёсатидан излашга ҳаракат қилишган. Ўз даврида П.Ж.Прудон: «Солиқ тўғрисидаги масала бу – давлат тўғрисидаги масаладир...»³ – деб тўғри таъкидлаганди.

Иқтисодий муносабатларни ўрганувчи фанлар ўз ривожланиш тарихида жуда кўп оқимларга бўлинган. Шу жумладан, солиқ масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, бу борадаги давлатнинг ролини ёритишга доир иқтисодий таълимотлар моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда классик (неокласик), марксизм-ленинизм ва кейнсчилик йўналишларига ажратиш мумкин. Ушбу таълимотларда давлат солиқ сиёсатининг моҳияти турлича баён қилинган, улар маълум давларда айрим давлатлар солиқ амалиётига кенг жорий этилган.

Собиқ Иттифоқ ҳукмронлиги йилларида иқтисодий сиёсат марксизм-ленинизм таълимотига асосланган. Синфий характерга эга бўлган мавжуд таълимотдаги қиймат яратилиши, уни тақсимлашнинг мақсад ва мазмуни, товар-пул муносабатларининг барчаси собиқ Иттифоқ ишлаб чиқариш муносабатларини испоҳ қилишнинг асоси деб ҳисобланган. Мазкур ҳодиса 1930 йилги солиқ испоҳотларидан кейин АҚШ, Германия ҳамда Франция каби етакчи давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш жараёнларининг барҳам топишига сабаб бўлгани илмий адабиётларда ўз ифодасини топган.

Юқоридаги ҳолатни, яъни ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва солиқлар тизимини давр талабидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириб боришга идеологик омиллар ўз таъсирини ўтказган деб баҳолашимиз мумкин. Совет

³ Пушкирева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С.56.

олимларининг: «Хўжалик юритишининг социалистик тизими давлат бюджетини капиталистик жамиятдан фарқ қилувчи манба билан тўлдиради, солиқлардан эса давлат фаолият юритишида иқтисодий тимсол ўрнидагина фойдаланади. Давлат социализм шароитида доимий ўсиб борувчи социалистик мулк ва ишлаб чиқаришга таянади. Шу боис даромаднинг катта қисми социалистик хўжаликлардан келади. Социалистик хўжаликлар даромадининг ўсиб бориши СССРда аҳолидан олинадиган солиқларни мунтазам қисқартириб бориш имконини беради. Аксинча, буржуазия бюджет даромадида солиқлар асосий манба, хусусан, меҳнаткашлардан ундириладиган солиқлар етакчи улушни ташкил қиласди...»⁴ – деган даъволари ҳам фикримизга тасдиқ бўла олади.

Аммо солиқлардан воз кечишига бўлган ҳаракатдан кўзланган мақсад заминида нафақат сиёсий, балки кўпроқ иқтисодий манфаат ётганлигини айтиш мумкин. 1930 йилги солиқ исплоҳотларидан сўнг солиқлар давлат мулки доирасида ўз иқтисодий аҳамиятини йўқотганлиги ва улардан воз кечиш сабаблари тўғрисида иқтисод фанлари доктори, профессор О.Олимжонов ўз фикрини қўйидагича билдирган: «Зарур маблағларни йиғишида солиқлар кўп меҳнат талаб қиласа-да, бироқ солиқ усули маъмурий-буйруқбозлик тизими учун ўринсиз тус олар ва бу усулда корхоналар даромадидан юқори даражада чегириб олишни яшириб бўлмас эди. Солиқ усулининг нокулайлиги ҳам ана шундан иборат эди».⁵

Ушбу йиллар мобайнида давлат томонидан корхона ва ташкилотлардан олинадиган солиқлардан воз кечиш билан биргаликда жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини такомиллаштиришига ҳам иккинчи даражали масала сифатида қараб келинган. Чунки ўша даврда корхона, ташкилот ва муассасалар давлат мулки ҳисобланиб, бюджет, асосан, улардан ундириладиган турли хил ажратма ва тўловлар эвазига шакллантирилган. «Давлат билан давлат мулки ўртасида солиқ муносабатлари бўлиши мумкин эмас», – деган асоссиз акида

⁴ Пискотин М.И. Советское бюджетное право. – М.: Юридическая литература, 1971. – С.5.

⁵ Олимжонов О.О. Развитие финансов агропромышленного комплекса в современных условиях: Дисс... док. эк. наук. – СПб., 1992. – С.264.

хукм сурган. Корхона ва ташкилот давлат мулки бўлгач, у томондан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам, олинган фойда ҳам давлатники деб қаралғанлиги сабабли, солиқлар, асосан, давлат мулки бўлмаган соҳалар доирасида амал қилган. Аникроғи, 1930 йилги солиқ испоҳотларидан сўнг бюджетта давлат мулки соҳасида фақат корхоналар фойдасидан бюджетта тўловлар ва ажратмалар (оборот солигини ҳам тўлов деб изоҳлашарди), колхоз-кооператив мулкчилигига асосланган корхоналар ва аҳолидан солиқ ундирилган.

Умумлаштириб олганда эса режали иқтисодиёт ҳукмронлиги даврида колхоз-кооператив мулкчилигига асосланган корхоналар ва аҳолидан олинадиган солиқлар бюджет даромадларида унча катта бўлмаган салмоқни (колхоз-кооператив мулкчилигига асосланган корхоналардан олинган солиқларнинг бюджет даромадидаги ҳиссаси 1960 йили 0,7⁶, 1980 йили 2,3⁷ фоизни, аҳолидан ундирилган солиқлар ҳиссаси эса мос равишда 7 – 8,5 фоизни) ташкил қилган. Шу йилларда аҳолидан, асосан, даромад солиги, қишлоқ хўжалик солиги, ер солиги, транспорт воситалари солиги ва бўйдоқлик солиқлари ундирилган.

Ўша даврларда совет кишиларининг асосий даромад манбаи иш ҳақи деб ҳисобланган ва марксизм-ленинизм ғояси тарафдорлари уни тартибга солиш орқали аҳолидан олинадиган солиқлардан воз кечиш мумкин деган фикрни олға суришган. Бундан ташқари, «кўпчилик мутахассислар аҳолидан олинадиган солиқларни, айниқса, давлат корхона-ташкилотларининг ишчи ва хизматчиларидан ундириладиган даромад солигининг амалда мавжудлиги на сиёсий, на ижтимоий аҳамиятга эга эмас, балки бюджет даромад манбаларидан бири»⁸ деб ҳисоблашарди. Бу эса СССР Олий Совети томонидан 1960 йил 7 майда қабул қилинган «Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини солиқдан

⁶ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1960 г.: Стат. ежегодник ЦСУ УзССР. – Ташкент: Узбекистан, 1961. – С.339.

⁷ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г.: Стат. ежегодник ЦСУ УзССР. – Ташкент: Узбекистан, 1981. – С.342.

⁸ Еще раз о налогах с населения // Политическое образование. 1988. – №9. – С.88.

озод қилиш тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топган. Мавжуд қонунга асосан даромад солиги микдори камайиб бориши ва 1965 йил 1 октябрдан ушбу солиқ туридан бутунлай воз кечиш кўзда тутилганлиги «иқтисодиётни ривожлантиришдаги олға қадам ва совет иқтисодиётининг ютуғи» деб қаралган.⁹

Бизнинг назаримизда, мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадни аҳолидан олинадиган солиқлардан воз кечиш орқали давлат бюджетининг даромадлар қисмини фақат корхона ва ташкилотлардан ундириладиган турли хил тўлов ва ажратмалар ҳисобига шакллантириш, сабиқ Иттифоқда солиқлардан воз кечиши ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш ҳамда дунёда солиқсиз илк жамият куриш вазифаси қўйилганлиги билан баҳолаш мумкин. Ўз даврида бу ғояни амалга ошириш учун имконият ҳам бор эди. Чунки «режали иқтисодиёт даврида давлат солиқлар эвазига йиғиши зарур бўлган маблағга аҳоли даромадларини тартибга солиш орқали ҳам эришса бўлар эди».¹⁰

Бу қарашларнинг мутлақо нотўғрилиги ва унинг оқибати ўта салбий эканлигини ҳаёт сабиқ социалистик давлатлар тажрибасида исботлади. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, сабиқ Иттифоқ даврида бюджет даромадлари ни шакллантиришда аҳолидан олинадиган солиқлардан фақатгина ёрдамчи манба сифатида фойдаланилган ҳамда у бюджет даромадларининг ўртача 7 – 9 фоизини ташкил қилган бўлса-да, даромад солиги ҳисобига бир неча республика бюджетини даромад манбай билан таъминлашга эришилган. Фикримиз тасдиғи сифатида сабиқ Иттифоқ давлат бюджетига мурожаат қилсан, жисмоний шахслардан ундирилган солиқларнинг улуши 1965 йили 7,7 млрд сўмни, 1970 йили эса 12,7 млрд сўмни ташкил қилганини кузатиш мумкин. Ўша даврларда Ўзбекистон Республика-

⁹ Қаранг: «Ишчи ва хизматчиларнинг иш хақини солиқдан озод қилиш тўғрисида»ги Қонун // СССР Олий Советининг Ведомостлари. 1960. – №18. – Б.135.

¹⁰ Пепеляева С.Г. Основы налогового права: Учебно-методическое пособие. – М.: Инвест Фонд, 1995. – С.16.

си бюджетининг даромадлар қисми мос равишда 2,13 ва 3,23 млрд сўмдан иборат бўлган.¹¹

Демак, жисмоний шахслардан даромад солиги ҳисобига йиғилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси каби 3 – 4 та республика бюджетини даромад манбаи билан таъминлашга етарли эди. Бундан ташқари, масалага иқтисодий нуқтаи назардан қарасак, бюджет тақчиллиги шароитида соликларни бекор қилиш мақсадга мувофиқ эмасди.

Ўша даврларда молиявий ресурсларнинг ўта марказлашуви, маҳаллий бюджетларнинг эса иқтисодий қарамлиги узоқ йиллар давом этган ҳамда унинг салбий таъсирি бугунда ҳам сезиляпти. Бу жараённинг бошланиши 1931 йил 21 декабря «Республика ва маҳаллий бюджетлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан боғлиқдир. Мазкур қонунга мувофиқ маҳаллий бюджетлар ўз маблағларини умумдавлат бюджетининг даромадлар қисмини шакллантириш учун ажратишлари керак эди.

Бизнинг фикримизча, бу жараён республикаларнинг марказга иқтисодий қарамлиги кучайишига олиб келган асосий сабаблардан бири бўлган. Ўз-ўзидан маълумки, иқтисодий мустақиллик бўлмаган жойда сиёсий мустақиллик ҳақида фикр юритиш мантиқа зид. Шу сабабдан «крайвозланган мамлакатларда маҳаллий соликлар ҳисобига бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантириш имконияти мавжудлиги худудларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаб келмоқда».¹²

Собиқ Иттифоқ худудида мустақил давлатларнинг вужудга келиши ва маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган режали иқтисодиётдан воз кечилиб, бир неча асрлардан бери синовлардан муваффакиятли ўтган бозор иқтисодиёти сари қадам қўйилиши мамлакат иқтисодиётида маҳаллий солик ва йиғимлар ролининг ошишига сезиларли таъсир кўрсатди. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир вилоят ва туман мавжуд худуддаги ижтимоий-иқтисодий

¹¹ Народное хозяйство СССР в 1970 г.: Стат. ежегодник. – М.: Финансы и статистика, 1970. – 624 с.

¹² Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 1998. – С.18.

жараёнларни молиялаштириш учун талаб этиладиган маблагни ўз бюджетида шакллантира олиши ҳамда фақатгина умумдавлат аҳамиятига молик масалаларгина давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши ёки «муайян бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир».¹³ Бу борада Президент И.А.Каримов Олий Мажлис иккинчи чақириқ бешинчи сессиясида маҳаллий бюджетлар ва улар эркинлигини таъминлаш, кўшимча даромад топиш борасидаги ҳар қандай фаолиятни қўллаб-кувватлаш масаласига тўхталиб ўтгани бежиз эмас.

Бозор иқтисодиёти шароитида янги жорий қилинадиган ҳар бир маҳаллий солиқ ва йиғим, энг аввало, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққанлиги, унинг илмий асосга эга бўлиши зарур деб ҳисоблаймиз. Қолаверса, мустақиллик йилларида аҳолидан ундириладиган солиқларнинг нафақат маҳаллий бюджетларни, балки умумдавлат бюджетини ҳам молиявий ресурс билан таъминлашдаги аҳамияти ошиб бормоқда.

Хуллас, собиқ Иттифоқ ҳудудида солиқларга бўлган синфий муносабат 1930 йилдан 1980 йил охиrlаригача давом этиб, бу ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида солиқларни илмий асосда ўрганишга етарлича эътибор берилмаслигига олиб келди дейишимиз мумкин. Оқибатда солиқлар соҳасига бағишланган тадқиқотларнинг илмий йўналишлари фақатгина марксизм-ленинизм ғоя ва кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда олиб борилганлиги солиқ соҳасидаги қонунчиликнинг жамиятда рўй берган ўзгаришлардан орқада қолишига сабаб бўлган, солиқ тизимининг шаклланишига эса салбий таъсир кўрсатган.

Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар соҳасидаги муҳим ўзгаришлар 1990 йил 1 июлдан кучга кирган «СССР фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан бошланди дейишимиз мумкин.

¹³ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.361.

Қонунчиликдаги ўзгариш сабаблари иқтисодиётда амалга оширила бошланган испоҳотлар натижасида, мәхнаткашлар иш ҳақининг эркинлаштирилиши оқибатида даромадлар ўртасида кенг табақаланиш содир бўлганини, хусусий соҳанинг ривожлана бошлаши ва тадбиркорлар синфи шаклланиб келаётганидан иборат эди. Бундай шароитда давлатнинг даромадларни тартибга солишдаги эскича иш услуби ўз таъсирини йўқотаётган эди.

Юқоридаги қонуннинг кучга киритилиши аҳолидан ундириладиган солиқлар тизимини бекор қилиш сари йўл тутган давлат томонидан солиқларни бекор қилиш эмас, балки камайтириш ижтимоий бойликларнинг кўпайишига қараб амалга оширилиши кераклиги, улар бошқа иқтисодий риҷаглар билан бир қаторда мәхнатсиз даромадларнинг вужудга келишини чекловчи восита эканлиги тан олинганидан далолат берарди. Шунингдек, аҳолидан олинадиган солиқлар орасида даромад солиғи марказий ўринни эгаллаб, у ўзгариб бораётган давр, яъни 1990 йиллар талабига жавоб беролмасди.

Солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий зарурати шундаки, ихтиёрий бир давлатнинг алоҳида бир фуқароси якка ҳолда табиий оғатлар ва ташқи душман хуружига қарши курашиб, уларни бартараф этиш ҳамда умумхалқ манфаати учун қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш имкониятига эга эмас. Илк давлат тузилмаларининг вужудга келишида ҳам шу омиллар муҳим аҳамият касб этган дейиш ўринли. Ўз навбатида, табиий оғатларни енгиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, ҳалқ манфаати йўлида қурилишларни амалга ошириш, мәхнатта лаёкатсиз ҳамда кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоялаш, самараси паст бўлганлиги учун хусусий капитал киритилмайдиган баъзи соҳалар ривожи давлатдан кўплаб маблағ сарфини талаб этади. Аҳолидан эса кўрсатилаётган хизматлар учун ўз бойликларининг бир қисмини бюджет деб аталувчи умумий ҳамёнга бериш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам солиқларни аждодларимиз «хайр-эҳсон», «давлат хизмат ҳақи», «ўз ихтиёри ила бериладиган ҳақ» каби тушунчалар билан изоҳлаган.

Юқорида собиқ Иттифоқ даврида ҳукмронлик қилган

марксизм-ленинизм таълимоти вакилларининг жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар ижтимоий-иқтисодий мазмунини ёритишга багишланган баъзи ёндашувлар ва уларнинг амалиётда қўлланилиш оқибатларига тўхталиб ўтган бўлсак, энди бу борада классик таълимотга мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Классик иқтисодий мактаб вакили А.Смит аҳолидан оли-надиган солиқлар давлат хизматларининг «адолатли нархи» деган тўхтамга келади.¹⁴ У моддийлашган дунёқараш эгаси бўлишига қарамай, солиқ давлатнинг мудофаа, давлат аппаратини сақлаб туриш каби жамиятнинг барча аъзоси тенг манфаатдор хизматлар учунгина ундирилиши ҳамда таълим, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш каби бошқа хизматлар билан боғлиқ харажатлар улардан фойдаланувчилар томонидан амалга ошириладиган тўловлар ҳисобига қопланиши, тўловлар тўлиқ ундирилмай қолиши натижасида молиявий танглик юзага келган ҳоллардагина солиқлар ҳисобига молиялаштирилиши мумкинлигини таъкидлайди.

Аммо, А.Смит таъкидлаганидек, таълим, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш каби соҳа харажатларининг ҳаммаси тўловлар ҳисобига қопланиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз. Чунки уларнинг буткул пулли хизматга ўтказилиши рақобат муҳити шаклланиши ҳисобига кўрсатиладиган хизматлар сифатининг яхшиланишига олиб келувчи омиллардан бири эканлигини рад этмаган ҳолда аҳолининг кам таъминланган қатлами бундай хизматлардан бебаҳра қолишига сабаб бўлишини ҳам унутмаслигимиз лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг маълум қатлами даромадлари етарли даражада шаклланмаган бир шароитда соғлиқни сақлаш хизматлари тўлиқ пулли шаклга ўтадиган бўлса, аҳолининг кам таъминланган маълум қисми бу хизматлардан бебаҳра қолади. Бошланғич таълим соҳасида ўкув қўлланмалари, олий ва ўрта таълимда эса ўқиш харажатлари шахсий маблағлар ҳисобига молиялаштирилиши таълим сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

¹⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Социально-экономическая литература, 1962. – С.138.

Шу сабабли мустақилликнинг илк куңларидан бошлаб давлат томонидан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилиб, давлат бюджетидан салмоқли маблағлар ажратиб келинмоқда (1-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларидан Ўзбекистон Республикасида маориф ва соғлиқни сақлаш соҳа харажатлари давлат бюджет харажатларининг асосий қисмини ташкил этаётганлиги маълум бўлади. Хусусан, ушбу соҳа харажатларининг улуши 2000 йили 32,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб 47,3 фоизга етди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бюджет харажатларида маориф ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг улуши¹⁵ (фоизда)

Кўрсаткичлар	2000 йил	2002 йил	2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил
Маориф ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг бюджет харажатларидаги улуши, жами	32,4	35,9	37,9	41,7	42,1	46,7	47,3
шу жумладан							
маориф ва фан соҳасининг улуши	23,7	26,5	27,9	30,1	30,7	34,0	33,9
соғлиқни сақлаш соҳасининг улуши	8,7	9,4	9,9	11,6	11,4	12,8	13,3

Таълим ва маориф соҳаси харажатлари давлат бюджет харажатларининг 40 фоизга яқинини ташкил этмоқда. Бу, асосан, таълим муассасалари моддий-техник базасини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда муносиб меҳнат ҳақи тўлаш мақсадларига йўналтирилмоқда.

Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилган ишларга хорижий мутахассислар томонидан Тошкент шаҳрида ўtkазилган 2011 йил ноябрдаги «Ўзбекистонда она

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

ва бола соғлигини сақлашнинг миллий модели «Соғлом она – соғлом бола» ҳамда 2012 йил февралдаги «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуларидағи халқаро симпозиумларда юқори баҳо берилгани бунинг исботидир.

Демак, аҳолининг маънавий-ижтимоий эҳтиёжи билан боғлиқ айрим соҳа харажатларини тўлиқ пулли асосга ўтказишда аҳоли тўлов қобилияти муҳим омил ҳисобланади.

«Фойдалилик назарияси» асосчиси Ж.Сәй ёндашувида эса асосий эътибор яратиладиган фойдага қаратилганлиги боис, у давлат хизматларини ҳам «номоддий» шаклдаги фойдалиликка дахлдор деб билади. Олим, давлатнинг «номоддий» шаклдаги хизматлари билан боғлиқ харажатлар солиқлар ҳисобига молиялаштирилиши сабабли, «Солиқларни қисқартиришни, савдо ва соҳибкорлик фаолияти эркинлигини эса кенгайтиришни» тарғиб этади.¹⁶

Д.Рикардо солиқлар борасидаги фикрини: «Солиқлар унумсиз тупроқ, ёмон об-ҳаво, фаоллик ёки уддабуронлик етишмаслиги, ишчи ўринларининг нотўғри тақсимоти кабиляр билан бир хил таъсир кучига эга...»¹⁷ – дея ифодалайди. Бундан Д.Рикардо таълимотида ҳам давлат хизматлари, А.Смитда бўлгани каби, «унумсиз меҳнат»га мансублиги ҳамда «унумли меҳнат»га тўскىнлик қилувчи асосий омиллардан бири сифатида саналган деган хуласа келиб чиқади.

Классик мактаб вакилларидан яна бири Ж.Сисмонди солиқларга: «Хузур-ҳаловат учун тўланадиган ҳақ»¹⁸, – деб таъриф беради. Аҳоли солиқларга давлат томонидан уларнинг шахсий ва мулкий ҳимояси (хузур-ҳаловати)ни таъминлаш мақсадида кўрсатиладиган хизматлар ҳақи сифатида қараши лозимлиги ва йигилган маблағлар фақат шу мақсадларга сарфлангандағина (яъни ҳукмрон синфлар шахсий манбаатлари йўлида эмас) фойдали эканлигини

¹⁶ Рazzoқов А. ва бошқ. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Тошкент: Молия, 2002. – Б.205.

¹⁷ Рикардо Д. Сочинения. Т.1. Начало политэкономии и налогового обложения. Пер. с анг. – М.: Госполитиздат, 1955. – С.186.

¹⁸ Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С.63.

баён этади. Давлат хизматлари билан боғлиқ харажатлар ошиб бориши солиқларнинг ошишига олиб келади.

Ўз навбатида, Ж.Сисмонди «Арзимас ҳузур-ҳаловат олиб келадиган қиммат қурбонликдан воз кечиш» ташабуси билан чиқади. Унинг юқоридаги солиқлар борасидаги фикридан аҳоли солиқларни ўз вақтида тўлашга, давлат эса ўз фуқароларининг эркин иқтисодий фаолияти, тўлақонли ижтимоий таъминоти ва сиёсий хавфсизлигини арzon ҳимоя қилишга масъуллиги ҳамда йиғилган маблағни «сарфлаш» эмас, балки ҳалқ манфаатидан келиб чиқсан ҳолда «ўз ўрнида ва тежамли сарфлаш»дан иборатлиги келиб чиқади. Ж.Сисмонди солиқларнинг қайтарувчанлик хусусиятини ифодалаш билан бирга солик тўловлари ва давлат хизматлари ўртасида ўзаро мутаносиблик бўлиши лозимлигини уқтиради.

Бизнингча, давлат хизматлари ва солиқлар ўртасидаги мутаносиблик бузилганда, Ж.Сисмонди айтганидек, солиқлардан воз кечиш эмас, балки уларни давр талабидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки солиқлар мажбурий тўлов ҳисобланиб, аксарият мамлакатларда бюджет даромадларининг асосий қисми ни ташкил қиласди. Улардан воз кечиш давлатнинг молиявий ва сиёсий таназзулга юз тутиши демақдир.

Давлат ва жамоат арбоби Амир Темурнинг солиқларга «Мамлакат ободончилиги, уни юксалтириш ва хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили» сифатида қараганлиги диккатга сазовордир. У ўзининг «Темур тузуклари» асарида солиқлардан тушган маблағлар ҳисобига ҳар бир шаҳар ва қишлоқда мадраса, хонақоҳлар бино қилишларини, факиру мискинларга ғарибхоналар солишларини, касаллар учун шифохоналар қурдиришлари ҳамда уларда ишлаш учун табиблар тайинлашларини, бузилган кўприкларни тузатишларини, раият ва зироатни қўриқловчи қўриқчилар тайинлашларини, ҳароб бўлиб ётган ерларда коризлар, ариклар ва дарёлар устига янги кўприклар, йўл устида ҳар манзилга работлар қуришларини, йўлларга ўғриликларнинг олдини олиш учун кузатувчи ва соқчилар қўйишларини амр қилганини келтирилади.¹⁹ Темур даврида йўлларга кузатувчи ва

¹⁹ Темур тузуклари / Форсчадан А.Софуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳр. остида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – Б.125.


соқчилар қўйилиши натижасида XIV аср охири ва XV асрда Буюк ипак йўли орқали карбонлар осойишта қатнаганлиги сабабли, шу давр Шарқда савдо муносабатлари энг ривож-ланган пайт бўлганини тарихий манбалар исботлайди.

Юқоридаги таърифлардан фуқаролардан ундириладиган солиқлар қайтарувчанлик хусусиятига эга бўлиб, улар турли солиқлар кўринишида тўлаган маблағларини давлат хизматлари кўринишида истеъмол қилишлари тушунилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш эса тўланган солиқларга ноэквивалент (миқдор жиҳатидан тенг бўлмаган) тарзда рўй беради ёки солиқ субъектлари солиқ тўлаш билан унинг эвазига шу пулга эквивалент (миқдор жиҳатидан тенг) тарзда давлатдан бевосита бирон-бир товар ёки хизмат сотиб олади деган маънони бермайди. Америкалик иқтисодчилар К.Макконелл, С.Брю солиқларга таъриф бериб, «солиқ уй хўжаликлари ва фирмалар томонидан давлатга тўланадиган пул ҳисобланиб, пулга улар алмашиб учун бирон-бир товар ёки хизмат сотиб олмасликларини» эслатади.²⁰ П.Самуэльсон ҳам солиқларнинг мажбурий характеристикага эгалиги, жисмоний шахслар томонидан тўланган солиқ суммаси билан унга кўрсатилган хизматлар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик йўқлигини айтиб ўтиб, қўйидагиларни баён этади: «Агар давлат ўз характеристларини пул эмиссия қилиш ёки заём чиқариш ҳисобига қоплаганда, у учун бу борада муаммо бўлмас эди. Бунинг имконияти чекланганлиги боис, хукумат жамият харажатларининг каттагина қисмини солиқлар орқали йиғилган маблағлар ҳисобига молиялаштиради. Давлат, энг аввалио, барча солиқ юкини ўз зиммасига олади, сўнгра эса ҳар бир фуқарога ўз улушини тақсимлайди». Олим солиқлар мажбурийлиги борасида фикр юритиб шундай дейди: «Ихтиёрий бир фуқаро «Лайк страйл» сигарет чекишига ёки нейлон пайпоқ сотиб олишга мажбур эмас, лекин даромадидан хоҳлайдими-йўқми солиқ тўлашга мажбур».²¹

Демак, жисмоний шахслар давлат хизматларидан фойдаланганлиги учун (хизматлар билан боғлиқ харажатларнинг асоси

²⁰ Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х т. Пер. с англ. – М.: Республика, 1992. Т.2. – С.390.

²¹ Самуэльсон П. Экономика. В 2-х т. – М.: Аргон, 1992. – С.38.



сий қисми солиқлар ҳисобига молиялаштирилиши сабабли) түлов қобилиятидан келиб чиқиб солиқларни ўз вақтида ва тұлық тұлашга мажбур. Назарий жиҳатдан, агар фуқаро күп хизмат истеъмол қылса, күп солиқ тұлашига түғри келади. Бу борадаги асосий муаммо ҳар бир солиқ субъектига күрсатилған хизматлар миқдорини аниқлашдан иборат. Аниқлашнинг амал қилиб келаётган ўзига хос тарзи эса ақолининг солиққа тортыладиган даромадида ўз ифодасини топмоқда.

Баъзи илмий адабиётларда: «Давлатнинг ақолига күрсатадиган хизматлари учун түловлар доимо ихтиёрий ваadolатли бўлмаса-да, фойдалидир, чунки давлат ақолини яхши ва арzon ҳимоя қиласи»²², – деб таъкидлаб ўтилади. Бироқ баъзи мамлакатларда ақолининг мол-мулки талон-торож қилиниб, ҳуқуқлари топталаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу эса давлат ўзига юклатилған вазифани етарли даражада адо этмаётганидан далолат. Бундай шароитда фуқаро-ни солиқ тұлашга мажбур қилиш мақсадга мувофиқми деган савол туғилиши табиий. Бизнинг назаримизда, юқоридаги ҳолатдан шу нарса аён бўладики, солиқ түловлари билан давлат хизматлари гёёки тарозининг икки палласи, мазкур паллалар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли «тарози паллалари» ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муҳим ижтимоий-иқтисодий масаладир.

Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларга умумлаштирган ҳолда: «Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар давлат ва жамият томонидан мажбурият сифатида күрсатиладиган хизматлар ҳақи бўлиб, уларни маблаг билан таъминлаш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажм ва ўрнатилган муддатларда давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириладиган тўловдир», – деб таъриф бериш мумкин.

Демак, юқоридаги фикрлардан солиқлар борасида ахоли масъуллигини таъкидлаш билан чекланиш етарли эмаслиги, ҳар бир жамиятда давлат ҳам ўз зиммасига юклатилған мажбуриятларни адолатли тарзда бажариши лозимлиги ху-

²² Mercier J., Plagnet B. Les impots en France. – Paris: Francis Lefebvre, 1994. – P.46.

лоса қилинади. Давлат мажбурияти йигилган маблагни ҳалқ манфаатидан келиб чиқан ҳолда тежамли сарфлаш ҳамда бу борада солиқ субъектларига батағсил маълумот бериб боришдан иборатлиги баъзи манбаларда кўрсатиб ўтилган.

Аксарият ҳолларда алоҳида олинган солиқ тўловчи, одатда, солиқ тўлаши эвазига умумжамият эмас, балки ўзи кўрган фойдани солиштиришга ҳаракат қиласи. Назарида, солиқлар у учун ютуқсиз лотерея бўлиб кўринади. Бу эса охир-оқибатда баъзи фуқароларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлашига ва даромадини солиқдан яширишига олиб келади. Шу боис, бизнингча, ҳар бир фуқаро солиқлар борасида фикр юритганда унга шахсий манфаати юзасидан эмас, балки бутун жамият нуқтаи назаридан ёндашсагина уларнинг моҳиятини теранроқ англаши мумкин.

Солиқлар юзасидан фуқароларда бундай ёндашувнинг пайдо бўлишида давлат ва унинг солиқ сиёсати ҳам аҳамиятга эгалигини соҳа мутасаддилари унутмасликлари лозим. Солиқлар солиқ субъектлари даромадининг бир қисмини бюджеттага йиғиш қуроли бўлиб қолмасдан, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш омили ҳамdir. Фуқароларнинг иқтисодий ҳолатини эътиборга олмаган ҳолда солиқларни мажбурий тарзда ундиравериш билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини ўз вақтида Амир Темур тўғри баҳолай билган. Соҳибқирон: «Ҳар шаҳар ва ҳар ердан олинадиган солиқни тўплашда қадимдан келган тартиб-қоидага амал қилсинлар, борди-ю бунга раият рози бўлмаса, бори-бўлганича иш тутсинлар»²³, – дейди. Бу ерда Амир Темур «бори-бўлганича» ибораси билан солиқ тўловчининг иқтисодий имкониятини назарда тутган ҳолда солиқлар борасидаги адолат принципини илгари суради. У солиқ тўловчининг тўлов қобилиятидан кўп маблағ ундириш солиқ субъектининг молиявий аҳволи ёмонлашишига ёки меҳнат фаолиятини тўхтатишига сабаб бўлишини, иқтисодий фойда ижтимоий зарарни вужудга келтиришини тўғри баҳолай олган.

²³ Темур тузуклари / Форсчадан А.Софуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳр. остида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – Б.124.

А.Смит ва классик мактабнинг бошқа вакиллари таълимотларида ҳам инсон хоҳиш-истакларига боғлик бўлмаган объектив иқтисодий қонунлар мавжудлиги ва у иқтисодий тизимда табиий турғунликни таъминлашга хизмат қилиши, давлатнинг солиқлар орқали ишлаб чиқариш ҳамда савдо муносабатларини чеклашга салбий муносабат билдиришлари кузатилади. А.Смит таълимоти давомчиларидан бири Д.Рикардо 1819 йили ҳукумат мажлисида сўзлаган нутқида солиқлар борасида ўз фикрини: «Мен барча солиқларга қаршиман... Энг афзал солиқ энг кам миқдордаги солиқдир...»²⁴ – деган жумла билан ифодалайди. Чунки у юқори солиқ ставкасини маблағ жамғариш ва инвестиция жараёнига тўсқинлик қилувчи омил деб билган. Бу унинг «Сиёсий иқтисод ва солиқ солишининг бошланиши» асарида: «Жамғаришга, ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилмайдиган солиқ йўқ...»²⁵ – деган жумлалар билан ифодаланганди. Қолаверса, асарда давлатнинг ноишлаб чиқариш хусусиятига эга хизматлари билан боғлик молиявий муносабатлар халқ хўжалигидан ажратилган ҳолда ифодаланибгина қолмасдан, улар қарама-қарши қўйилади. Бу концепция бўйича «солиқлар жамият иқтисодий эҳтиёжи билан боғлик бўлмаган жараён сифатида қаралиб (давлатнинг айрим функциялари ижобий баҳоланишига қарамасдан), давлат хизматлари билан боғлик ноишлаб чиқариш харажатларини қоплашга йўналтирилиши боис жамият учун зарарли» ҳисобланади.²⁶

А.Смит эса меҳнатни «унумли» ва «унумсиз»га ажратган ҳолда биринчиси капиталга, иккинчиси даромадга алмашишини таъкидлайди. У давлат хизматларини «унумсиз меҳнат»га киритиб, давлатнинг иқтисодий жараёнларга тўсқинлик қилмаслиги ҳамда унумсиз меҳнат билан боғлик хизматларини чегаралашни ёқлаб чиқкан. Яъни тадбиркорлик фаолияти ва баҳо эркинлиги, эркин рақобат, мулк шаклларининг турли-туманлиги, қонун олдида тенг-

²⁴ Пушкирева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учеб. пособие.– М.: ИНФРА-М, 1996. – С.96.

²⁵ Рикардо Д. Сочинения. Т.1. Начало политэкономии и налогового обложения. Пер. с анг. – М.: Госполитиздат, 1955. – С.145.

²⁶ Пушкирева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С.56.

лиги ҳамда давлатнинг иқтисодий жараёнларга камроқ арашуви тарафдори бўлган.

Аҳолидан ундирилладиган солиқлар сиёсий моҳиятга ҳам эга бўлиб, иқтисодиётни бошқаришнинг режали кўринишидан бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатимиз учун ўзига хос аҳамият касб этади. Солиқларнинг сиёсий моҳияти улар орқали давлатнинг молия тизими ва миллионлаб кишиларнинг турмуш тарзи бир-бири билан узвий боғлиқлигини ифодалайди. Солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари аҳоли даромадлари ўртасида юз берадиган кескин табақаланишни юмшатиш, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, нарх-навонинг асоссиз ошиб кетишига қарши курашишдан иборат бўлиб, республикамиизда бу борада қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш мумкин.

Қисқача қилиб айтганда, солиқ сиёсатини такомиллаштириш иқтисодиётни барқарорлаштириш ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни ечишда мухим аҳамият касб этади.

Солиқларнинг иқтисодий мазмунига тўхталар эканмиз, таъкидлаб ўтганимиздек, у жисмоний шахсларнинг тўлов қобилияти кенгайиши ёки қисқариши орқали уларнинг меҳнат фаолияти ва турмуш тарзига таъсири билан белгиланади. Бунга эришиш борасида эса давлат солиқ тизими олдида бир вақтнинг ўзида бюджетнинг камомадсиз бўлишига ҳамда субъектларнинг ўз меҳнат фаолияти натижасидан манфаатдорлиги ошишига ижобий таъсир қилиш вазифаси туради. И.А.Каримов айтганидек: «Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бир томондан, ходимларни ўз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга рағбатлантириши, иккинчи томондан, иш ҳақи меҳнат самарасига мутаносиб бўлишга ёрдам кўрсатиши... лозим».²⁷

Баъзи иқтисодчилар бу борада ўз фикрларини билдирип эканлар, улар корхона бошқарувини давлатни идора қилишга қиёслашади. Корхонани бошқаришда молиявий ресурс ва тўғри танланган мақсад кифоя бўлиб, моҳирона бошқарув талаб қилинади. Улар наздида, давлатнинг шун-

²⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.360.

дай асосий ресурси солиқ тизими бўлиб, уни энг мақбул кўринишда бошқариш орқали умумиқтисодий барқарорликка, аҳоли учун фаровон ҳаёт даражасини таъминлашга эришиш мумкин.²⁸ Бу билан барча солиқлар солиқ субъектлари фаолиятига акс таъсир қилиш кучига ҳам эгалигини унутмаслик лозимлиги эслатилади. Одатда, солиқлар таъсир даражасининг турли-туманлиги билан бири иккинчидан фарқланади. Аксарият давлатларда бўлгани каби, Ўзбекистон Республикасида ҳам аҳоли меҳнат фаолияти ва тўлов қобилиятига даромад солиги нисбатан кучли таъсир кўрсатмоқда. Чунки у аҳоли томонидан тўланадиган солиқлар ичida 90 фоизга яқинни ташкил этиб, солиқ субъектлари сони жиҳатидан ҳам етакчи мавқега эга.

Иш ҳақидан солиқ ундирилгандан сўнг, ўз-ўзидан даромад суммаси камаяди. Бундай шароитда аҳоли солиқлар таъсирига ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиқкан ҳолда турлича мослашади. «Субъектнинг муҳит ўзгаришига қандай мослашишидан қатъи назар, солиқлар унинг молиявий ахволига салбий таъсир кўрсатади».²⁹ Масалан, ишлаган иш ҳақи соатбай асосда тўланадиган муҳитда ишчи ишдан ташқари бўш вақтини қисқартириш ҳамда кўпроқ ишлаш ҳисобига ўз даромадини оширишга интилади. Ишчининг иш соатини кўпайтириш имкониятлари чекланган бўлса-да, иш берувчи билан шартнома тузиш жараёнида ишчи таклифи қисман эътиборга олиниши мумкин. Натижада ишчи даромадининг солиқлар ҳисобига йўқотилган қисмининг маълум улушкини кўпроқ ишлаш ҳисобига қоплашга ҳаракат қиласди (1-чизмага қаранг).

Юқорида таъкидлаганимиздек, ишчи маълум соатгача иш вақтини ошириш имконига эга. Иш вақти ошишини чекловчи объектив ва субъектив омиллар мавжуд. Объектив омилларни корхона иш куни, субъектив омилларни эса ишчининг жисмоний имкониятлари чекланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу сабабдан иш вақтини маълум чегарадан кейин ошириш имкони бўлмайди.


²⁸ Кашин В.А. Налоговая система и оздоровление национальной экономики // Финансы. 1998. – №8. – С.23.

²⁹ Стиглиц Дж.Ю. Экономика государственного сектора. Пер. с англ. – М., 1997. – С.411.

Даромадни солиққа тортиш аҳолининг күпроқ фаолият күрсатишига турткы бўлиши ижобий ҳол саналса, солиқ миқдорининг ошиб бориши орқали аҳолининг ўз даромадларини солиқдан яширишга интилишининг кучайиши, фаолиятнинг норасмий кўринишлари билан банд бўлишига таъсир кўрсатиши салбий ҳолат ҳисобланади.

1-чизма

Солиқларнинг иш вақтига таъсири³⁰



Солиқлар барча субъектлар (аҳоли, корхона ва ташкилотлар ҳамда улар орқали давлат бюджети) фаолиятига молиявий таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Солиқлар корхоналар фаолиятига улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот нархи, миқдори ва ишчилар иш ҳақи миқдори ўзгариши орқали таъсир кўрсатсан, аҳолининг истеъмоли ва жамғаришига таъсир қиласи. Солиқларнинг аҳоли истеъмоли ёки жамғаришига таъсири жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муҳит билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, истеъмолнинг даромаддаги улуши паст бўлган давлатларда у, асосан, жамғаришнинг қисқаришига, истеъмолнинг даромаддаги улуши юқори давлатларда эса истеъмолнинг қисқаришига таъсир кўрсатади.

³⁰ Кўрсатилган асар. – С.429.

«Аралаш иқтисодиёт отаси» номини олган кейнсчилек таълимоти асосчиси Ж.Кейнс ўзининг «Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асарида тўла бандликни таъминлаш учун инвестициялар билан бирга солиқлар орқали миллий даромадни тартибга солишни таклиф этади. У солик сиёсатини аҳолининг истеъмолга мойиллик даражаси ва давлат инвестицион фаолиятига таъсир этувчи омиллардан бири сифатида таҳлил қиласи, «Агар солик сиёсатидан беносита даромаднинг адолатли тақсимотига эришиш қуороли сифатида фойдаланилганда, у истеъмолга бўлган мойиллик даражасининг янада кўпроқ ўсишига таъсир қиласи эди»³¹, – деб таъкидлайди. Кейнс «адолатли тақсимот» жумласи орқали аҳоли маълум бир тоифасини (аҳоли бой қатламини эмас, балки меҳнаткашларни), даромади ошиб борган сари, кўпроқ соликқа тортиш орқали ўртacha (жамғариш имкониятини чеклайдиган) даражага келтиришни назарда тутган. Бундан солиқларга аҳоли жамғармасини муомалага киритиш воситаси сифатида қаралгани келиб чиқади. Олим: «Ижтимоий ишлаб чиқариш ва бандлик даражаси ўзиш суръати таклиф омили билан эмас, балки тўлов қобилиятига эга бўлган талаб омили билан аниқланади»³², – деган холосага келган. Бундай талабга тўқсунлик қилувчи иккита омил мавжуд, улар қуидагилардан иборат:

– биринчиси истеъмолчилар психологияси билан боғлиқ бўлиб, аҳоли даромадининг ошиши доим ҳам истеъмолнинг ўсишига ҳамоҳанг кечмайди. Бу вазиятда жамғаришга бўлган мойиллик кучайиши мумкин;

– иккинчидан, капитал қўйилмалар фойдалилик дарожаси пасайса ва фоиз тўловлари даражасидан сезиларли фарқ қилмаса, тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва замонавий технологиялар билан жиҳозлашга бўлган интилиши сўниши, бу орқали инвестицион товарларга бўлган талабнинг камайиши кузатилади.

Агарда ишлаб чиқаришга инвестиция киритишдан кўра ссуда ҳисобига юқори фоиз олиш имконияти туғилса, ак-

³¹ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Иностранная литература, 1949. – С.89.

³² Кўрсатилган асар. – С.252.

сарият ҳолларда инвестицион мұхит бекарорлиги юзага келади. Ж.Кейнс инвестицион мұхитни яхшилаш ва түлов қобилиятига эга бўлган талабни ривожлантириш учун:

– кредит фоизларини қисқартириш ва тадбиркорлар маблағларини қимматбаҳо қоғозларга әмас, балки ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб қилиш;

– талабни ривожлантириш учун давлатнинг инвестиция ва товарлар сотиб олиш билан боғлиқ (айниқса, йўллар, бинолар қурилиши, янги худудлар ўзлаштирилиши каби ижтимоий) харажатларини ошириш, «давлат инвестицион фаолиятни бошқаришни тўғридан-тўғри ўз зиммасига олиши» лозимлигини ўқтиради.³³

Бундан Ж.Кейнс таълимотида давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг кескин ошишиға илгари суримиши, унинг классик мактаб вакиллари қарашларига тескарилиги келиб чиқади. Мавжуд таълимот давлатнинг иқтисодий жараёнларга ҳаддан ташқари кўп аралашуви асосига қурилган деб холоса қилиш мумкин.

Аҳоли истеъмолининг қисқариши натижасида эса корхона ўз ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишини қисқартиришга мажбур. Чунки ишлаб чиқарилиб, истеъмол қилинмаган маҳсулот фойда келтирмайди, аксинча, айланма маблағларнинг маҳсулотга айланиши орқали корхонани инқирозга етаклади. Бу рақобат мұхити етарлича шаклланмаган шароитда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналардан кўра кўпроқ иккиласын озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятида яқол намоён бўлади.

Охир-оқибатда корхона ортиқча ишчиларни ишдан бўшатишга мажбур. Соғлом иқтисодий мұхит шароитида давлат ишсизларга янги ишчи ўринлари ташкил қилиб бериши ёки нафақа тўлаши талаб этилади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси шароитида бюджетнинг асосий даромад манбай бўлмиш кўшилган қиймат ва акциз солиғини тўлаб келаётган иккиласын озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг ёмонлашиши давлат иқтисодиёти учун салбий ҳолат ҳисобланади.

³³ Кўрсатилган асар. – С.351.

Демак, аҳолидан олинадиган солиқларни ошириб бориш нафақат уларнинг ўзига, балки бутун иқтисодиётга акс таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нафақат давлат хазинасини тўлдириш, балки солиқ субъектлари иқтисодий манфаатига таъсир кўрсатиш орқали миллий иқтисодиётни тартибга солишдан иборатлиги келиб чиқади.

Шу ўринда Алишер Навоийнинг солиқлар борасидаги фикрини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Аллома солиқларнинг иқтисодий мазмуни борасида қўйидаги фикрларни баён этади: «Агар ҳар бир ишда адолат бунёд этилар экан, бунинг натижасида мулки-мамлакат ҳам обод бўлади. Мамлакат обод бўлиб, халқ бойидими, демак, хазина ҳам тўлибтошади. Хазина тўлгач, хизматчиларнинг маоши ҳам ортади».³⁴ Мутафаккирнинг адолат борасидаги фикрлари солиқлар борасидаги адолатта ҳам тўла дахлдордир. Чунки у халқ солиқларни тўлашга қийналиб қолган шароитларда бутун бир шаҳар аҳолисидан ундирилиши лозим бўлган солиқни ўз ҳисобидан тўлагани тарихий ҳақиқат.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда солиқ сиёсати борасидаги иқтисодий таълимотларни мақсадига кўра икки туркумга ажратиш мумкин:

- биринчиси қисқа муддатли барқарорликка эришишга қаратилган солиқ сиёсати (масалан, марксизм-ленинизм, кейнсчилик);
- иккинчиси иқтисодий ўсишга имконият яратувчи узоқ муддатли макроиқтисодий мувозанатни таъминлашга қаратилган солиқ сиёсати (масалан, классик, неоклассик).

Бу таълимотларда солиқ-бюджет ҳамда пул-кредит сиёсатлари натижаси турлича баҳоланган бўлиб, иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигини ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, жамият аъзоларининг турмуш шароити юксалиши ва молиявий барқарорликнинг таъминланишига ижобий таъсири билан изоҳлаш мумкин. Давлат солиқ сиёсати орқали ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантириши ёки вақтингчалик секинлаштириши, сармоя жамғариш жараёни-

³⁴ Навоий А. Садди Искандарий / Тахрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б.576.

ни кучайтириши ёки сусайтириши ҳамда аҳолининг тўлов қобилиятини кенгайтириши ёки қисқартириши мумкин. Бунга давлат солиқ тизими ва миқдорини ўзгартириш ҳамда солиқ имтиёzlарини жорий этиш ёки бекор қилиш орқали эришади. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Бозор мұносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда эңг мұхым бошқарув омили бўлиб қолади».³⁵

Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг иқтисодий мазмуни ва солиқ сиёсатига бағишлиланган парамграфга якун ясаб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар давлат хизматларининг истеъмол ҳақи бўлиб, уларни тўлаш орқали аҳоли зиммасидаги вазифани бажарап экан, давлат ҳам ўзига юқлатилган масъулиятни аъло даражада бажариши лозим. Давлат мажбурияти йигилган маблағни ҳалқ манфаатидан келиб чиқсан ҳолда ўринли ва тежамли сарфлашдан иборатdir;

– бизнингча, ҳар бир фуқаро солиқ борасида фикр юритганда унга ўз шахсий манфаати юзасидан эмас, балки бутун жамият нуқтаи назаридан ёндашсагина унинг моҳиятини теранроқ англайди. Мавжуд ҳолат эса солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашга ундаши мумкин;

– солиқ субъектларининг кўпайиши, улар реал даромадининг ошиши солиқ тушумлари миқдорининг ўсишига олиб келади. Аммо солиқларнинг асоссиз ошиб бориши нафақат жисмоний шахсларнинг ўзига, балки бутун иқтисодиётга акс таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳар бир жамиятда солиқлар миқдорини ошириш умумиқтисодий ҳолатта таъсирини яхлит таҳлил қилиш орқали кечгани мақсадга мувофиқ;

– солиқ тушумлари миқдори иқтисодий ўсиш билан узвий боғлиқ. Ўз вақтида иқтисодий ўсишга имконият яратувчи узоқ муддатли макроиқтисодий мувозанатни таъминлашга қаратилган солиқ сиёсатини (ялпи таклифни ривожлантириш назарда тутилмокда) жорий этиш ижобий аҳамиятга эга.

³⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.358.

1.2. Солиқ манбалари ва уларни солиққа тортишдаги муаммолар

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ манбайни түғри аниқлаш ва уларнинг тегишли қисмини солиқлар орқали давлат бюджетига жалб қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Солиқ манба ҳақида фикр юритишдан олдин «манба» атамасига изоҳ бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Изоҳли луғатларда «манба» атамаси қўйидагича талқин этилган:

- бирор нарса олинадиган, чиқариладиган жой, қурилма;
- бирор нарса ҳосил этиш учун асос бўладиган омил;
- бирор нарса, иш-ҳаракат юзага келиши учун асос бўладиган омил, сабаб.

Юқоридаги изоҳларга таянган ҳолда «солиқ манба»ни даромад ҳосил қилиш учун асос бўладиган ресурслар йигиндиси дейиш ёки, юзаки олиб қараганда, солиқ нима ҳисобидан тўланса, ўша нарсани солиқ манбаи деб аташ мумкин.

Солиқ манбаига иқтисодий адабиётларда бир-бирига яқин таърифлар берилган. Масалан:

— солиқ нимадан тўланса, ўша нарса солиқ манбаи бўла олади. Бевосита (тўғри) солиқларда даромад, билвосита (эгри) солиқларда эса товарлар сотиш обороти тушуми солиқ манбаи бўлади³⁶;

— солиқ манбаи солиқни тўлаш учун фойдаланиладиган резерв, одатда, солиқ тўловчининг даромади ва капитали.³⁷

Демак, солиқ манбаи атамасига умумлаштирган ҳолда: «Солиқ манбаи бу – солиқ объектигининг юзага келишида асос бўлувчи ресурслар йигиндисидир», – деб таъриф бериш мумкин.

Жисмоний шахслар даромадини аниқлашнинг бир қанча кўринишлари амал қилиб, улар ёрдамида солиққа тортиладиган даромадга баҳо бериш имкони туғилади. Иқтисодий даромадни аниқлашда шундай ёндашувлардан бири индивидуум даромадини у томондан маълум вақт орали-

³⁶ Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Фан ва технология, 2003. – Б.205.

³⁷ Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: Академия, 2002. – Б.181.

фида истеъмол этилган товар ва хизматлар бозор нархи ҳамда шу давр мобайнида эга бўлган мулклари қиймати билан баҳолашдир.³⁸ Иккинчи ёндашувга кўра, маълум вақт оралиғида субъект сарфлаши мумкин бўлган даромад миқдорига тенг бўлиб, шу давр боши ва охирида унинг моддий аҳволи ўзгармасдан қолиши билан белгиланади.³⁹

Аҳолининг солиққа тортиладиган даромадини аниқлашнинг юқоридаги усуллари асос бўлиб, уларнинг солиқ тизимиға татбиқи ҳар бир давлатнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда солиқ манбанини аниқлашнинг иккى хил усули мавжуд: глобал (аҳоли ялпи даромадига нисбатан солиқ ундириш) ва шедуляр (даромаднинг ҳар бир тури ёки манбаи бўйича ундириш) усуллар.

Даромад солиги манбанини аниқлашнинг биринчи кўриниши, асосан, ривожланган давлатлар солиқ амалиётига кенг татбиқ этилиб, ўзининг ижобий хусусиятларини намоён қилиб келмоқда. Бу солиқ субъектлари орасида вертикаль адолатни таъминлашга эришишда, назорат органлари фаолияти учун эса аҳоли ялпи даромади тўғрисидаги маълумотнинг ягона шакл ва бир ҳужжатда мужассамланганлиги билан кулагилик туғдиради. Ялпи даромадни солиққа тортиш усулида субъектнинг тўлов қобилияти ҳисобга олинган ҳолда солиқ ундирилади.

Шу ўринда жаҳоннинг илфор давлатлари солиқ тажрибасидан келиб чиқиб жами йиллик даромадни солиққа тортишни талаб қилган асосий омил бозор иқтисодиёти шароитида солиқ қамровидан ташқарида қолаётган янги даромад турларини ҳисобга олиш эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Бундан ташқари, кўпгина мутахассислар даромад ҳажми даврлар бўйича катта фарқ билан тақсимланадиган мавсумий тусдаги ишларни бажаришдан олинидиган даромадларни солиққа тортишда эскича ёндашув

³⁸ Naudet J. Economie politique. – Paris: Librairie de l'universite, 1993. – P.214.

³⁹ Налогово-бюджетная политика в странах с экономикой переходного периода / Под ред. Вито Танзи. МВФ. – Вашингтон, 1993. – С.194.

мақбул әмас деб ҳисоблашмоқда.⁴⁰ Чунки даромаднинг ўртача даражаси унча баланд бўлмаса-да, фуқаролар айрим даврларда кўпроқ солиқ солинадиган катта даромад олиши мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида даромад солигининг йил бошидан бошлаб якуний ўсиб борувчи ҳисоб-китоби қабул қилинган. Ҳисоб-китобнинг бундай усули солиқларни ҳар ойда алоҳида ҳисоблаб чиқишдан мураккаброқ бўлса ҳам, тўланадиган солиқ суммасини фуқароларнинг йиллик ўртача даромадига қараб текислаш имконини беради ҳамда солиққа тортишда горизонтал адолатни таъминлашга кўмаклашади дейиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг кўпчилиги асосий меҳнат фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият тури билан бандлигини, кўпгина хизмат турлари ва улар билан боғлиқ маошлар мавсумий характерга эгалигини ҳисобга олсан, солиққа тортишнинг юқоридаги усули бир қанча ижобий жиҳатларга эгалиги ойдинлашади:

– биринчидан, даромад солигини ҳисоблаш жараёнида солиқ субъекти учун анча қимматга тушадиган бир ойлик шкаладан әмас, балки бутун ҳисоб-китоб қилинадиган давр (йиллик) шкаласидан фойдаланилади. Натижада, даромаднинг қайси ойда энг салмоқли бўлганидан қатъи назар, даромад солиги ўртача даражага келтирилган иш ҳақидан йил давомида тўланган солиқларни айириб ташлаб, қўшимча солиқ суммаси ундирилади;

– иккинчидан, йил давомида тўланган солиқлар суммаси қайтадан ҳисоблаб чиқилади. Бу эса солиқ суммасини ҳисоблашда йўл қўйилган хато-камчилликларни аниқлаб, бартараф этиш имконини беради.

Йиллик даромадни солиққа тортишнинг декларация усули Farb давлатларининг аксариятида кўлланилиб, ижобий натижалар бераётганини таъкидлаш мумкин. Солиққа тортишнинг бундай усули XX аср 20-йилларида АҚШ ва Европа давлатларида ўtkазилган солиқ ислоҳотидан сўнг кенг

⁴⁰ Абдураҳмонов О.Қ. Аҳолидан олинадиган даромад солиги ва уни такомиллаштириш масалалари: Иқт. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1999. – Б. 56.

қўлланила бошланган. Иқтисодий тараққий топган давлатларнинг аксариятида аҳоли солиқ муассасаларига ўтган молия йили давомида олган ҳар бир даромад микдори ва манбай ҳақидаги маълумотни даромад олиш билан боғлиқ харажатларни ифодаловчи ҳужжатлар билан бирга топшириши талаб этилади. Яъни аҳоли ўзининг йиллик даромади ва уни олиш билан боғлиқ айрим харажатларни декларацияда акс эттиради. Тақдим қилинган декларация солиқ инспекторлари томонидан текшириб чиқилиб қабул қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Аксарият ҳолларда солиқ субъектларига йил давомида тўлаган маблағларининг бир қисми давлат бюджетидан қайтариб берилади. Шу сабабли солиқ тўловчилар учун декларация тўлдириш маълум маънода завқлидир.

Аммо ҳаётий тажрибалар республикамизда даромадни солиққа тортишнинг бундай усули кўпгина солиқ субъектлари эътиrozларига сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда. Чунки айримлар мазкур тадбирни амалга ошириш орқали даромадимиздан қўшимча ҳақ тўляяпмиз деган хаёлга бориши мөқда. Аксарият ҳолларда улар ҳақ. Ўриндошлик асосида фаолият кўрсатган субъект томонидан солиқ инспекцияси га йил давомида олган даромадлари (acosий ва ўриндошлик иш фаолиятидан олган даромад кўзда тутилмоқда) тўғрисидаги маълумотнома тақдим қилинади. Шундан сўнг солиқ инспектори икки даромадни қўшиб солиқ суммасини ҳисоблайди. Даромадлар қўшилганда улар алоҳида ҳисобланган суммага нисбатан юқори солиқ ставкасига тушади. Натижада тўланган ва ҳисобланган солиқ суммалари ўтасида манфий фарқ, яъни солиқ субъекти қўшимча солиқ тўлаши кераклиги маълум бўлади.

Даромадларни солиққа тортишнинг декларация усулини кенг татбиқ қилиш билан, бизнингча, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бу борадаги тажрибаларнинг кўрсатишича, қаердаки муносабатлар устидан қаттиқўллик ва ҳаққонийлик билан назорат юритилса, солиққа тортишнинг декларация усули ўз афзалликларини намоён этади. Акс ҳолда, солиқ субъектлари имкон қадар ўз даромадларини солиқдан яширишга ва солиқ органи ходимларини алдашга интилади. Оқибатда бу ҳолат давлат учун молиявий йўқо-

тишларга ҳамда солиқ субъектлари учун солиқлар олдида барчанинг тенглик принципи бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчи усулнинг ижобий томони шундаки, солиқ даромад манбалари бўйича тақсимланиши натижасида, энг мақбул бир даромад манбанин (масалан, иш ҳақи ёки дивиденд) танлаб олиш имкони туғилади. Ўз навбатида, баъзи солиқларни даромад манбанинг ўзида ушлаб қолиш тизимини яратиш уни йиғиш билан боғлиқ харажатларнинг қисқаришини таъминлайди.

Баъзи ҳолларда солиқ обьекти билан солиқ манбаи бир хил бўлади. Масалан, жисмоний шахслар даромад солиқнинг обьекти ҳам, манбаи ҳам ялпи даромад ҳисобланниб, амалий жиҳатдан олганда, барча мамлакатлар солиқ тизимида солиққа тортиладиган даромад билан иқтисодий даромад ўртасида тафовут мавжуд. Ҳозирги вақтда баъзи иқтисодчилар даромад манбаига иш ҳақи, тижорат натижасида ишлаб топилган даромад, фоиз тўловлари, рента, узок муддат фойдаланиладиган (бино ва машина кабилар) воситалардан шартли рента, нафақа, мерос ва ҳадя, роялти, трансферт тўловлари, иш ҳақига қўшимча равишда ишчи-ходимларни рағбатлантириш мақсадида берилган товар ва хизматларни киритишади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида эса ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиққан ҳолда юқоридаги баъзи даромадлар солиққа тортилмайди. Бунга нафақа, давлат облигациялари ва лотереялари бўйича ютуқ суммалари шаклидаги бир қатор даромадларни киритиш мумкин.

Аҳоли ўз жамғармасини узок муддат фойдаланиладиган (бино, машина каби) воситалардан қайси бирини сошиб олишга йўналтириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш каби масалаларни ҳал этишга ҳақли. Лекин улардан фойдаланиш натижасида солиқ муносабатлари ёки шартли рентани қонуний асосда солиққа тортиш зарурати вужудга келади. Масаланинг яна бир жиҳати, аҳолининг нисбатан бадавлат тоифаси бундай воситаларга эга бўлиб, уларни ўрнатилган тартибда солиққа тортиш орқали вертикал адолатни таъминлашга эришиш мумкинлиги назарда тутилади.

Баъзан эса узоқ муддат фойдаланиладиган бино, иншоот ва машинадан аҳоли фойдаланиш ҳисобига кўрадиган наф суммасини ҳисоблаш, ундан даромад олиш билан боғлиқ харажатларни чегириб ташлаш ҳамда қолган қисмидан солиқ ундириш қийинчилик туғдиради. Аввало, бу борада аҳоли даромадини яширишга уринса, қолаверса, мулкни сақлаб туриш, қайта таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни ҳисоблаб чиқиб, уни солиққа тортиладиган базадан чегириб ташлаш амалиётининг шаклланмаганинги билан изоҳланади. Шу сабабдан, нисбатан адолатсиз саналса-да, аксарият ҳолларда шартли даромадни солиққа тортиш усулидан амалиётда кенг фойдаланилади.

Республикада даромад солиги таркиби, асосан, иш ҳақи ҳисобига шаклланиб, у ривожланган давлатларда ҳам аҳоли даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ялпи даромади ҳақида гап борар экан, уни фақат иш ҳақи билан баҳолаш мантиққа түғри келмайди. Шу боис бошқа ресурслардан олинган даромадни ҳам ҳисобга олиш керак. Чунки иқтисодий эркинлик бўлгач, аҳоли қонун билан тақиқланмаган фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин. Аҳоли даромадлари таркиби бозор ислоҳотларининг таъсири ва иқтисодиётнинг умумий аҳволига мос равишда шаклланиб келмоқда. Унга тадбиркорлик даромади, томорқа даромади, мулқдан келадиган даромад ва ёлланиб ишлашдан олинадиган иш ҳақи каби бир қатор даромадларни киритиш мумкин (2-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларидан англашиладики, Ўзбекистонда охирги 4 йил давомида аҳоли даромадларида иш ҳақи ўртача 35 фоизни ташкил этган бўлса, тадбиркорлик даромади 49 фоизга етди.

Бозор даромади иш кучи, капитал, ер ёки бошқа бойлик ўз эгаси томонидан самарали ишлатилиши натижасида ишлаб топиладиган даромад ҳисобланади. Унинг аҳоли учун аҳамияти ортиб бориши бозор муносабатлари қарор топишидан дарак беради дейиш мумкин. Кейинги йилларда жадал ривожланиб бораётган шундай даромадлардан бири – тадбиркорлик даромадига тўхталсак, бу борада давлат томонидан улар манфаатини ҳимоя қилишга қара-

тилган ҳуқуқий асос яратилган. Тадбиркорлик фаолияти давлат томонидан молиявий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Чунки тадбиркорлар синфи бозор иқти-содиётининг ички ҳаракатлантирувчи кучидир.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг даромад ва харажатлари таркиби⁴¹ (фоизда)

№	Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
I	Аҳоли даромадлари, жами	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:					
1	иш ҳақи	32,1	33,3	37,2	38,9
2	тадбиркорлик, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулот- ларива мол-мұлк сотишдан олингандаромад	52,1	49,9	46,8	46,6
3	нафақа ва ижтимоий тўловлар	15,8	16,8	16,0	14,5
II	Аҳоли харажатлари, жами	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:					
1	товар ва хизматлар сотиб олишхаражатлари	74,8	76,0	74,2	72,4
2	солиқ ва мажбурий тўловлар	6,8	6,6	7,7	7,2
3	бошқа харажатлар	18,3	17,4	18,1	20,4

Солиқ манбаи ҳақида фикр юритиларкан, бу борада А.С-мит таълимотига тўхталишни лозим топдик. А.Смит даромад ва ундан ундириладиган солиқ манбаниң қуйидаги турларга бўлади: «Барча инсонлар учун даромад манбаи уларнинг ўз ихтиёrlарида бўлган меҳнати ёки капитали ёхуд ери ҳисобланади. Меҳнат орқали топиладиган даромад иш ҳақи, фақатгина даромад топиш мақсадида бирон-бир фаолият турига сарфланган капиталдан келган даромад фойда, маблагни фаолият турининг маълум бир кўришишига йўналтиришдан эмас, балки қарз бериш сифатида

⁴¹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

ишлиб топилган даромад фоиз ёки пулнинг ошиши деб аталади. Ер билан боғлиқ фаолиятдан келадиган даромад рента дейилади ва у ер соҳибига тегади. Мавжуд бошлангич манбаларнинг бирортасидан даромадга эга бўлинади ва барча солиқлар бевосита ёки билвосита иш ҳақи, фойда ёки ер рентасидан тўланади».⁴²

Д.Рикардо эса: «Солиқлар мамлакатдаги мавжуд ер ва меҳнат маҳсулининг ҳукумат ихтиёрига ўтадиган бир қисмини ташкил этиб, пировардида у доимо ёки капиталдан, ёки даромаддан тўланади», – деб А.Смитнинг солиқ манбалари борасидаги фикрини мантиқий давом эттиради.⁴³

Классик мактаб вакилларининг юқоридаги солиқ манбаи борасидаги ёндашувларидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикасида амал қилиб келаётган жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятидан ундириладиган даромад солиғини қайси туркумга киритиш мумкин деган савол туғилиши табиий.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар 1999 йилга қадар қайд қилиш китоби асосида ҳисобланган даромад суммасидан даромад солиги тўлаб келган. Улардан ҳар бир кўрсатган хизмат ёки сотган маҳсулотлари миқдори, ишлиб топилган фойда ва у билан боғлиқ харажатлар солиқ органи томонидан тақдим этилган қайд қилиш китобида ифодаланиб, ҳисобланган даромаддан солиқ тўланган ёки солиқ манбаи даромад бўлган. Шу вақтларда солиқ субъектларида маҳсулот ва хизматлар миқдорини, харажат ва даромад суммасини бузиб кўрсатиш орқали солиқдан қочишига иштиёқ қучайиб борди. Бюджетга эса кутилган солиқ суммалари келиб тушмади. Охир-оқибат солиқдан қочишига мойилликнинг кучлилиги эътиборга олиниб тадбиркорлик фаолиятидан солиқ ундириш тизимига ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети 2009 йил 22

⁴² Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Социально-экономическая литература, 1962. – С.618.

⁴³ Рикардо Д. Сочинения. Т.1. Начало политэкономии и налогового обложения. Пер. с анг. – М.: Госполитиздат, 1955. – С.129.

декабрдаги ПҚ-1245-сонли, 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли ва 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сонли қарорнинг 11-иловасида ўз ифодасини топган, уларга кўра, жисмоний шахслар тадбиркорлик даромадига солинадиган солиқнинг ставкалари озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар учун ойига энг кам ойлик иш ҳақининг маълум миқдоригача қилиб белгилаб қўйилган. Солиқ субъекти жойлашган жойига қараб ўзгартириш коэффицентлари кўлланилади (1-иловага қаранг).

Даромадни солиқка тортишнинг бундай усули ўзининг ижобий ва салбий хусусиятларига эга. Бюджет нуқтаи на-заридан субъектлар фаолиятини назорат қилиш ва солиқ суммасини ундириш билан боғлиқ харажатлар қисқарганиги, солиқ суммасини ҳисоблаш тизими соддалашганиги, даромадни солиқдан яшириш ҳолларининг қисқариши, белгиланган солиқ тушумлари, субъектлар фойда ёки зарар кўришидан қатъи назар, олдиндан ундирилиши каби бир қатор афзалликларга эгалигидир.

Тадбиркорлик субъектлари учун янги тартиб даромад ва харажатлар китобини юритиш муаммосидан озод этган бўлса-да, қўйидаги салбий хусусиятларга эга:

- биринчидан, солиқ билан тадбиркорлик даромади ўртасида назарий асосланган даражада боғлиқлик мавжуд эмас;
- иккинчидан, бу усул солиқ субъектлари ўртасида солиқ юкининг нотекис тақсимланишига олиб келади;
- учинчидан, даромад ёки фойда эмас, балки фаолият тури солиқ обьекти бўлиб, бу тадбиркорлик капитали ҳам солиқка тортилиши эҳтимолдан холи эмаслигини кўрсатади. Капиталнинг солиқка тортилиши тадбиркорлар сонининг қисқаришига олиб келади;
- тўртинчидан, соҳада молиявий имконияти юқори тадбиркорларнинг сақланиб қолиши (монополистик ҳаракатнинг вужудга келиши);
- ноқонуний фаолиятнинг авж олиши (назорат органи ходимлари билан келишган ҳолда солиқларни тўламасдан фаолият кўрсатиш) каби нохуш ҳолатларнинг кучайиши;
- қатъий солиқ энг кам иш ҳақи миқдори билан ўлчаниб, энг кам иш ҳақининг ҳар йили 1 – 2 марта ўзгариши халқ

учун қувонч олиб келса, тадбиркорлик субъектлари учун қийинчиликларга (солиқ миқдори ошишига) сабаб бўлаётгани ҳаётий ҳақиқатдир.

Илмий адабиётларда даромад солигига «аҳоли даромадининг бир қисмини давлат бюджетига ундириш шакли» деб таъриф берилади.⁴⁴ Таърифга кўра, тадбиркор даромадга эга бўлгандан кейин амалдаги солиқ ставкаларидан келиб чиқиб унинг бир қисмини давлат бюджетига тўлаши керак. Амалдаги қонунчилик эса тадбиркорлик фаолиятидан ундириладиган даромад солиги манбаи даромад (фойда) эмаслиги, балки фаолият тури ва жойлашган жойи солиқ манбаи эканлигини кўрсатади.

Баён қилиб ўтилган фикрлар тадбиркорлик фаолиятидан ундириладиган даромад солигининг манбаи даромад ёки капитал бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Капиталдан солиқ ундириш эса салбий оқибатларга эга, бу борада И.Озеров: «Капиталдан солиқ ундириш уни ўлдиришдир...»⁴⁵ – деган бўлса, Ж.Сисмонди ўз қарашларини: «Доимо ҳар бир даромадда ишлатилмасдан қоладиган шундай қисм мавжудки, уни ҳимоя қилмаслик давлат бюджети учун солиқ объектидан воз кечиш ва келажакдаги ресурсдан маҳрум бўлиш демакдир...»⁴⁶ – деган жумла билан ифодалаган.

Биз давлатнинг солиқлар борасида бу каби йўл тутишига маълум маънода аҳолида солиқ маданияти етарли даражада шаклланмагани сабаб деб ҳисоблаймиз. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, баъзи тадбиркорлар рўйхатга олиш китоби асосида солиқ тўлаган даврларда даромадининг бир қисмини солиқдан яширишга ҳаракат қиласади.

Тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланаётган давлатлар солиқ тизимини кўздан кечирсан, уларнинг аксариятида солиқ манбаи даромад эканлигини кузатиш мумкин. Масалан, Хитойда ёрдамчи хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти даромад солигига тортилиб, тегишли солиқ чегирмалари ҳам белгиланган (3-жадвалга қаранг).

⁴⁴ Финансово-экономический словарь / Под ред. М.Г.Назарова. – М.: Финстат-информ, 1995. – С.142.

⁴⁵ Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С.77.

⁴⁶ Ўша жойда.

3-жадвал

Хитойда ёрдамчи хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад солиги ставкалари⁴⁷

№	Ойлик даромад микдори	Солик ставкаси, %	Чегирма, юан
1.	5000 юангача	5	0
2.	5001 юандан 10000 юангача	10	250
3.	10001 юандан 30000 юангача	20	1250
4.	30001 юандан 50000 юангача	30	4250
5.	50000 юандан ортигига	35	6750

Хозирги пайтда республикада мавжуд иқтисодий ҳолатни эътиборга олган ҳолда баъзи солиқларни даромад манбанинг ўзида ушлаб қолиш нафақат бюджет нуқтаи назаридан, балки солиқ субъектлари манфаати учун ҳам фойдадан холи эмас. Жисмоний шахслар даромад солигидағи ҳиссаси ўсиб бораётган шундай даромадлардан бири фоиз тўловлари (дивиденд)дир. Бунинг ўзига хослиги субъектнинг солиқдан қочиш имконияти йўқлиги билан изоҳланади.

Дивиденд суммаларини солиқка тортишнинг ўзига хослиги шундаки, у юридик шахслар даромади билан бевосита боғлиқлик касб этади. Мавжуд солиқ, Кейнс таълимотида келтириб ўтилганидек, фоиз тўловлари аҳамиятининг пастлиги, аҳолининг бу каби қимматбаҳо қофозларга ишончизлиги оқибатида улар даромадининг истеъмолга ва ўлик пул ҳолатидаги жамғаришга ёки буларнинг акси кузатилган вазиятда қимматбаҳо қофозлар сотиб олишга йўналтиришга хизмат қилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб давлат мулкини хусусийлаштиришнинг ўзига хос тарзи – уларни акциядор жамиятларга айлантириш ва акцияларини фонд бозорлари орқали сотиш тад-

⁴⁷ Попова Л.В. Налоговые системы зарубежных стран: Учеб.-метод. пособие. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Дело и Сервис, 2011. – С.272.

бирлари кенг кўламда амалга ошириб келинмоқда. Бу жа-раённи янада ривожлантириш мақсадида «Ўзбекистон иқти-содиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини туб-дан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 ян-вардаги 3202-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони 4-банди билан жисмоний шахсларнинг хусусий-лаштирилган корхоналар негизида барпо этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг акциялари бўйича диви-денд ҳолида олган даромадлари 5 йилга солиқдан озод қилинган. Тадбирни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш нияти-да қимматбаҳо қоғозлар савдосини ривожлантиришга ижо-бий таъсир кўрсатишдан иборат. Аммо юқори ликвидликка эга бўлган корхоналар қимматбаҳо қоғозлари аҳолининг моддий жиҳатдан яхши таъминланган тоифаси кўлида, уларнинг фоиз тўловлари сифатида олган даромадлари-ни қайта тақсимлаш орқали ижтимоий табақаланишни юм-шатиш мумкин. Қолаверса, дивиденд суммасини солиқдан озод этиш унинг ҳисобига бюджетта тушаётган тушумлар-нинг бир қисмидан маҳрум бўлиш демакдир. Мавжуд им-тиёз акциядорлик жамиятлари томонидан иш ҳақи, ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш суммаларининг бир қисмини дивиденд шаклида тақсимлаш орқали солиқ-дан қочишига бўлган ҳаракатларнинг кучайишига олиб ке-лиши мумкин. Демак, дивиденд суммасини даромад соли-ғидан озод этиш масала ечимининг энг мақбул кўриниши деб ҳисобламаймиз.

Бу борада солиқ манбанин инфляция таъсиридан ҳимоя қилиш республикамиз учун долзарб масаладир. Сўнгги йил-ларда инфляция ва солиқлар таъсирида қимматбаҳо қоғоз-лар учун тўланадиган дивиденд суммаси аҳамияти пасай-иши қимматбаҳо қоғозлар савдосига салбий таъсир кўрсат-моқда. Дивиденд суммасини ҳисоблашнинг амалдаги фор-муласи қуйидагicha:

$$CC = DC / 100 \cdot 10$$
$$DC = AC \cdot FC / 100$$

бу ерда:

СС – солиқ суммаси;
ДС – дивиденд суммаси;
АС – акция суммаси;
ФС – фоиз ставкаси.

Мисол тариқасида «Ўзсаноатқурилишбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг акцияларини олсак, 2011 йили битта акциянинг номинал қиймати 2475 сўм, жисмоний шахслар учун имтиёзли акция фоиз тўлови 20 фоизни ташкил этган. Дивиденд суммасини амалдаги формула билан ҳисобласак, у

$$ДС = 2475 \cdot 20/100 = 495 \text{ сўмга тенг бўлади.}$$

Солиқ суммаси = $495/100 \cdot 10\%$ (солиқ ставкаси) = 49,5 сўм ёки солиқ ундирилгандан сўнг дивиденд суммаси 2 фоизга камайди. 2011 йили инфляция кўрсаткичи 7,3 фоиз бўлганини эътиборга олсак, даромаднинг ҳақиқий ўсган қисми 10,7 фоизни ташкил этади. Агар маблағ харид кувватини ўлчасак, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) дефлятори кўрсаткичидан фойдаланиш талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда дивиденд суммасини солиққа тортишда солиқ даромаднинг ҳақиқий ўсган қисмини қамраб олишига эришиш муҳим масала эканлигини таъкидлаш мумкин. Бу борада қуйидаги формулани кўллаш тавсия этилади:

$$C_m = C \times (R - P) / R$$

бу ерда:

C_m – даромаднинг ҳақиқий ўсган қисмини қамраб олувчи солиқ ставкаси;

C – қонуний жиҳатдан ўрнатилган солиқ ставкаси;

R – фоиз тўловлари;

P – инфляция кўрсаткичи.

«Ўзсаноатқурилишбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг акциялари мисолида келтирилган маълумотларни мавжуд формулага татбиқ этсак, натижа қуйидагича бўлади:

$$C_m = 10 \cdot (20 - 7,3) / 20 = 6,4$$

Формула дивидендан ундириладиган даромад солиғи ставкаси 2011 йили 10 фоиз эмас, балки 6,4 фоиз бўлганда даромаднинг ҳақиқий ўсган қисмини қамраб олишини кўрсатмоқда. Агарда ЯИМ дефлятори кўрсаткичига нисбатан олинса, даромаднинг ҳақиқий ўсган қисмини қамраб олувчи солиқ ставкаси 2,5 фоизни ташкил этиши ойдинлашади.

Ер солиғи манбаи ундан келиши мумкин бўлган даромад ёки томорқа даромадидир. У сабиқ тузум даврида ҳам қишлоқ аҳолисининг муҳим даромад манбаи ҳисобланниб, табиатан бозор иқтисоди талабларига мос келади. Аммо сабиқ Иттифоқ давридаги ерга муносабат билан бугунги кундаги ҳолат бир-биридан тубдан фарқли. Жумладан, 1960 йиллардан кейин аҳолига ер ажратиш деярли тўхтатиб қўйилган, буни соҳа мутахассислари ер ажратиш буржуя психологиясини түғдирувчи восита, коммунистик жамият барпо этиш стратегиясида аҳамиятсиз тушунча сифатида қаралгани билан боғлиқлигини таъкидлашади.⁴⁸

Ерга бўлган синфий муносабат Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан ўз даврида Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 15 августдаги «Колхозчилар, совхоз ишчилари, фуқаролар шахсий томорқа хўжаликлари ва индивидуал уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан сўнг ўз аҳамиятини йўқотди дейиш мумкин. Қарор қабул қилингунга қадар шахсий томорқа хўжаликлари ихтиёрида 125,8 минг гектар ёки умумий экин майдонининг бор-йўғи 3 фоизи бўлган. Бугунги кунга келиб эса аҳоли ихтиёридаги ер майдонлари 691,1 минг гектарни ташкил этиб, 1989 йиллар бошига нисбатан 5,5 марта ўсган.

Юқоридаги қарорнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

⁴⁸ Аббосхўжаев О., Олимжонов О. Мустақил иқтисодиёт одимлари: ўтмиш ва бугун // Халқ сўзи. 2001 йил 13 апрель.

тўғрисида фикр юритганда қуидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим:

«Энг аввало, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўймаган қисми, асосан, қишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёшлар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиниб, шу тариқа қишлоқда ишсизлик кучайиб бориш хавфининг олди олинди;

моддий аҳволи ўта оғирлашган аҳолининг реал даромадини оширишга, шунингдек, шартномалар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш билан шуғулланан-ётганларга меҳнат дафтарчалари ҳамда уларга қариганда нафақа олиш ҳуқуқини бериш билан қишлоқ аҳолиси учун ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлашга асос яратилди. Бундан ташқари, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликка барҳам беришга эришилди. Шахсий томорқа эгалари озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз оиласини таъминлашдан ташқари истеъмол бозорини шу маҳсулотлар билан тўлдиришга катта ҳисса қўша бошладилар».⁴⁹

Статистик кўрсаткичларга мурожаат қилсан, 2011 йили жами етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларида аҳоли ҳиссаси юқорилигини кўриш мумкин. Жумладан, етиштирилган сабзавот маҳсулотларининг 63,8 фоизи, картошканинг 77,8 фоизи, мева маҳсулотларининг 50,9 фоизи, узумнинг 42,7 фоизи, гўштнинг 95 фоизи, сутнинг 96,1 фоизи, тухумнинг 58 фоизи аҳоли ҳиссасига тўғри келади (1-диграммага қаранг).


Унинг ҳиссаси аҳоли ижтимоий тоифаларига қараб бирбиридан фарқланади. Масалан, томорқа даромади 2010 йили ишчилар даромадида 9,7 фоизни, хизматчилар даромадида 11,7 фоизни, тадбиркорлар даромадида 16,5 фоизни, нафақахўрлар даромадида 4,8 фоизни ҳамда қишлоқ хўжалигида банд аҳоли даромадида энг юқори – 46,8 фоизни ташкил қилган.

Даромаднинг бу тури борасида фикр юритилганда кўпчилик ундан тадбиркорлик мақсадида, яъни бирон маҳсулот етиштириб бозорда сотиш учун фойдаланмаймиз,

⁴⁹ Ўша ерда.

1-диаграмма

2011 йили етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мулкчилик шакли бўйича тақсимоти



даромад қилмаймиз, шундай экан, нега солиқ тўлашимиз керак деб ҳисоблайди. Албатта, ердан қандай фойдаланиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.⁵⁰

Томорқа даромадини фақат пул кўринишида баҳолаш (натурал истеъмолни эътиборга олмаслик), назаримизда, унчалик тўғри эмас. Чунки у оиласларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини баҳоли-кудрат қондириб келмоқда. Натурал истеъмол туфайли аҳоли бозордан маҳсулот харид этиш ташвишидан кутулади, харажатлардан ҳам озод бўлади. Иқтисод қилинган даромади эвазига эса ўзининг бошқа эҳтиёжларини қондиради.

Томорқа хўжалигидан келадиган даромадни фақат ер ва ундан келадиган даромад билан чегаралаш унчалик тўғри эмас. Чунки даромаднинг бу тури чорвачиликдан, чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан келадиган даромадларни ҳам ўз ичига олади. Солик кодексининг 179-моддаси 12-бандига кўра, жисмоний шахслар уй хўжалигида, шу жумладан, деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб,

⁵⁰ Ўлмасов А. Оила иқтисоди. – Тошкент: Мехнат, 1998. – Б.24.

маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган, табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан, чорвачилик, асаларичилик ва дәхқончилик маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромадлар солиқдан озод этилган (гулчилик бундан мустасно).

Жаҳон миқёсида жадал ривожланиб бораётган яна бир даромад тури яширин иқтисодий фаолият ёки ноқонуний ишлаб топилган даромаддир. Аксарият ҳолларда бундай даромадлар миллий доирадан умумжаҳон миқёсига чиқиб бораётганлиги уни солиқдан яширишнинг янада авж олишига туртки бўлмоқда. Ваҳоланки, улар узоқ йиллардан бери солиқ муносабатларида «ўз қонун-қоидалари»га эга.⁵¹

Ноқонуний даромадлар турли-туман (пора, босқинчилик, яширин фаолият кўрсатиш, наркотик моддалар, қурол-яроғ савдоси ва ҳ.к.) бўлиб, уларни аниқлаш ҳамда солиққа тортиш жуда мураккабдир. Сабаби, улар ўз тусини тез ўзгартиришга мойил.

Умумжаҳон амалиётидан маълумки, катта миқдордаги бундай даромадлар илк даврларда жиноий ҳаракатлар орқали ишлаб топилади. Вақт ўтиши билан эса уларни «тозалаш» ёки кўпайтириш мақсадида иқтисодий фаолиятларга жалб қила бошланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ноқонуний даромад тошишга интилиш иқтисоднинг турли соҳаларида мавжуд эмас деб бўлмайди. У, албатта, қонуний белгиланган меъёрларни бузиш ёки уларни чеклаб ўтиш орқали содир этилади. Натижада, бир томондан, давлат бюджетига зиён етса, иккинчидан, даромадлар ўртасида кескин фарқ юзага келади. Бу ҳолатда солиқ даромадлар ўртасидаги та бақалашувни тартибга солишга ожизлик қилиши, инфляциянинг авж олиши орқали аҳолининг маълум тоифаси турмуш тарзи ёмонлашади.

Демак, ноқонуний даромад амалдаги қонуний ҳужжатларни чеклаб ўтган ҳолда онгли равишда ишлаб топилган ва солиқдан яширилган даромаддир. Аҳолининг ноқонунний даромад топишга интилишига солиқ маданияти шакллан-

⁵¹ «Грязные» деньги – что это такое / Под ред. Коттке Клаус. – М.: Дело и сервис, 1998. – С.38.

магани ҳамда амалдаги солиқлар юки юқориилиги ҳам үз таъсирини күрсатади.

Солиқлар борасида ноқонуний даромад топишни шартли равиша иккى турға ажратиш мүмкін: хұжкатларни қалбакилаштириш натижасида бир қисм даромадни солиқдан яшириш ёки ҳеч қандай хұжжатсиз яширин фаолият күрсатиш. Биринчи тоиға күпроқ юридик шахслар, иккінчи тоиға әса жисмоний шахслар тадбиркорлық фаолиятiga таллуқли.

Жисмоний шахслар тадбиркорлық фаолияти, асосан, ишлаб чиқариш, хизмат күрсатиш ва савдо-сотиқдан иборат бўлиб, айrim жисмоний шахслар даромадини солиқдан яшириш мақсадида пинҳона фаолият күрсатади. Савдо-сотиқ соҳасидаги ноқонуний фаолиятлар салбий таъсири фақатгина бюджет тушумларига салбий таъсири билан изоҳланса, ишлаб чиқариш борасидаги яширин фаолият анча хавфлидир. Сабаби, яширин фаолият учун тадбиркор томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси танланганда у инсон соғлиғи билан боғлиқ бўлади. Мисол тариқасида спиртли маҳсулотлар ва чигитдан ишлаб чиқариладиган истеъмол ёғини келтириш мүмкін.

Истеъмол ёғи ишлаб чиқаришга тўхталиб ўтсак, у кенг аҳоли қатлами томонидан истеъмол қилинадиган акциз солиғи ундириладиган маҳсулотлар сирасиға кириб, бюджет тушумларида ҳам юқори салмоққа эга. Истеъмол ёғини ишлаб чиқариш мураккаб технологик жараён, ундан 76 фоиз ем маҳсулотлари ва 16,5 фоиз қора ёғ чиқади. Қора ёғдан эса 85 фоиз рафинация қилинган истеъмол ёғи, 12 фоиз соабсток олинади. Ҳозирги вақтда техник чигит миқдори чекланганлиги сабабли, тизим корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан атиги 50 – 55 фойзга фойдаланиб келмоқда. Сўнгги йилларда пахта чигитидан яширин ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик цехлар ҳам бунга салбий таъсир күрсатяпти. Улар хомашёни ташиш жараёнида (шунинг оқибатида «Ўзпаҳтасаноат» уюшмаси корхоналари томонидан жўнатилган ва «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси корхоналари томонидан қабул қилинган техник чигит физик ҳамда кондицион ҳажми ўртасидаги фарқ 2011 йили 25,2 минг тоннани ташкил этган) ёки экиш учун

тайёрланган (химикатлар билан ишлов берилган) уруғлик чигитни ноқонуний ҳолда ўзлаштириб қайта ишлаш ҳолатлари мавжуд.⁵²

Тадбиркорлар бу каби норасмий фаолият билан шуғулланиш орқали солиқлардан қочишдан ташқари давлат мулкининг талон-торож бўлишига, шу турдаги корхона ишчиларининг хомашё етишмаслиги сабабли ишсиз қолишига, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатсиз бўлишига ҳамда аҳоли соғлиғига зиён етишига сабабчи бўладилар.

Жисмоний шахслар мол-мулк солиғининг манбаини аниқлашда икки хил ёндашув амал қиласди. Биринчи усул мулқдор оладиган даврий (йиллик) рента тўловлари қийматига асосланиб солиқ манбаи – мулк соҳибининг йил давомида ундан фойдаланиш ҳисобига олган даромадлари миқдори ҳисобланса, иккинчи усул обьектнинг капитал қийматини назарда тутиб иншоотларнинг қийматини ўзида ифода этади. Қиймат ҳар бир давлатда бу борада қабул қилинган тартибдан келиб чиқсан ҳолда бозор нархлари бўйича ёки шартли баҳолаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи нафақат иқтисодий функцияни бажаради, балки ўзига хос психологик омил ҳам бўлиб, солиқ субъектларининг мулкий муносабатларига таъсир кўрсатади.

Мол-мулк солиғининг амал қилишига бўлган заруратни назарий жиҳатдан қуйидагича ифодалаш мумкин:

- мавжуд солиқ тури маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларидан бири бўлиб, солиқ субъектининг маҳаллий ижтимоий хизматлардан фойдаланганлиги учун тўловдир. Хизматлардан фойдаланганлик даражасини мол-мулк қиймати белгилаб беради;
- у ўзига хос қайта тақсимлаш воситаси ҳисобланади. Катта мол-мулк эгаси ўз-ўзидан яхшигина молиявий имкониятга эга ҳисобланиб, аҳолининг бошқа тоифаларига нисбатан кўпроқ солиқ тўлашга мажбур;

⁵² «Ўзпахтасаноат» ва «ЁF-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмалари маълумотлари.

- мол-мулк солиғи даромад солиғи қамровига кирмай қоладиган, яъни мулқдан тадбиркорлик мақсадида фойдаланишдан кўрилган даромаднинг бир қисмини қамраб олиш имконини беради;

- ўзига хос психологик таъсир кучига эга бўлиб, молмулкка эгалик ҳиссини ошириши ёки сусайтириши мумкин.

Солиқ манбаларига бағишланган параграфга якун ясарканмиз, тадбиркорлик фаолиятидан ундириладиган солиқ манбаи даромад ёки фойда эмаслиги, балки фаолият тури солиқ манбаи эканлигини, даромад билан ундан ундириладиган солиқлар ўртасида назарий асосланган даражада боғлиқлик йўқлигини айтиб ўтиш мумкин. Назарий жиҳатдан олганда, солиқ манбаи фаолият тури ёки фаолият кўрсатиладиган жой эмас, балки даромад ёки фойда бўлиши талаб қилинади. Яъни солиқ субъекти даромадга эга бўлгандан кейин амалдаги солиқ ставкаларидан келиб чиқиб унинг бир қисмини давлат бюджетига тўлаши керак. Шу билан бирга, айрим даромадлар, субъектларнинг солиқдан қочишга бўлган мойилликлари юқорилиги сабабли солиққа тортилмай қолмоқда. Мавжуд ҳолат фақат бюджет тушумларига салбий таъсир қилибгина қолмасдан, баъзан давлат мол-мулки талон-торож қилиниши ва аҳоли солиғига хавф туғдириши кузатилмоқда.

Дивидендни солиққа тортишда даромаднинг катта қисми инфляция таъсирига тушиб қолаётганлиги сабабли, қимматбаҳо қофозлар бозорини ривожлантириш ва аҳоли маблағларини мавжуд соҳага кенгроқ жалб қилиш мақсадида солиқ фақатгина даромаднинг ҳақиқий ўсган қисмини қамраб олишига эришиш долзарб масалалардан биридир.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Солиқ объектлари ва улар солиққа тортилганик даражасининг республикадаги ҳолати

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг бюджет тизими билан солиқлар бўйича ўзаро муносабатлари Солиқ кодекси билан тартибга солиб келинмоқда. У нисбатан қисқа, лекин ўзига хос ривожланиш тарихига эга. Ана шу давр мобайнида солиқ тизими мустақил давлатчилик талаблари ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириб келинмоқда.

Амалдаги Солиқ кодекси собиқ Иттифоқ давридаги кўлланниб келинган солиқлар борасидаги қонуний хужожатлардан тубдан фарқ қилиб, бозор иқтисодиёти талабларини ўзида акс эттирган дейишга ҳақлимиз. Шу ўринда собиқ Иттифоқ даврида жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғига қисман тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Собиқ Иттифоқ даврида даромад солиғи тўловчи солиқ субъектларининг олти тоифаси мавжуд бўлиб, биринчи тоифага меҳнат вазифаларини бажаришдан даромад оладиган ва уларга тенгглаштирилган шахслар, иккинчи тоифага асосий иш жойидан ташқари жойда бир марталик ишларни бажаришдан даромад ва бошқа тўловлар оладиган шахслар, учинчи тоифага муаллифлик қалам ҳақи оладиган шахслар, тўртинчи тоифага якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан даромад оладиган шахслар, бешинчи тоифага дехқон хўжалиги юритишдан даромад оладиган шахслар, ниҳоят, олтинччи тоифага бошқа даромад оладиган шахслар киритилган. Ушбу гурухланишлар ўртасидаги асосий фарқ фаолият турига қараб солиқ ставкаларининг турлича белгиланганидадир. Энг имтиёзли солиқ ставкалари

ёлланиб ишловчи ишчи ва хизматчилар учун бўлиб, у 13 фоизни ташкил қилган, энг юқори солиқ ставкалари эса якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун (ҳунармандлар учун 65 фоиз, ёзувчилар учун эса асарнинг қаерда (мамлакатда ёки чет элда) чоп қилинганига қараб 75 фоизгача, бошқа даромадларга нисбатан 69 фоизгача) кўлланиб келинган.

Гуруҳланишни кўздан кечирганимизда энг паст солиқ ставкалари давлат корхона ва ташкилотларида ёлланиб ишловчилар учун, энг юқори ставкалар эса якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи аҳоли учун қўлланилганига гувоҳ бўламиз.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, субъектларни чегаралаш сабиқ тузум давридаги каби аҳолининг ижтимоий мансублигига ёки даромад манбалари ва уларнинг шаклланишига биноан эмас, балки бозор иқтисодиёти ҳукмронлик қилаётган мамлакатлардаги сингари доимий яшаш (резидент) ва вақтинча яшаш (норезидент) белгилари бўйича амалга оширилмоқда. Бу Солиқ кодексининг 19-моддасида ўз аксини топган, унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси нинг резиденти мақомини олиш учун республикада доимий яшаш ёки молия йилининг исталган даврида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда яшаган бўлишилик талаб этилади. Резидент бўлмиш жисмоний шахсга унинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек, ундан ташқаридаги фаолияти манбаларидан олинган даромадлари бўйича, резидент бўлмаган жисмоний шахсга эса Ўзбекистон Республикаси худудидаги фаолиятидан олган даромадлари бўйича солиқ солинади.

Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш мақсадида уларга резидент ёки норезидент мақомини беришнинг юқоридаги тартибини Россия, Қозоғистон, Эстония, Франция, Англия, Чили, Янги Зеландия каби бир қатор давлатлар солиқ тизимида ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси солиқ амалиётида жисмоний шахслар жами йиллик даромади солиқ солиш обьекти бўлиб, Солиқ кодексининг 171-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, унга солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар, шу жумладан:

- меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;
- рағбатлантириш хусусиятига эга даромадлар;
- компенсация тўловлари;
- ишланмаган вақт учун тўланган ҳақ;
- мулкий даромад;
- моддий наф тарзидаги ва бошқа даромадлар киради.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадлари таркибида меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлардан ташқари мулкий даромадлар ҳам ўз ўрнини топиб бормоқда. Унга фоизлар, дивидендлар бўйича олинган даромад, мол-мulkни ижарага беришдан келадиган даромадлар киради. Унинг аҳоли даромадлари таркибидаги ҳиссаси пастлигича қолмоқда. Бу мулқдан тадбиркорлик билан фойдаланиш санъати ҳали халқимизнинг муайян қисмида шаклланиб улгурмаганлиги ёки баъзи ҳолларда уни расмийлаштираслик билан боғлиқдир.

Аҳолининг дивиденд шаклидаги даромадларига белгиланган солиқ имтиёзларининг 1998 йил 1 июлдан бекор қилиниши муносабати билан дивиденд ва фоизлардан олинадиган солиқлар миқдори кўпайишига эришилди дейиш мумкин. Унинг миқдори 1998 йили 4,0 млн сўм бўлган эса, 2011 йили мазкур кўрсаткич 4,7 млрд сўмдан ортиқни ташкил этган. Давлат томонидан қимматбаҳо қофозлар бозорини ривожлантириш юзасидан ҳуқуқий-меъёрий база яратилган бўлса-да, аҳолининг иштирокини қониқарли дараҷада дейиш ноўрин. Буни қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- биринчидан, психологияк омил таъсири ёки республика аҳолисининг асосий қисми қимматбаҳо қофозларга ишончизлиқ кўзи билан қараётганлиги. Чунки собиқ Иттифоқнинг тарқаб кетиши ва республикаларнинг мустақил бўлиши аҳоли қўлида йиллар мобайнида йиғилган облигацияларнинг қолиб кетишига олиб келди;

- иккинчидан, кўп вазиятларда аҳоли қимматбаҳо қофозлар бозорини тўғри таҳхил қилолмаслиги ва бу борада уларга фонд бозорида холисона хизмат кўрсатадиган нодавлат тузилмалар етарлича шаклланмаганлиги натижасида, айрим ҳолларда истиқболсиз корхоналар акцияларини сотиб олиш орқали зарар кўрилаётганлиги;

– учинчидан, дивиденд суммасининг бир қисми инфляция таъсирига тушиб қолаётганлиги.

Шу сабабли аҳоли бир қисми топган пулинни жамғаришнинг турли шакллари кўринишида сақлашни маъкул топаётган бўлса, иккинчи қисмининг даромади ижтимоий зарур товар ва хизматлар харидига етятти, холос. Натижада давлат хусусийлаштиришни кўллаб-куватлаш, фонд бозорини ривожлантириш, аҳоли маблағларини қимматбаҳо қофозлар сотиб олишга жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида, олдинги бобда таъкидлаганимиздек, хусусийлаштирилган корхоналар негизида барпо этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг акциялари бўйича дивиденд суммасидан ундириладиган соликдан имтиёзлар беришга қарор қилди.

Мустақиллик йилларида аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромад тури жадаллик билан ривожланиб бормоқда. У аҳоли пул даромадлари таркибида етакчи мавқени эгаллаб, мулкий даромад билан биргаликда 2010 йили 46,6 фоизни ташкил этган.

Жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадга товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдисидан, даромад олиш мақсадида ўз мулкий жавобгарлиги остида таваккал қилган ҳолда якка тартибда амалга ошириладиган ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятдан келадиган даромадлар киради.

Олдинги параграфда таъкидланганидек, жисмоний шахслар тадбиркорлик даромадига солинадиган солик ставкалари озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар учун ойига энг кам ойлик иш ҳақининг маълум мидоригача қилиб белгиланган. Солик субъекти жойлашган жойи ва фаолият йўналишига қараб ўзгартериш коэффицентлари кўлланилади.

Республикада тадбиркорлик фаолияти учун яратилган шарт-шароитлар кейинги йилларда улардан ундириладиган солик тушумларининг барқарор ўсишига имконият яратмоқда. Статистик кўрсаткичларга мурожаат қилсак, 2011 йили тадбиркорлик субъектларидан ундириладиган қатъий солик суммаси 225 млрд сўмни ташкил этиб, унинг бюджет даромадларидаги улуши 1,3 фоиз бўлганини кўрамиз.

Сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларидан ундириладиган қатъий солиқнинг бюджет даромадларидағи улуши 2008 йилгача пасайиш тенденциясига эга бўлса-да, унинг тушум динамикаси барқарор ўсмоқда. Хусусан, таҳлил қилинаётган давр мобайнида ҳар йиллик тушум динамикаси ўттача 33 фоизни ташкил этмоқда (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган қатъий солиқ тушумлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ⁵³ (фоизда)

Кўрсаткичлар	2000 йил	2002 йил	2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил
Жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган қатъий солиқнинг бюджет даромадларидағи улуши	1,6	1,9	1,4	1,1	1,0	1,2	1,3
Ўтган йилга нисбатан ўсиш динамикаси	152,2	125,3	119,4	105,0	146,8	150,2	134,0

Соҳа мутахассислари томонидан аҳоли даромадини солиқка тортишда Farb давлатлари солиқ тизимининг илгор тажрибаси бўлмиш декларация тизими жорий қилинганини таъкидланмоқда. Аммо мавжуд тизим амал қилаётган аксарият мамлакатлардаги сингари даромад олиш билан боғлиқ чегирмаларни (бу ерда солиқка тортилмайдиган энг кам иш ҳақи ва даромад олиш билан боғлиқ харажатлар назарда тутилмоқда) ҳисобга оляпмизми деган савол туғлиши табиий. Даромад солиги борасида чегирмалар суммасининг эътиборга олинмаслиги даромаднинг каттароқ қисми солиқка тортилиши учун хизмат қиласи. Демак, даромадни солиқка тортишнинг амалдаги декларация тизими, баъзи мутахассислар айтганидек, солиқ субъектлари

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

«...зарари учун эмас, балки фойдасини кўзлаб қилинган тадбир»⁵⁴ дейиш ноўрин.

Декларация тизими олдига қўйиладиган асосий талаб жисмоний шахсларнинг солиқлар қамровидан ташқарида қолаётган барча даромадини қамраб олиш, ноқонуний даромад манбаларини қисқартириш ҳамда солиқ субъектлари ўртасида ижтимоий адолат ўрнатишдан иборатдир. Бунга эришиш борасида эса амалдаги солиқ қонунчилиги баъзи моддаларини кўриб чиқиш талаб этилади.

Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароитида даромад солиғи ялпи ички маҳсулот ва солиқ тушумларида ўз мавқеига эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида 2004 – 2010 йилларда даромад солифининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 2,7 фоизни, солиқ тушумларидағи улуши эса ўртача 12,4 фоизни ташкил этди.

Ривожланган давлатларда мазкур кўрсаткичлар анча юқори бўлиб, ҳисбот даврида даромад солифининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38,1 фоиздан (АҚШ) 16,9 (Франция) фоизгачани, солиқ тушумларидағи улуши эса 4,7 фоиздан (Япония) 12 (Канада) фоизгачани ташкил этган (5-жадвалга қаранг).

Ривожланаётган давлатларда даромад солифининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ривожланган давлатлардагидан бир неча бор камлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикасида унинг улуши пасайиб бориш тенденциясига эгалиги жадвал кўрсаткичларидан намоён бўлмоқда. Буни эса даромад солиғи ставкаси қисқарип бораётгани билан изоҳлаш мумкин (5-иловага қаранг).

Жадвал маълумотларидан 1998 йилга нисбатан 2012 йилга келиб жисмоний шахслар даромад солиғи қуий ставкаси 1,6 мартадан (15 фоиздан 9 фоизга) ҳамда юқори ставкаси 2 мартадан (45 фоиздан 22 фоизга) ортиқча қисқарганлиги ойдинлашади.

Умуман олганда, даромад солиғи ҳиссасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши пастлигини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

⁵⁴ Юлдашев И.С. Жисмоний шахслар даромадини солиқга тортишда умумдекларация тизимини жорий этиш масалалари: Иқт. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – Б.8.

- биринчидан, солиқ манбаи иш ҳақи эканлиги ва унинг миқдори нисбатан камлиги ёки шаклланиш босқичини бошидан кечираётгани;
- иккинчидан, доимий даромад солиги тўлаб борувчи субъектлар сонининг камлиги;
- учинчидан, аҳоли бир қисм даромадининг солик қамровидан ташқарида қолаётгани.

5-жадвал

Даромад солигининг жами солиқ тушумлари (А-бандлар) ва ялпи ички маҳсулотдаги (В-бандлар) ҳиссаси⁵⁵ (фоизда)

Давлатлар		2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил
Канада	A	35,0	35,6	37,2	35,0
	B	11,8	11,9	12,0	10,8
АҚШ	A	34,1	36,1	38,1	32,1
	B	8,8	10,1	10,0	8,0
Буюк Британия	A	28,6	28,9	30,1	28,6
	B	10,0	10,5	10,8	10,0
Италия	A	25,4	25,4	26,8	27,2
	B	10,4	10,7	11,6	11,7
Германия	A	22,9	24,1	26,3	24,4
	B	8,0	8,6	9,6	8,9
Япония	A	17,8	18,5	19,9	—
	B	4,7	5,2	5,6	5,2
Франция	A	17,0	17,5	17,4	16,9
	B	7,4	7,8	7,6	7,3
Эстония	A	20,5	18,2	19,5	16,0
	B	6,3	5,6	6,2	5,4
Чехия	A	12,7	11,5	10,3	10,3
	B	4,8	4,2	3,7	3,6
Польша	A	11,5	13,5	15,6	—
	B	3,7	4,6	5,4	—
Ўзбекистон	A	12,3	12,7	12,7	11,7
	B	2,7	2,7	2,9	2,6

⁵⁵ OECD (2011), Revenue statistics: Comparative tables, OECD Tax Statistics (database).

Баъзи мутахассислар «ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳиссаси пастлиги» даромад солиғининг бюджетдаги ҳиссасининг пастлигини таъминлайди деб ҳисоблашади.⁵⁶ Аммо, бизнинг фикримизча, бу ёндашув масала моҳиятини тўлақонли очиб беролмайди. Чунки, биринчидан, ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳиссаси ошиши билан бирга иш ҳақи ва солиқ субъектлари ихтиёрида қоладиган иш ҳақи миқдорининг ўсиши ҳам талаб этилади. Иш ҳақининг ихтиёра қоладиган даромаддаги улуши пастлиги, ўз навбатида, солиқлар юки юқорилигини кўрсатувчи кўрсаткичdir.

Иккинчидан, ялпи ички маҳсулот билан даромад солиғи тушуми ўртасида пропорционал боғлиқлик мавжуд бўлишини таъминлаш даромад солиғи ўсиши учун хизмат қилади (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот ва жисмоний шахслар даромад солиғининг ўзгариш динамикаси

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2002 йил	2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил
1. Аҳоли жонбошига тўғри келадиган ЯИМ:								
	– суммаси;	минг сўм	298,4	485,2	816,8	1425,0	2264,7	2753,8
	– 2001 йилга нисбатан ўшиш динамикаси	марта	1,5	2,5	4,1	7,2	11,5	14,0
2. Аҳоли жонбошига тўғри келадиган даромад солиғи:								
	– суммаси;	минг сўм	9,2	13,3	21,9	41,8	58,4	68,0
	– 2001 йилга нисбатан ўшиш динамикаси	марта	2,2	3,2	5,2	9,9	14,0	16,1

⁵⁶ Проблемы налоговой системы России: теория, опыт, реформа / Под ред. М.Алексеева, С.Синельникова. Институт экономики переходного периода. – М., 2000. – С.325.

Жадвал маълумотлари 2011 йили ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жонбошига тўғри келадиган ҳиссаси 2753,8 минг сўмни ташкил қилгани ёки 2001 йилга нисбатан 14 марта ўсганини кўрсатмоқда. Мос равишда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад солиги 68 минг сўмга етгани ёки 2001 йилга нисбатан 16,1 марта ўсгани кўзга ташланмоқда. Бу ялпи ички маҳсулот ва даромад солиги ўсиш суръатлари ўртасидаги номутаносибликни ифодаламоқда. Мавжуд ҳолатни, таҳлил қилинаётган йиллар давомида жисмоний шахслар даромад солиги ставкаси пасайиб боришига қарамай, аҳоли даромадлари миқдорининг реал ўсиши ва солиқ субъектлари сонининг кўпайиши билан ифодалаш мумкин. Албатта, бу ижобий ҳол саналиб, уни ривожлантириш борасида катта салоҳият мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар аҳолининг барча қатламларига ўз меҳнати билан мол-мулкка эга бўлиш имконини берди. Чунки бозор иқтисодиёти мулқдорлар синфини собиқ шўро тузуми давридаги сингари таҳқирлаш эмас, балки уларни рағбатлантириш асосига қурилган.

Аҳоли даромадга эга бўлганда солиқ тўлайди, даромадининг солиқ ва шахсий истеъмолдан қолган қисмига эса мол-мулк сотиб олади. Бу, назарий жиҳатдан олганда, мол-мулк солиги бир обьектнинг икки марта соликقا тортилишини ифодалаши ёки мавжуд солиқ турининг амал қилиш масаласини кўриб чиқиш лозимлигидан дарак беради. Шунга қарамай, унинг республика солиқ тизимида мавжудлигини қуидаги ҳолатлар билан ифодалаймиз:

- катта қийматта эга мол-мулк кўпинча аҳолининг солиқ қамровидан ташқарида қоладиган даромади ҳисобига сотиб олинади;

- давлат мавжуд солиқ тури орқали аҳоли жамғармасининг сарфланиш йўналиши ва мол-мулқдан самарали фойдаланишига таъсир кўрсатиши мумкин;

- мол-мулк солиги орқали маҳаллий бюджетлар қўшимча даромад манбаига эга бўлади.

Қисқа қилиб мол-мулк солигининг энг муҳим вазифаси «Тўпланганд мол-мулқдан самарали фойдаланишга рағбат-

лантирувчи таъсир кўрсатишдир» дейиш мумкин.⁵⁷ Мол-мулк солиғидан келадиган маблағлар маҳаллий бюджетларга тушиб, шу худуднинг иқтисодий-маданий равнақи ҳамда ҳалқ фаровонлигини ошириш мақсадлари йўлида сарфланади.

Мазкур солиқ 1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонун билан тасдиқланган.⁵⁸ Амалдаги қонунчиликка кўра, солиқ обьекти бино ва иншоотлар (уй-жойлар, квартиralар, чорбоғ ва боф уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар)дир.

Солиқ суммаси бино ва иншоотлар учун инвентаризация қийматидан ёки, у бўлмаган тақдирда, шартли қиймат асосида ундирилади. Мавжуд солиқ пропорционал солиқ турига мансуб бўлиб, мол-мулк қийматига мос равища солиқ суммаси ҳам кўпайиб боради. Унинг ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланади (15-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларидан мустақиллик йилларида аҳолининг мол-мулки инвентаризация қийматига нисбатан бир поғонали солиқ ставкаси кўлланиб келиниб, 2011 йилдан эса мулкнинг жойлашган жойи (шаҳар ёки қишлоқ) ва умумий майдонидан келиб чиқсан ҳолда З поғонали ставка жорий қилинганлиги намоён бўлмоқда. Бу давлат мол-мулк солиғидан қайта тақсимлаш воситаси сифатида кенроқ фойдаланаётганини ифодалайди. Яъни шаҳар жойлари даги тураржойлар майдони ортиб бориши билан мол-мулк солиғи миқдори ҳам ўсиб боришини ёки аҳолининг моддий имконияти юқори бўлган қисмидан кўпроқ солиқ ундирилишини англатади.

Солиқ кодексининг 275-моддасига мувофиқ:

1) Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттилоғи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала да-

⁵⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.359.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. – №1. – Б.8.

ражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг (мазкур имтиёз тегишинча Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилганини түғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мехнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади);

2) 1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларнинг (мазкур имтиёз уруш ногироннинг тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга эса ногироннинг имтиёзларга бўлган хукуки түғрисидаги гувоҳнома асосида берилади);

3) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёлларнинг (мазкур имтиёзни бериш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асос бўлади);

4) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқароларнинг (мазкур имтиёз тегишинча тиббий-мехнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг маҳсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, ваколатли давлат органдарини томонидан берилган, имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади);

5) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерларнинг (мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади);

6) I ва II гуруҳ ногиронларининг (мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-мехнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади);

7) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидағи хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганини, контузия бўлганини ёки шикастланганини оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ота-оналарининг ва бева хотинларининг (бева эрла-

рининг) (имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчи нинг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидағи хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ қасаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади) мулкида бўлган мол-мулкка солиқ солинмайди.

2012 йил ҳолатига пенсионерларга тегишли 60 m^2 гача бўлган уй-жойларга солиқ солинмайди (мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади).

Юқорида санаб этилган имтиёзлар 5-бандида белгиланган пенсионерлар учун мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинмайдиган майдон умумий майдоннинг ҳажми 2012 йили 60 m^2 ҳажмида белгиланади.

Солиқ назариясида солиқ тўлашнинг учта асосий усули маълум: декларацияга мувофиқ, даромад манбаида ҳамда кадастр усувлари. Солиқ тўлашнинг кадастр усули жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ундиришда кенг кўлланилади. Адабиётларда кўрсатиб ўтилганидек, солиқ тўлашнинг мазкур усули хусусияти шундан иборатки, «мол-мулкка солиқ унинг таҳмин қилинаётган даромадлилигига доир ташқи белгилар асосида солинганлиги сабабли, солиқни тўлаш билан даромад олиш вақти ўрта-

сида ҳеч қандай боғлиқлик бўлмайди».⁵⁹ Шу муносабат билан мол-мулк солиғини тўлаш қатъий белгиланган муддатларда амалга оширилади. У Солиқ кодексининг 277-моддаси билан ҳар йил 15 октябргача этиб белгиланган.

Бино ва иншоотлар яроқсиз аҳволга келганда ёки бузиб ташланган ҳолда рўйхатга олувчи ташкилотлар томонидан тақдим қилинган ҳужжат асосида бузилган, яроқсиз деб топилган ойнинг бошидан солиқдан озод қилинса, мулк ҳуқуқи пайдо бўлганда, кейинги молия йилидан бошлаб солиқ тўлаш мажбурияти юклатилади. Солиқ суммаси солиқ органи ходимлари томонидан ҳисоблаб чиқилиб, тўлов хабарномаси ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Бундан кўриниб турибдики, солиқ субъектлари фаолияти пассив аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир маҳаллий солиқ ва йигимлар, энг аввало, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқсан ҳамда илмий асосга эга бўлиши талаб этилади.

Жисмоний шахслар транспорт воситалари солиги 2002 йилга қадар уларнинг от кучи ёки мотор қувватидан келиб чиқсан ҳолда ундирилган бўлса, 2002 йилдан бошлаб истеъмол қилинадиган ёқилғи маҳсулотлари нархи таркибида ундириш жорий этилди.

Солиқ суммаси жисмоний шахсларга сотиладиган бензин, дизель ёнилғиси ва газ учун маблаг тўланиши билан бир вақтда ундирилади. Бу солиқ суммасининг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш имкониятини яратади.

Солиқ суммаси куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$N = V \cdot St$$

бу ерда:

N – ҳисоблаб ёзилган солиқ;

V – жисмоний шахсларга сотилаётган бензин, дизель ёнилғиси ёки газнинг натурал ифодадаги ҳажми;

St – солиқ ставкаси.

Солиқ суммасини ундириш ва маҳаллий бюджетта ўтка-

⁵⁹ Пепеляев С.Г. Основы налогового права: Учебно-методическое пособие. – М.: Инвест Фонд, 1995. – С.76.

зид бериш масъулияти эса ёнилғи қыйиш шахобчалари бўлмиш хўжалик субъектлари зиммасига юклатилган. Хўжалик субъектлари томонидан солиқ суммаси ҳар ўн кунда кейинги ўн кунликнинг учинчи кунидан кечиктирмай маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Назарий жиҳатдан олганда, транспорт воситаларидан солиқ ундиришдан мақсад улар учун йўл қурилиши харажатларини молиялаштириш, атмосфера ифлосланишини камайтиришга (эскирган транспорт воситаларидан юқори ставкада солиқ ундириш орқали улардан фойдаланишини қисқартириш) эришиш, маҳаллий автомобиль саноатини қўллаб-кувватлаш ҳамда солиқ суммасининг тўлиқ ундиришига эришишдан иборат десак янглишмаймиз.

Хорижий мамлакатларда жисмоний шахслар транспорт воситаларини солиққа тортишда юқоридаги мақсадларни амалга ошириш мақсадида турли усууллардан фойдаланилади.

Транспорт воситалари солигини ёнилғи маҳсулотлари нархи таркибида ундириш тизими АҚШ ва Хитойда ҳам амал қилилади. Россия Федерацияси ва Қозогистонда солиқ суммасини ёнилғи маҳсулотлари нархи таркибида ундириш таклифи муҳокама қилинмоқда. Солиққа тортишнинг ушбу усули аҳамиятли жиҳати кимки транспорт воситасида кўп юрса ва транспорт воситасининг мотор қуввати кучлироқ бўлса, ёқилғи маҳсулотларини кўп сарфлаганлиги сабабли, бюджетта кўпроқ солиқ тўлашидан иборатлигидир.

Россия Федерациясида эса транспорт солиги транспорт воситаси двигатель қувватидан келиб чиқсан ҳолда дифференциал ставкаларда ундирилади (7-жадвалга қаранг). Украинада ҳам енгил автомобиллардан транспорт солиги уларнинг двигатель қувватидан келиб чиқиб 9 та категорияга бўлган ҳолда ундирилади.

Охирги 10 йилликда ривожланган давлатлар ушбу солиқ воситасида йўл қурилишини ривожлантириш орқали кўчалардаги тирбандликларнинг олдини олиш ҳамда атмосферанинг ифлосланишини қисқартиришга интилмоқда. Деярли барча Европа мамлакатлари экологик тоза автомобилларга солиқ имтиёzlари бериш, атмосферани ифлословчи транспорт воситалари эгаларига нисбатан эса, аксинча, жарималар қўллаш амалиётидан фойдаланишмоқда.

7-жадвал

Россия Федерациясида енгил автомобиль воситаларидан ундириладиган транспорт солиғининг 2012 йилдаги ставкаси⁶⁰

№	Двигатель куввати, от кучи	Бир от кучи, рубль
1.	70 от кучидан 100 от кучигача	2,5
2.	101 от кучидан 150 от кучигача	3,5
3.	151 от кучидан 200 от кучигача	5,0
4.	201 от кучидан 250 от кучигача	7,5
5.	250 дан ортиқ от кучига	15

Хусусан, Германия солиқ тизимида 2009 йилдан жорий қилингандын солиқ амалиётини мисол тарықасида келтириш мүмкін. Солиқ сүммаси двигатель ҳамда чиқинди ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Солиқ сүммаси двигатель ёнилғиси түрига қараб ҳам фарқланади. Яғни бензин ёнилғиси ёқадиган двигателнинг ҳар 100 см³ учун 2 евро, дизель ёнилғиси ёқадиган двигателнинг шундай ҳажми учун 9 евро солиқ ундирилади.

Қолаверса, Германияда транспорт әгаси мөъёрдан ортиқча чиқарылған ис гази (CO₂) учун ҳам солиқ тұлрайди. 2012 йили солиққа тортилмайдын чиқинди миқдори ҳар километр масофа учун 110 граммни ташкил этди. Ушбу мөъёр миқдори йилдан-йилга қысқартыриб борилмоқда ва 2014 йили 95 граммни ташкил этиши күзда тутилмоқда. Мөъёрдан ошған ҳар бир грамм учун 2 евродан солиқ ундирилади. Натижада экологик автомобилларни ишлаб чиқариш ва сотиб олиш рағбатлантирилади.

Демак, назарий жиҳатдан олганда, кимки йүл хизматларидан күп фойдаланса, атмосферага заһарлы газларнинг күп чиқишига сабабчи бўлса, ўша транспорт соҳиби бошқаларга нисбатан күп солиқ тұлаши керак. Масалан, бу Франция солиқ тизимида ўз аксини топған (8 – 9-жадвалларга қаранг).

Жадвал маълумотлари асосида шартли мисолларни кўриб чиқамиз. Францияда 2011 йили автомобиль мотор

⁶⁰ <http://www.consultant.ru/popular/nalog2/>

куввати 6 CV (CV – Франция солиқ тизимида қўлланиладиган шартли от кучи) бўлган шахс:

4000 километр масофани босиб ўтган бўлса,
 $4000 \text{ км} \cdot 0,561 = 2244 \text{ евро};$

6000 километр масофани босиб ўтган бўлса,
 $(6000 \text{ км} \cdot 0,316) + 1223 = 3119 \text{ евро};$

22 000 километр масофани босиб ўтган бўлса,
 $(22 000 \text{ км} \cdot 0,377) = 8294 \text{ евро}$ солиқ тўлашга мажбур.

Ушбу шартли мисолдан транспорт соҳиби томонидан босиб ўтилган масофа ортиб бориши билан тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси ҳам кўпайиши ойдинлашмоқда. Яъни биринчи ҳолатда босиб ўтилган 4000 км масофа учун 2244 евро тўланса, иккинчи ҳолатда босиб ўтилган масофа 50 фоизга ошганда тўланадиган солиқ суммаси 39 фоизга, учинчи ҳолатда босиб ўтилган масофа 5,5 мартаға ошгандага эса тўланадиган солиқ суммаси 3,7 мартаға ортмоқда.

Солиққа тортиш бирлиги транспорт воситаси томонидан босиб ўтилган масофа ҳисобланганлиги сабабли, ундан фойдаланилмаган ҳолатда солиқ тўланмайди.

Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари мол-мулк солиги солиқ суммасини ёнилғи маҳсулотлари нархи таркибида ундириш амалиёти жорий қилингунга қадар мулк соҳиби ундан фойдаланмаса-да, солиқ қонунчилигига кўра, солиқ тўлашга мажбур эди. Бу борада баъзи мутахассислар «солиқ, транспорт воситаси ишлатиладими ёки йўқми, бундан қатъи назар, тўланаверишини» таъкидлашади.⁶¹

Биз эса юқоридаги фикрга қўшилмаймиз. Чунки транспорт воситасидан фойдаланилган тақдирдагина солиқ тўлашишини талаб этиш адолатли бўлади.

Ушбу солиқ турини ундиришнинг янги тартиби жорий қилингунга қадар солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичлари бир неча йиллар давомида бажарилмасдан келган. Сабаби, аксарият ҳолларда транспорт воситаларини олди-сотди қилиш жараёнида солиқ суммаси тўланганлиги тўғри-

⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунига илмий-амалий шарҳлар. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996. – Б.30.

сидаги солиқ инспекцияларининг маълумотлари талаб қилингандан ҳоллардагина қисман тўланган, холос.

Ушбу солиқдан йигилган маблағлар ҳиссаси иқтисодий тараққий топган давлатларда анча юқори. Масалан, Германияни олсак, молия вазирининг: «Агар солиқ тўловчилардан фақат шу мақсадда йигилган солиқ суммаларининг ҳаммасини фақат йўл курилишига сарфласак, бутун Германия ҳудудини асфальтлаб чиқсан бўлур эдик», – деган фикри бунинг исботидир.⁶²

Шу сабабли транспорт солигининг асосий қисми Германияда экология ва ижтимоий соҳага, Хитойда эса маҳаллий автосаноатни ривожлантиришга йўналтирилади.

Аҳолидан маҳаллий бюджетларга ундирилладиган солиқлардан яна бири ер солиги бўлиб, унинг соҳиби ўз тасарруфидаги ер майдони учун солиқ тўлайди. Жисмоний шахслар учун, Солиқ кодексининг 288-моддасига биноан, куйидаги ер участкалари солиқ солинадиган обьект ҳисобланади:

- деҳқон ҳўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- якка тартибда уй-жой курилиши учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;
- жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек, якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари;
- хизмат юзасидан берилган чек ерлар;
- мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳукуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳукуқи ҳам ўтган ер участкалари;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;
- тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Жисмоний шахсларга ер майдонлари қишлоқ ҳўжалик ва уй-жой курилиши мақсадларида фойдаланиш учун ажратилиши мумкин. Қишлоқ ҳўжалик мақсадида фойдаланиладиган ерлар учун солиқ суммаси тупроқнинг таркиби

⁶² Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёзлар диалектикаси // Иқтисод ва ҳисобот. 1997. – №7. – Б.21.

8-жадвал

Франция солиқ тизимида автомобиль воситаларига солиқ ҳисоблаш тартиби⁶³

Солиқка тортиш бүрлігі	3 гача	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13 ва ундан юкори
5000 км гача	d · 0,405	d · 0,487	d · 0,536	d · 0,561	d · 0,587	d · 0,619	d · 0,635	d · 0,668	d · 0,681	d · 0,717	d · 0,729
5001 км дан 20 000 км	(d · 0,242)	(d · 0,274)	(d · 0,3) + + 818	(d · 0,316) + 1063	(d · 0,332) + 1180	(d · 0,352) + 1223	(d · 0,368) + 1278	(d · 0,391) + 1338	(d · 0,41) + + 1383	(d · 0,426) + 1358	(d · 0,444) + 1458 + 1423
20 000 км дан юкори	d · 0,283	d · 0,327	d · 0,359	d · 0,377	d · 0,396	d · 0,419	d · 0,435	d · 0,46	d · 0,478	d · 0,499	d · 0,515

⁶³ http://www3.finances.gouv.fr/calcul_impot/2011/pdf/baremkm.pdf

9-жадвал

Франция солиқ тизимида мотоциклларга солиқ ҳисоблаш тартиби⁶⁴

Солиққа тортиш бирлиги	Солиқ ставкаси
2000 км гача	$d \cdot 0,283$
2001 км дан 5000 км гача	$(d \cdot 0,274) + 1063$
5000 км дан юқори	$d \cdot 0,283$

d – босиб үтілған масофа.

(банитети) ва сүфориш усулига боғлиқ бўлса (2-иловага қаранг), уй-жой қурилишига ажратилған ер майдонлари учун жойлашган зонасига боғлиқ.

Зоналар сони вилоятларда 4 та, Тошкент шаҳрида эса 14 та этиб белгиланған (3- ва 3^a-иловаларга қаранг).

Шу билан бирга, солиқ суммасига қишлоқ хўжалигини юритиш мақсадида берилған ер участкаларининг жойлашган ўрнига қараб тузатиш коэффицентлари ҳам қўлланилади. Масалан, Тошкент атрофи 20 км радиусида 1,30, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари 15 км радиусида 1,20, туман марказлари 10 км радиусида 1,15, бошқа шаҳарлар 5 км радиусида 1,10 коэффицентда солиққа тортилади. Солиққа тортишнинг мазкур усули кўпроқ тижорат мақсадларини кўзлаб амалга оширилған дейиш мумкин. Яъни ният солиқ суммаси орқали таклиф этилиши мумкин бўлған қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи ўтасидаги рақобатбардошликни таъминлашга эришиш.

Мисол учун, дехқон хўжалигини юритиш мақсадида фуқарога Андикон вилояти Андикон туманидан берилған 0,12 гектар ер майдонига 2012 йил учун солиқ ҳисобласак, у қуйида-гича бўлади. Ер майдони аҳоли пункти ичida жойлашгани учун, солиқ суммаси 32 460 (2705 · 12) сўмни ташкил этади.

Бундан ташқари, ер майдони шаҳар маъмурий чегарасидан 8,5 км масофада жойлашганлиги сабабли, 1,2 тузаси

⁶⁴ http://www3.finances.gouv.fr/calcul_impot/2011/pdf/baremekm.pdf

тиш коэффиценти қўлланилади ҳамда умумий солиқ сумаси 38 952 (32 460 · 1,2) сўмни ташкил этади.

Фуқаро уй-жойи жойлашган 0,6 гектар ер майдони учун, у биринчи зонада жойлашганлиги сабабли, ер солиги суммаси 2634 (43,9 · 60) сўмни ташкил этиб, унга тузатиш коэффициенти қўлланилмайди. Фуқаро 2012 йили жами ер майдони (дехқон хўжалигини юритиш уй-жой қуриш мақсадида ажратилган) учун 41 586 (38 952 + 2634) сўм ер солиги тўлаши лозим.

Ер солиги ставкаси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги Президент қарорлари билан тасдиқланади. Ер солигини ҳисоблаш ўзига хос кўникмани талаб қилишлиги боис, у маҳаллий солиқ органи ходимлари томонидан ҳисобланиб, ҳар йили 1 майгача солиқ субъектларига тақдим этилади. Аҳолининг мажбурияти эса, Солиқ кодексининг 294-моддасига мувофиқ, солиқ тўлашдан иборат. Ер солиги жисмоний шахслар томонидан йилига икки марта тенг улушларда, яъни ҳисобот йилининг 15 июня ва 15 декабряга қадар амалга оширилган бўлса, 2012 йилдан бошлаб бир маротаба – ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар амалга ошириладиган бўлди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, объекти солиқка тортишда унинг табиий сифатлари ҳам эътиборга олинади, яъни суғориладиган ва лалми ерлардан олинадиган солиқ ставкалари бир-биридан фарқли. Чунки ерлар унумдорлиги ва суғориш усулига қараб меҳнат ҳамда маблағ талаб қилали. Шу сабабли барча ерларни бир хил ставкада солиқка тортиш адолат мезони бузилишини ифодалайди.

Мавжуд масалага буюк салтанат соҳиби Амир Темур ҳам ўз даврида катта эътибор билан қараб: «Хирож (ер солиги)ни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Чунончи, доимо узлуксиз кориз, булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларни ҳисобга олсинлар...»⁶⁵ – деб кўрсатма берган. Бу ерларнинг шўрланиши кучайиб, сунъий суғориш харажатлари ортиб бораётган бир шароитда янада долзарб аҳамият касб этади.

Солиқ кодексининг 290-моддасига мувофиқ, ер солигидан:

⁶⁵ Темур тузуклари / Форсчадан А.Софуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳр. остида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – Б.123.

1) яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2) Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала дараҷадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар (мазкур имтиёз Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилганини тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади);

3) 1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланадиган доирадаги уларга тенглаштирилган шахслар (мазкур имтиёз уруш ногиронининг тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга эса ногироннинг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади);

4) I ва II гурӯҳ ногиронлари (мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади);

5) ёлғиз пенсионерлар (ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг малумотномаси, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маълумотномаси асосида берилади);

6) боқувчисини йўқотган кўп болали оиласалар (ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оиласада ўн олти ўшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оиласалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оиласалардир. Мазкур имтиёз Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади);

7) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (мазкур имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг

маълумотномаси, ногироннинг маҳсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек, ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади);

8) шахсий пенсия тайинланган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича – ер участкалари берилган пайтдан эътиборан беш йилгача;

10) шахслар уларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва дехқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича – ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга озод қилинган.

Юқорида санаб ўтилган 10 та ер солиги имтиёзидан 6 таси вақтинчалик хусусиятига эга бўлиб, фақатгина 1 таси солик объектига қаратилган.

Азалдан ўзбек давлатчилиги солик тизимида янги ерларни ўзлаштириш ҳамда ташландик ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали улардан қайта фойдаланиш ракбатлантирилганини тасдиқловчи ёзма манбалар мавжуд. Хусусан, «Темур тузуклари» бунга мисол, унда: «Кимки бирон-бир саҳрони обод қилса ёки кориз курса... ёхуд бирон ҳароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирож йифсинлар», – деб баён этилган. Аммо амалдаги солик тизимимизда бу каби имтиёзлар кўзда тутилмаган.

Солик объектининг соликка тортилганлик даражасини таҳлил қилишга бағишлиланган параграфига якун ясарканмиз, қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

– жисмоний шахслар даромадини соликка тортишнинг декларация тизими ўз олдига қўйилган талабларни тўлақонли бажаришини таъминлаш мақсадида уни босқичмабосқич такомиллаштириш талаб этилади;

– ташландик ва фойдаланишга яроқсиз ерларни оборотга киритиш мақсадида аҳоли маблағларини кенг жалб қилиш бўйича солик имтиёзларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

2.2. Солиқ юки ва уни белгиловчи омиллар

Солиқ муносабатлари ҳақида фикр юритганда солиқ юки тушунчасига тұхталиб ўтиш мақсадға мувофиқ. Нега-ки солиқ юки муайян мамлакатда мавжуд солиқ тизими ҳамда солиқ сиёсати мазмунини ифодаловчи асосий күрсаткышлардан ҳисобланади. Шу боис мазкур масала молиячилар, тадбиркорлар ва аҳоли кенг қатламининг эътиборини ўзига жалб қилиб келаётгани табиий бир ҳолдидir.

Солиқ юки нафақат бугунги кунда, балки азалдан халқнинг ва давлат арбобларининг дикқат марказида бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Инсоният тарихининг гувоҳлик беришича, баъзида ушбу масалага етарлича эътибор бермаслик давлат ҳокимияти ва у юритаётган иқтисодий сиёсатга нисбатан халқ нафратининг кучайиб бориши ҳамда охироқибат ҳокимиятни ағдаришга қаратилган ҳаракатларнинг содир бўлишига олиб келган.

Юртимизда, тарихдан маълумки, 725 – 729 йилларда Самарқанд ҳамда 1238 йили Бухоро шаҳарларида солиқ сиёсатига қарши қаратилган йирик халқ қўзғолонлари бўлиб ўтган.

Бу борада Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари»да солиқлар юки ошиб боришининг салбий оқибатлари тўғрисида тұхталиб куйидагиларни баён қиласди: «Амр қилдимики, раиятдан мол-хирож йифишда уни оғир аҳволга тушириб кўйишдан ёки мамлакатни қашшоқ қилиб кўйишдан сақланмоқ зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш хазинанинг ғариблашувига олиб келади. Хазинанинг ғариблашиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқалиб кетиши, ўз навбатида, салтанатнинг заифлашишига олиб келади».⁶⁶

Орадан кўп вақт ўтмасдан авлодлари Темур ўгитларини унтиши, унга амал қилмаслиги хунук оқибатларни келтириб чиқарди. Унинг қисқача баёни шундай: «...1470 йил. Баҳор аста ёзга сокин қадам ташламоқда. Денгиз устида

⁶⁶ Темур тузуклари / Форсчадан А.Софуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳр. остида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – Б.122.

булутлар қуюқлашиб, теварак-атроф қоронғилашгандай, Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти фалокат ёқасига келиб қолган. Темурийлар сулоласининг вакилларидан бири Ёдгор Мұхаммад билан таҳт учун кураш якунланмасдан, Ҳиротда ҳали тарихда юз бермаган халқ құзғолони бўлди. Солиқ зулми ўти билан ёнган халқнинг кўксидан оху фифон турунлари чиқарди. Фуқаронинг аҳволи жуда оғирлашди. Зулмга қарши халқ томонидан қилинган шикоятни ҳеч ким тингламади. Шу даражага етдики, жонидан тўйған халқ қўзғалиб, қўлларида тош, ғишт кўтариб, катта ғавғо билан молия назорати биносига, девон бошлиғига ҳужум қилдилар. Молия назорати бошлиқларидан Хўжа Абдуллони ярадор қилдилар».⁶⁷

Амир Темур ўғитлари бундан 7 аср илгари айтилганига қарамай, бугунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шу сабабли солиқ юки ва унинг иқтисодий тараққиёт жараёнига таъсири мутахассислар томонидан долзарб масала сифатида ўрганиб келинмоқда. Унинг илмий асосланганлиги ҳамда адолат ва тенглик принципларига қурилганлиги кўпгина мамлакатларда солиқ муносабатлари такомиллашувига, иқтисодиётнинг эса самарали ривожланишига ижобий таъсир кўрсатаётган бўлса, мавжуд масала тўлалигига ўз ечимини топмаган давлатларда корхона, ташкилот ва аҳолининг молиявий аҳволи ёмонлашувига, меҳнатга қизиқишининг сўнишига ёки даромадни солиқлардан яширишнинг янгидан-янги усуслари юзага чиқишига олиб келаётганлиги бизга маълум. Умуман олганда, солиқлар юки бевосита давлатнинг солиқ сиёсатини характерловчи тушунчадир.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда республика мизда жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар юки, уни белгиловчи омиллар ҳамда солиқ юкини мувофиқлаштириш масалаларини атрофлича ўрганиш солиқ назариётчилари олдида турган долзарб муаммолардан бири дейиш мумкин. Бизнинг назаримизда, аввало, мамлакатда амал қилаётган қонунчилликка асосланиб аҳоли-

⁶⁷ Собиров Х.Р. Алишер Навоий ва молия масалалари // Иқтисод ва ҳисобот. 1992. – №2. – Б.2.

га нисбатан қўлланилаётган солиқлар юки даражасини, аҳоли турмуш шароити ҳамда меҳнат фаолиятига таъсирини таҳлил асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шундан кейингина солиқ юкининг мамлакатимиздаги даражасига холисона баҳо бериш ва уни мувофиқлаштириш борасида фикр юритиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Солиқ юки ўзи нима ва уни қайси омилларга кўра ошди ёки камайди дейиш мумкин? Ушбу саволга қисқача тўхтабиљ ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Солиқ юки тушунчасига илмий адабиётларда қуидагича таърифлар берилган:

– солиқ юки давлатларнинг ялпи даромади, шу билан бирга, алоҳида солиқ тўловчининг даромади таркибидаги мажбурий тўловлар (солиқлар) ҳаракатининг умумлаштирилган тавсифидир⁶⁸;

– солиқ юки ялпи миллий маҳсулотга нисбатан барча солиқ тушумлари миқдорини ҳамда солиқларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилайдиган умумлаштирувчи кўрсаткичидир⁶⁹;

– солиқ юки солиқлар тўлаш учун молиявий маблағларни ажратиш орқали уларнинг бошқа йўналишда фойдаланишини чегараловчи иқтисодий тўсиқ даражасини ифодаловчи тушунчадир.⁷⁰

Солиқ юкига макродаражада баҳо беришнинг амалиётда кенг тарқалган усули мамлакатда бир йил мобайнида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотга нисбатан солиқлар улушининг ўзгариш динамикаси орқали ифодалашдир. Бу ерда ўзгариш динамикаси деганда, аввало, бюджет даромадлар қисмида солиқ тўловлари ҳиссасининг ўтган йилларга нисбатан ошган ёки камайганлиги назарда тутилади.

⁶⁸ Финансово-экономический словарь / Под ред. М.Г.Назарова. – М.: Финанстест-форм, 1995. – С.129.

⁶⁹ Налоги и налоговое право / Под ред. А.В.Брызгалина. – М.: Аналитика-Пресс, 1998. – С.54.

⁷⁰ Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА-М, 1997. – С.200.

Демак, қисқача қилиб айтганда, солиқ юки жамиятда ишлаб чиқарилған маҳсулотнинг солиқлар орқали қайта тақсимланған қисмими ифодалайди. Унинг формула билан ифодаланиши қуйидагича:

$$C_{\text{ю}} = \sum CC / \text{ЯИМ}$$

бу ерда:

$C_{\text{ю}}$ – солиқ юки;

$\sum CC$ – солиқлар суммаси;

ЯИМ – ялпи ички маҳсулот.

Хорижий мамлакатларда солиқларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши ёки солиқ юки 5 фоиздан (Непал) 76 фоизгачани (Япония) ташкил этади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 2000 йили 27,9 фоиз бўлган, 2011 йилга келиб эса 21,9 фоизни ташкил этди, яъни солиқ юки сўнгги 11 йил ичидаги 6 фоиз пунктига пасайган. Ҳисобот давридаги солиқ юки пасайишнинг 38 фоизи тўғри солиқлар ҳамда 35 фоизи эгри солиқлар ҳиссасига тўғри келади (10-жадвалга қаранг).

10-жадвал

Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши⁷¹ (фоизда)

Кўрсаткичлар	2000 йил	2002 йил	2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил
Солиқ тушумларининг ЯИМдаги улуши	27,9	25,0	22,4	21,2	23,2	22,0	21,9
шу жумладан:							
тўғри солиқлар улуши	8,1	7,3	6,2	5,5	6,1	5,7	5,8
эгри солиқлар улуши	12,7	13,8	12,6	10,0	10,9	11,1	10,6
ресурс тўловлари ва мол-мулк солиги улуши	2,2	1,3	1,9	3,7	3,5	3,4	3,4

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

Солиқ юкига баҳо беришда юридик шахслар учун улар даромадининг солиқлар сифатида тўланадиган қисми асос бўлса, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар юки нафақат уларнинг ўзи, балки қисман юридик шахслар томонидан тўланган солиқларни ҳам ўз ичига олади.

Юридик шахслардан олинадиган солиқларни ўз моҳияти ёки ундириш манбаига кўра, асосан, уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- даромаддан тўланадиган солиқлар: даромад (фойда) солиғи, мол-мулк солиғи;
- таннарх таркибига киритиладиган солиқлар ва мажбурий тўловлар: ер солиғи, пенсия фондига, бандлик фондига ажратмалар, йўл фондига тўловлар ва ҳ.к.;
- товар баҳосига қўшиладиган солиқлар: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи.

Юқоридаги гуруҳлашдан шу нарса аён бўладики, даромаддан тўланадиган солиқлар юки юридик шахслар зиммасига тушса, товар ва хизматлар баҳосига қўшимча сифатида жорий қилинган солиқларнинг ҳуқуқий тўловчиси юридик шахслар ҳисобланса-да, амалда солиқ юки истеъмолчилар зиммасида.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар юкига баҳо беришнинг ўзига хос мураккаблиги ҳам шунда бўлиб, бу борада, энг аввало, тўғри солиқларга тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки эгри солиқларни тўлаш қисман ихтиёрий, тўғри солиқларни тўлаш эса мажбурийдир.

Тўғри солиқлар орасида даромад солиғи ўз аҳамиятига кўра асосий ўринни эгаллайди. Бу бюджет даромадлари-даги улуши (ўртacha 12 фоизни ташкил этмоқда) ва кенг қамровлилиги (аҳоли томонидан тўланадиган солиқлар ичida 90 фоиздан ортигини ташкил этиши) билан баҳоланади (11-жадвалга қаранг).

11-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бюджет тушумларида даромад солиғининг ҳиссаси⁷² (фоизда)

Кўрсаткичлар	2000 йил	2002 йил	2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил
Даромад солиғининг:							
бюджет тушумларидағи улуши	11,6	12,4	12,3	12,7	12,7	11,7	11,2
ўтган йилга нисбатан ўзгариш динамикаси	133,6	142,1	116,9	130,7	146,9	121,5	120,4

Жисмоний шахслар даромад солиғининг бюджет тушумларидағи улуши 2009 йилгача ўсиш тенденциясига эга бўлган, охирги йилларда унинг ҳиссаси қисқариб бормоқда. Буни кўпроқ солиқ ставкаси пасайиши билан изоҳлаш мумкин. Яъни унинг ставкаси 2000 йили 15, 25, 35, 40, 45 фоиз қилиб белгиланган бўлса, 2012 йилга келиб 9, 16 ва 22 фоизни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, солиқ суммаси «Фуқароларнинг жамғариги бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги 2004 йил 2 декабрдаги 702-II сонли Қонунга асосан иш ҳақининг бир фоизи миқдорига қисқариб, жисмоний шахсларнинг жамғариги бориладиган пенсия ҳисобрақамига йўналтирилади.

Даромад солиғининг бюджет тушумларидағи улуши қисқариши юз бераётган бўлса-да, солиқ тушумлари барқарор ўсиш суръатларига эга. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида ўсиш суръатлари олдинги йилга нисбатан ўртача 120 фоизни ташкил этмоқда.

Жисмоний шахслар даромад солиғи кўпгина мамлакатлардаги сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам прогрессив (ўсиб борувчи) солиқ тури ҳисобланиб, кўп даромаддан кўп солиқ эмас, балки даромаднинг катта қисмини солиқ сифатида тўлашга, яъни даромаднинг ошиши билан ундан юқори фоизда солиқ ундиришга асосланган.

⁷² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда эса мазкур кўрсаткич ўз ички хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда турли ставкаларда белгиланган (12-жадвалга қаранг).

12-жадвал

Ривожланган мамлакатлардаги даромад солиги ставкалари⁷³ (фоизда)

№	Мамлакатлар	Бошлангич ставка	Энг юқори ставка
1.	АҚШ	15	39
2.	Буюк Британия	10	40
3.	Германия	0	42
4.	Италия	23	43
5.	Франция	0	28,3
6.	Япония	15	76

Жадвал кўрсаткичларини кўздан кечирарканмиз, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган солик ставкалари бошқа давлатлардагидан тубдан фарқланмаслигининг гувоҳи бўламиз. Бироқ бу борада ким билан суҳбатлашмайлик, даромадининг катта қисми соликлар сифатида бюджетга ундирилаётганини куюниб таъкидлайди. У ҳолда бугунги кунда даромад солиги юки борасидаги муаммо нимадан иборат деган савол туғилиши табиий.

Юқоридаги саволга жавоб берарканмиз, 2001 йилга қадар даромад солиги юкига таъсир этган асосий омил «соликقا тортилмайдиган энг кам иш ҳақи» миқдорининг камлиги ва 2001 йилдан унинг бутунлай бекор қилингани эканини таъкидлаб ўтиш мумкин.


Республикада даромад солиги суммасини ҳисоблаш жараёнида энг кам иш ҳақи (соликقا тортилмайдиган минимум) миқдорини чегирмасдан даромаддан прогрессив шкалаларни жорий қилган ҳолда солик суммаси ҳисобланади.

⁷³ Тюторюков Н.Н. Налоговые системы зарубежных стран: Учебник. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2010. – С.43 – 107.

ди. Натижада даромаднинг кўпроқ қисми солиқлар сифатида тўланмоқда. Фикримизнинг ўринли эканлиги Farb давлатларидағи даромад солигини ҳисоблаш тартиби билан таққослаганда яққол намоён бўлади (2-чизмага қаранг).

2-ЧИЗМА

Ривожланган давлатларда солиқларнинг жисмоний шахслар даромадига таъсир даражаси⁷⁴



бу ерда:

C – истеъмол чизиги;

Y – даромад чизиги;

Y_{min} – кун кечириш минимуми даражаси.

Бозор иқтисодиёти тараққий этган мамлакатларда даромад солигини ҳисоблашда кун кечириш минимуми (Y_{min})ни чегириб ташлаб, қолган даромаддан солиқ ундирилади. Бу кўрсаткич йиллик даромадга нисбатан:

– АҚШда бир киши учун 2000 ва оила жуфтлиги учун эса 5000 долларни⁷⁵;

– Францияда бир киши учун 5963 еврони⁷⁶;

⁷⁴ Гаджиев Р.Г. О соотношении прямого и косвенного налогообложения // Финансы. 2000. – №3. – С.25.

⁷⁵ Мещерякова О.В. Налоговые системы развитых стран мира (справочник) – М.: Фонд «Правовая культура», 1995. – С.41.

⁷⁶ www.finances.gouv.fr

– Буюк Британияда бир киши учун 4745 фунт стерлингни, оила жуфтлиги учун 5725 фунт стерлингни, 65 ёшдан 75 ёшгача бўлган қарияларга 6830 фунт стерлингни, 75 ёш ва ундан катта ёшдаги қарияларга 6950 фунт стерлингни, кўзи ожиз ногиронларга 1560 фунт стерлингни⁷⁷;

– Японияда бир киши учун 25,3 млн иенани, оила жуфтлиги учун 44 млн иенани, ота-она ва бир нафар фарзанд учун 56,6 млн иенани ҳамда ота-она ва икки нафар фарзанд учун 72 млн иенани⁷⁸ ташкил этади.

Даромад (Y) ва истеъмол (C) чизиқлари кесишган нуқта ноль ҳолатдаги жамғармани ифодалайди. ОА кесма 45 градус бурчак остида ўтган бўлиб, унда ётган барча нуқталар даромаднинг истеъмолга мослигини билдиради. Даромаднинг яшаш минимуми миқдоригача бўлган қисми (OY_{min})га фақат товар ва хизматлар нархи таркибидаги, яъни эгри солиқлар таъсир кўрсатади. Тўғри солиқларнинг даромадга таъсири эса у шартли белгиланган яшаш минимуми миқдоридан ошгандан кейин юз беради. Яъни аҳоли даромаднинг яшаш минимуми миқдоридан ўсган қисмидан даромад солиғи ундирилади. Даромаднинг ўсиши тўғри солиқлар билан бирга истеъмол ортиши орқали товар ва хизматлар нархи таркибидаги эгри солиқларнинг ҳам ошиб боришига олиб келади. Улар ошиб бориши натижасида даромаднинг истеъмолга нисбатан мутаносиблиги ўзгаради ва ОА кесманинг КА қисми КВ га силжийди ёки аҳолининг товарлар ҳамда хизматлар истеъмоли маълум миқдорга қисқаради. Даромад миқдори (КА) ўсиши эса давлат бюджетида тўғри солиқлар ҳиссаси ошишига турткি бўлувчи асосий омилдир.

Шундан хулоса қилиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида эгри ва тўғри солиқлар ўртасидаги ўзаро муносабат, албатта, аҳоли жонбошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг миқдорига боғлиқ. У юқори бўлганда, тўғри солиқлар улуши ҳукмронлик қилса, аксинча ҳолатда эгри солиқлар миқдори устунликка эга бўлади.

⁷⁷ Тютюрюков Н.Н. Налоговые системы зарубежных стран: Учебник.

– М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2010. – С.43.


⁷⁸ Попова Л.В. Налоговые системы зарубежных стран: Учеб.-метод. пособие. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Дело и Сервис, 2011. – С.247.

Демак, аҳолининг кун кечириш минимуми даражасига-ча бўлган даромадига фақатгина маҳсулот ва хизматлар таркибидаги эгри солиқларгина таъсир қилса, тўғри солиқлар даромад кун кечириш минимуми даражасидан ошгандан кейингина тўланади. Бу ривожланган давлатларда солиқ юкини юмшатишга қаратилган тадбирлардан бири дейишимиз мүмкин.

Энди республикамиз учун даромад солигининг истеъмолга таъсирини кўриб чиқсак, юқорида қайд этиб ўтилган мамлакатлардаги ҳолатдан фарқ қилувчи жиҳатлардан бири солиқ механизмида 2001 йилдан солиққа тортилмайдиган энг кам иш ҳақи миқдорининг бекор қилингани ва у амал қилган даврда жуда кам миқдорни ташкил этгани дейиш мумкин. Жараённи чизма орқали ифодаласак, у қуидаги кўринишга эга бўлади (3-чизмага қаранг).

3-ЧИЗМА

Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг жисмоний шахслар даромадига таъсир даражаси



бу ерда:

X – энг кам иш ҳақи микдори.

Солиққа тортилмайдыган эңг кам иш ҳақи миқдорини Х билан белгиласак, ақолининг солиққа тортилмайдыган да-ромади (ОХ)га фақат әгри солиқтар таъсир қилар әди. Кун

кечириш минимуми даражасидаги даромад (OY_{min})га эгри солиқлар таъсири сақланиб қолгани ҳолда, түғри солиқлар ҳам таъсир қиласы. ОКВ эгри чизиги даромад солиғининг 2001 йилгача бўлган ҳолатини ифода этса, ОМ кесма ундан кейинги йиллардаги вазиятни ифодалайди.

Чизмадан даромаднинг истеъмолга нисбатан мутаносиблигини ифодаловчи КВ кесма ОМ кесма ўзгаргани ёки аҳолининг барча даромади ҳам эгри, ҳам түғри солиқлар таъсирига тушаётгани маълум бўлади. Яъни солиқ қамрови кенгаяди.

Ўзбекистон Республикасида 1996 йил сентябрь ойига қадар энг кам иш ҳақи ва солиққа тортилмайдиган минимум миқдори ўртасида фарқ мавжуд бўлиб, ундан кейин юқоридаги икки миқдор тенглаштирилди ва 2001 йилдан эътиборан солиққа тортилмайдиган миқдор бекор қилиниб, фақатгина энг кам иш ҳақи миқдори амал қилиб келмоқда. Энг кам иш ҳақи миқдори бугунги кун солиқ тизимида фақатгина жисмоний шахслар даромад солиқ ставкалари ўртасидаги қадамни ва тадбиркорлик субъектлари учун қатъий ўрнатилган солиқ миқдорини ҳисоблаш бирлиги функциясини бажармоқда, холос (4-иловага қаранг).

Даромад солиғи борасида фикр юритиларкан, ёлғиз солиқ субъекти, оила жуфтлиги ёки жами оила даромадини солиққа тортиш борасида мунозаралар мавжуд. Аксарият давлатлар солиқ тизимида эр-хотин даромадини алоҳида-алоҳида солиққа тортиш тизими амалда, бунинг афзалликлари қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмаслиги, солиқ суммаси, асосан, даромад базасининг ўзида ушлаб қолиниб, ҳисоб-китоблар билан боғлиқ муаммолар вужудга келмаслиги билан ифодаланади. Салбий жиҳатини эса солиқ базасининг қисқариши ва аҳолининг маълум қисмида «боқиманда кайфиятнинг юзага келиши» билан баҳолаш мумкин.⁷⁹

Бугунги кунда юқоридаги вазиятни юмшатиш мақсадида даромад солиғи ставкасини пасайтириш тадбири амал-

⁷⁹ Налогово-бюджетная политика в странах с экономикой переходного периода / Под ред. Вито Танзи. – Вашингтон, 1993. – С.203.

га ошириб келинаётган бўлиб (2-диаграммага қаранг), масаланинг асосий ечими солиқка тортилмайдиган шартли даромад миқдорини жорий қилиш ҳамда унинг миқдорини босқичма-босқич моддий ва ижтимоий маҳсулотлар «истеъмол саватчаси» қийматига тенглаштиришдан иборатdir.

2-диаграмма

2001 – 2011 йилларда ўртача реал иш ҳақи ва жисмоний шахслар даромад солиги юкининг унга нисбатан ўзгариш динамикаси




Диаграмма маълумотларидан 2001 йилдан 2007 йилгача солиқ юки нисбатан ўсан бўлса, 2007 йилдан сезиларли даражада пасайганини кузатиш мумкин. Яъни 2007 йили даромад солиги юки 23,2 фоизни ташкил этган, 2011 йилга келиб эса 16,5 фоизни ташкил этди ёки охирги 4 йил давомида солиқ юки 6,7 фоиз пунктига пасайган. Бунга солиқ ставкасининг (бошланғич ставка 13 фоиздан 10 фоизга, ўрта ставка 21 фоиздан 16 фоизга, юқори ставка 30 фоиздан 22 фоизга) пасайтирилиши, солиқ ставкалари ўртасидаги бошланғич қадамнинг (энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 6 баробарига) ошиши ҳамда ўртача йиллик энг кам иш ҳақи миқдорининг (3,8 мартаға) ўғсанлиги сабабдир.

2001 йили 25,3 минг сўм ўртача ойлик иш ҳақидан 5,1

минг сўм даромад солиги ундирилиб, иш ҳақининг 79,8 фоизи ходим ихтиёрида қолган, 2011 йилга келиб иш ҳақининг 83,5 фоизи (2001 йил нархларида) ходим ихтиёрида қоладиган бўлди. Ходим ихтиёрида қоладиган реал даромад миқдорининг кўпайиши турмуш фаровонлиги ошишининг асосий омилидир.

Ижтимоий энг кам миқдор жисмоний эҳтиёжларни қондиришнинг энг кам нормаларидан ташқари энг кам миқдордаги маънавий ва ижтимоий талабларни қондиришга сарфланадиган харажатларни ҳам ўз ичига олади. Бу миқдор қиймат шаклида ифодаланган, жамият мақбул турмуш даражасини сақлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган товар ва хизматлар мажмуидан иборат. Бунда аҳолининг кам таъминланган қатламлари маълум даражада нормал уй-жой шароитига эгалиги ҳам назарда тутилади.

Физиологик энг кам миқдор эса фақат жисмоний эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган бўлиб, ноозик-овқат маҳсулотлари сотиб олиш харажатларини назарда тутмайди.

Инсоннинг энг кам ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун зарур ва етарли бўладиган ҳамда солиқ солинмайдиган энг кам миқдорнинг давлат томонидан белгиланиши мазкур категориянинг хукукий асосини таъминловчи омилдир. Одатда, физиологик энг кам миқдорни аниқлашда истеъмол саватчаси усулидан кенг фойдаланилади ва у ҳар бир давлат иқтисодий имконияти, аҳолининг ҳаёт тарзидан келиб чиқиб белгиланади. Республикаизда эса энг кам иш ҳақи миқдорини истеъмол саватчаси харажатларига тенглаштириш мақсадида унинг миқдорини босқичма-босқич оширишга эришилмоқда.

Масаланинг яна бир жиҳати солиққа тортиладиган даромадни гурухлаштиришда солиқ ставкалари орасидаги фарқни белгилаш учун энг кам иш ҳақи миқдори асос вазифасини бажариб, унинг миқдори ва у орқали ҳосил қилинадиган қадамлар сонининг қисқалиги (беш, ўн ва ундан юқори) ҳам даромад солиги юкига сезиларли таъсир кўрсатмоқда дейиш мумкин (13-жадвалга қаранг).

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка асосан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ставкалари (2012 йил ҳолатига)⁸⁰

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдоригача	9%
Энг кам иш ҳақининг 5 баробари (+1)дан 10 баробаригача	Энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан олинадиган солиқ суммаси + ундан ошган қисмидан 16%
Энг кам иш ҳақининг 10 баробари (+1) ва ундан юқори миқдорга	Энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан олинадиган солиқ суммаси + ундан ошган қисмидан 22%

Шу ўринда даромад солигини ҳисоблашни аниқ мисол шаклида кўриб ўтсак. Агарда ходимнинг ойлик иш ҳақи 680 000 сўм бўлса, 2012 йил январь – март ойлари учун жами даромад миқдори 2 040 000 ($680\ 000 + 680\ 000 + 680\ 000$) сўмни ташкил этади. Унга нисбатан даромад солиги суммаси қўйидаги тартибда ҳисобланади.

Биринчидан, энг кам иш ҳақининг 5 баробарини ҳисоблаб, ойлар сонига кўпайтирамиз. Чиққан натижанинг 9 фоизини ҳисоблаймиз:

$$(62\ 920 \cdot 5) \cdot 3 = 943\ 800 \cdot 9\% = 84\ 942 \text{ сўм}$$

Иккинчидан, энг кам иш ҳақининг 10 баробарини ойлар сонига кўпайтириб, ундан 5 баробаригача бўлган миқдорни чегирамиз. Чиққан натижанинг 16 фоизини ҳисоблаймиз:

$$(62\ 920 \cdot 10) \cdot 3 - 943\ 800 = 943\ 800 \cdot 16\% = 151\ 008 \text{ сўм}$$

Учинчидан, жами иш ҳақидан энг кам иш ҳақининг 10 баробаригача бўлган миқдорни чегирамиз. Чиққан натижанинг 22 фоизини ҳисоблаймиз:

$$2\ 040\ 000 - (62\ 920 \cdot 10) \cdot 3 = 152\ 400 \cdot 22\% = 33\ 528 \text{ сўм}$$

Ҳисобланган умумий солиқ суммаси $269\ 478$ ($84\ 942 + 151\ 008 + 33\ 528$) сўмни ташкил этади.

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси 2003 йил 12 декабрдаги 568-II сонли қонуни.

Январь – февраль ойларида 179 652 сүм солиқ суммаси ушлаб қолинганлиги сабабли март ойи учун 89 826 сүм даромад солиғи ундирилиб, солиқ суммаси бир ойлик иш ҳақининг **13,2 фоизини** ташкил этади.

Фуқароларнинг жамғарид бориладиган пенсия ҳисобра-қамига ажратиладиган 1 фоизли ажратма 20 400 (2 040 000 · 1%) сүмни ташкил этиб, январь – февраль ойларига 13 600 сүм ажратилгани боис, март ойи учун 6800 сүм ундирилади.

Март ойи учун бюджетга 83 026 (89 826 – 6 800) сүм даромад солиғи тўланади.

Солиқ юкининг даромадга таъсири ҳақида фикр борар экан, бу борада ягона ижтимоий тўловни эътибордан четда қолдириш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ягона ижтимоий тўлов юридик шахслардан ундирилса-да, у тақсимланмаган иш ҳақи фондининг ўзгариши орқали аҳоли даромадига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи омилдир. Бизга маълумки, иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов ундирилиб, сўнгги йилларда дастлабки даврга нисбатан унинг миқдори камайиб бориш тенденциясига эга (14-жадвалга қаранг).

14-жадвал

Иш ҳақи фондидан ундириладиган ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 2002 – 2012 йиллардаги ўзгариш динамикаси (фоизда)

Тўлов тури	2002 йил	2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2012 йил
Иш ҳақи фондидан ундириладиган ягона ижтимоий тўлов ставкаси, жами	40	33	25	24	25	25
шу жумладан:						
бюджетдан ташқари пенсия жамғарасига	37,3	31,6	24,2	23,5	24,8	24,8
бандликка кўмаклашиш давлат жамғарасига	1,5	0,9	0,5	0,3	0,1	0,1
касаба ўюшмалари федерацияси кенгашига	1,2	0,5	0,3	0,2	0,1	0,1

Жадвал маълумотлари ягона ижтимоий тўлов ставкаси таҳлил қилинаётган давр, яъни охирги 10 йилда 15 фоизга пасайганини кўрсатади. Ягона ижтимоий тўлов белгиланган тартибга мувофиқ бюджетдан ташқари пенсия ва бандликка қўмаклашиш давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ўртасида юқоридаги миқдорларда тақсимланади. Ягона ижтимоий тўлов фоиз ставкасининг қисқариши, асосан, пенсия жамғармаси улушига тўғри келмоқда. Жумладан, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўлов ставкаси 12,5 фоиз пунктига қисқарган бўлса, бандликка қўмаклашиш жамғармаси тўлов ставкаси 1,4 фоиз пунктига ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши тўлов ставкаси 1,1 фоиз пунктига пасайган.

Аммо ягона тўлов ставкалари ҳақида гапирганда у турли мамлакатларда турлича белгиланганини таъкидлаш мумкин. Масалан, Шимолий Европа мамлакатлари анча паст (Финляндияда 5,8%, Норвегияда 7,8%), Марказий ва Шарқий Европада ўртача (Венгрия 11%, Хорватия 23,8%) ва собиқ Иттифоқ республикаларининг айримларида юқори (Украина 25%, Литва 27%, Латвия 28%) фоиз ставкасини ташкил қилмоқда.⁸¹

Ягона ижтимоий тўлов миқдори юқорилиги корхоналар бир қисмининг ишчилар иш ҳақи маълум миқдорини «конвертлар» кўринишида беришга олиб келаётгани ҳаётий ҳақиқатdir. Бу яширин иқтисодиёт кўлами билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, асосан, МДҲ мамлакатларидағи корхоналар томонидан ҳисобрақамидаги пулларнинг ноқонуний нақдланиши (чёрная наличка), иккита бухгалтерия ҳисобининг юритилиши ҳамда ишчи кучини ноқонуний ёллаш кабиларга сабаб бўлмоқда дейиш мумкин.

⁸¹ <http://business.rin.ru/cgi-bin/search>

Бу борадаги ислоҳотларга эришишда мутахассислар томонидан таклиф этилаётган ягона ижтимоий тўлов фоиз миқдорини пасайтириш кутилаётган самарани бермаслиги мумкин. Чунки яширин фаолият кўрсатаётган корхона учун ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан кескин чоралар қўлланмаган ҳолда тўлов ставкасини пасайтириш улар учун аҳамиятга эга эмас, яъни аксарият ҳолларда у ўз ишини бир маромда давом эттираверади. Бу эса, ўз навбатида, пенсия фондига тушум миқдорининг пасайиши орқали пенсия таъминоти масаласини хавф остига қўйиши мумкин.

Жисмоний шахслар даромад солиги юкига солик ставкалари, улар ўртасидаги қадам ва ҷегирмалар тўғридан-тўғри таъсир кўрсатса, шундай омиллар борки, улар солик юкига баҳо берганда кўпчилик назаридан четда қолади. Республикада шундай омиллар сирасига бандлик даражаси, аҳоли таркибида меҳнат ёшига етмаганлар улуши ва соҳалар бўйича аҳоли бандлигини киритиш мумкин.

Мамлакатдаги мавжуд ишсизлик даражаси ҳам солик юкига таъсир қилувчи омиллардан бири саналади. Ўзбекистон Республикаси бўйича иш излаётганлар сони 2012 йил 1 январь ҳолатига 622,4 минг кишини, шундан ишсизлик мақоми берилганлар 12,9 минг кишини ташкил қилиб, 9,2 мингига ишсизлик нафақаси белгиланган. Ишсизлик мақоми берилган аҳоли меҳнат ресурсларининг атиги 0,1 фоизини ташкил этади. Қиёсий олганда бу юқори кўрсаткич эмас.

Меҳнат ресурсларининг иқтисодиётда банд бўлмаган асосий қисми даромад манбаига эга ёки маълум фаолият турлари билан банд. Шундан келиб чиқсан ҳолда республикадаги бандликни расмий ва норасмий турларга ажратиш мумкин. Норасмий бандлик кўрсаткичи анча юқори, унга қонун билан тақиқланмаган ва ўз соҳибига даромад келтирадиган барча фаолият турларини киритиш мумкин.

Норасмий банд аҳолининг меҳнат билан расмий банд аҳолидан асосий фарқи бошқалар билан бир хилда, баъзан кўпроқ (ишсизлик нафақалари назарда тутилмоқда) давлат хизматларидан фойдаланиши ҳамда хизматлар

учун солиқ тұламаслиги ҳисобланади. Бу каби хизматлар билан боғлиқ харажатларнинг ошиб бориши, үз навбатида, уларни молиялаштириш учун даромадларни оширишни талаб қилади. Давлатнинг асосий даромад манбаи солиқлар бўлганилиги боис, уларнинг миқдорини қўпайтиришга эҳтиёж туғилади. Аҳолининг қайд қилинмаган ёки яширин иқтисодиётда банд қатлами үз даромадидан солиқ тұламаслиги баъзан аҳолининг фаол қисмига нисбатан солиқ юки ошишига олиб келиши мумкин.

Қайд қилинмаган бандлик ижтимоий-иктисодий жараёнлар кўламини баҳолашга, ўтказилаётган испоҳотларни чуқурлаштириш режаларини тузишга ва бандлик даражаси кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Норасмий бандлик салбий таъсирга эгалиги билан бирга ўзига хос ижобий таъсирга ҳам эга бўлиб, яхши даромад келтирадиган ва ҳар томонлама ишчи-ходим талабларига жавоб берадиган иш ўринлари топилгунга қадар ишсизлик муаммосини юмшатиб туриши билан баҳоланади.

Сир эмаски, республикада аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшайди ва меҳнат фаолиятида қишлоқ хўжалиги етакчи аҳамият касб этади. Соҳада банд аҳолининг моддий ҳолати республика ҳаётининг мана шу етакчи соҳадаги аҳволи билан чамбарчас боғлиқ.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ харажатларнинг ўсиб бораётганлиги бевосита иш ҳақи фондига салбий таъсир кўрсатмоқда. Иқтисодий тармоқлар бўйича йил давомида ўртача ойлик иш ҳақининг шаклланиш кўрсаткичларини кўздан кечирсан, энг паст ойлик маош қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келишининг гувоҳи бўламиз ва у республикадаги ўртача ойлик иш ҳақининг ўртача 50 фоизини ташкил этади.

Натижада соҳа хизматчиларининг даромадлари амалдаги даромад солиғининг энг қуий ставкасига тўғри келмоқда. Бу эса солиқ субъектлари сони кўп бўлишига (республикада расмий банд аҳолининг 30 фоизга яқинини қишлоқ хўжалиги соҳасидагилар ташкил этади) қарамай, уларнинг солиқ тушумларини шакллантиришдаги ҳиссаси пастлигича қолишига олиб келмоқда.

Аҳолининг демографик ўсиши юқорилиги сақланиб қолаётгани ҳам солиқ сиёсатига ўз таъсирини кўрсатади. Масаланинг ташвишли жиҳати аҳоли сонининг асосий ўсиш суръати бандлик даражаси қониқарсиз бўлган ҳамда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари нисбатан паст вилоятлар ҳиссасига тўғри келаётганидир. Мисол учун, республикада аҳоли сони 2011 йилга келиб 2000 йилга нисбатан 19 фоиз ўsgan бўлса, бу кўрсаткич Қашқадарё (25,6%), Сурхондарё (25,3%) ва Наманган (23,7%) вилоятларида юқорилигича қолмоқда.

Бундан ташқари, аҳоли ижтимоий қатламида меҳнатга лаёқатсизлар сонининг юқорилиги сақланиб қолаётган бўлиб, бу кўрсаткич 2012 йил 1 январь ҳолатига 38,5 фоизни ташкил этди.

Охир-оқибат республикада даромад солиғи юки ундан қочиш имконияти бўлмаган, расмий ҳолда меҳнат фаолияти билан банд аҳоли зиммасига тушмоқда. Бошқа эркин фаолият турларида банд аҳолининг асосий қисми имкони борича солиқдан қочишга ҳаракат қилмоқда. Бу кўпроқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар улушига тўғри келмоқда.

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк, ер ва бошқа йигимлар юкини, асосан, улар фоизларининг ортиб бориши билан изоҳлаш мумкин (15-жадвалга қаранг).

2012 йилга келиб мол-мулк солиғи ставкаси 2000 йилдагига нисбатан 3,6 марта ошган ҳолда 0,9 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, 2010 йилга қадар мулкнинг қайта баҳолаш қийматидан солиқ ундирилган бўлса, ҳозирда мулкнинг жойлашган жойи ҳамда умумий майдонидан келиб чиқсан ҳолда ундирилади. Мулк баҳоланган инвентар қиймати бўлмаган ҳолларда давлат томонидан белгиланган шартли қийматдан солиқ ҳисобланмоқда.

Мисол учун, Тошкент шаҳрида жойлашган 5 хонали квартиранинг умумий майдони 186 m^2 бўлиб, инвентар қиймати 13 280 минг сўмни ташкил этади. 2012 йил учун мол-мулк солиғи суммаси 119,5 ($13\,280 * 0,9\%$) минг сўмга teng бўлади.

15-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслардан ундирилдиган
мол-мулк солиги ставкалари⁸²**
(фоизада)

№	Кўрсаткичлар	2000 йил	2002 йил	2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
1.	Қайта баҳоланган ёки шартли қийматдан	0,25	0,4	0,5	0,5	0,5	0,5	—	—
2.	Қайта баҳоланимаган қийматдан	4,0	5,8	7,0	7,0	—	—	—	—
3.	Тураржойлар, квартиralар (шахар- ларда жойлашган, умумий майдони 200 м ² дан ошик бўлганлари бундан мустасно), далаҳовли курилмалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва ишоотлар	—	—	—	—	—	—	0,75	0,9
4.	Шахарларда жойлашган умумий майдони кўнидагича бўлган тураржой ва квартиралар: 201 – 500 м ² гача бўлган 500 м ² дан ошик бўлган	—	—	—	—	—	—	0,9	1,1
		—	—	—	—	—	—	1,13	1,35

⁸² Муаллиф томонидан умумлаштирилган.

Агарда жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш бўйича кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан белгилаган инвентаризация қиймати бўлмаса, 2012 молия йилида солик ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 18 480 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8030 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади. 2012 йили квартира учун 166,3 (18480 * 0,9%) минг сўм ёки баҳолангандаги ҳолатга нисбатан 46,8 минг сўм ортиқ мол-мулк солиги тўланиши керак бўлади.

Солик субъекти пенсионер бўлган ҳолатда эса мол-мулк майдонининг 60 м^2 га солик солинмайди. Бу ҳолатда фуқаро 126 (186 – 60) м^2 учун мол-мулк солиги тўлайди. Солик суммасини аниқлаш учун 126 м^2 майдоннинг инвентар қийматини аниқлаймиз. У 8996,1 минг сўмга ($126 * 13280 / 186$) тенг. Мол-мулк солиги суммаси эса 80,9 ($8996,1 * 0,9\%$) минг сўмга тенг бўлиб, солик юки 32,2 фоизга қисқаради. Мавжуд солик имтиёзи пенсионерларнинг баҳолангандаги мол-мулкига нисбатан қўлланилмайди.

Илмий адабиётларда солик юкига нисбатан «олдинга», «орқага», «бир қадам олдинга, бир қадам орқага» деган иборалар қўлланилади. Қисқача шарҳлаб ўтсак, солик юки «олдинга» деганда истеъмолчилар зиммасига, «орқага» деганда у ишлаб чиқарувчи зиммасига ҳамда «бир қадам олдинга, бир қадам орқага» деганда унинг бир қисми ишлаб чиқарувчи ва бир қисми истеъмолчилар зиммасига юклиниши мумкинлигини англатади.⁸³

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон шароитида эгри соликлар юкига нисбатан фақат «олдинга» иборасини қўллаш мумкин. Спиртли ичимликлар ва истеъмол ёғига жорий қилинаётган акциз солиги ставкаси бунга мисол бўла олади. Бу, албатта, талаб ва таклиф эластиклиги кам бўлган, рақобат муҳити шаклланадиган мамлакатлар учун хосдир. Бироқ бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда мазкур жараён бир оз бошқача юз беради, яъни солик юкининг бир қисмини ушбу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхона ўз зиммасига олади. Корхона ишлаб чиқариш кув-

⁸³ Стиглиц Дж.Ю. Экономика государственного сектора. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1997. – С.388.

ватидан түлиқ фойдаланиш ҳамда бозордаги ўрнини сақ-
лаб қолиш учун солиқ юкини тақсимлайди. Тақсимлаш маҳ-
сулот нархини камайтириш, яъни фойданинг бир қисми-
дан воз кечиши орқали амалга оширилади. Бунинг учун эса
корхона молиявий жиҳатдан бақувват бўлиши лозим.

Демак, жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар юки
улардан бевосита ундирилган, шу билан бирга, товар ва
хизматлар нархи таркибида истеъмол қилинган эгри со-
лиқлар улуши билан ифодаланади.

Юқорида келтирилган таҳлилларга якун ясад қуйидаги
хуносага келиш мумкин:

– жисмоний шахслар зиммасига тушаётган солиқлар юки
салмоқли ва унинг ўсиши кўп жиҳатдан даромад солиғи
ҳиссасига тўғри келади;

– даромад солиғи юки нотекис тақсимланган бўлиб, у
асосий ҳолларда даромадини солиқдан яшириш имкония-
ти кам ишчи ва хизматчилар зиммасига тўғри келмоқда.
Бу, албатта, уларнинг иқтисодий имкониятлари маълум
даражада чекланиши, бошқача айтганда, истеъмоли қис-
қариши орқали турмуш тарзига таъсир кўрсатиши мумкин;

– солиққа тортилмайдиган минимумнинг бекор қилини-
ши ҳамда солиқ ставкалари орасидаги қадам қисқалиги да-
ромад солиғи юки ошишида етакчи аҳамият касб этмоқда.

3-БОБ

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН СОЛИҚЛАР МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ

3.1. Объектнинг солиқقا тортилганлик даражасини кучайтиришга доир масалалар

Энг аввало, даромад солигига тўхталиб ўтсак, жаҳон солиқ амалиётида унинг «глобал» ва «шедуляр» тизимлари амал қилиб келмоқда. «Глобал» тизимда солиқ, даромад манбаидан қатъи назар, ялпи даромаддан ундирилса, «шедуляр» тизим даромаднинг шаклланиш манбаига кўра алоҳида ставкаларда солиқ ундиришни назарда тулади. Собиқ Иттифоқ даврида фаолият турига қараб аҳолидан 13 фоиздан 75 фоизгача ундирилган даромад солиги «шедуляр» тизимга мисол бўлса, сўнгги йилларда ривожланган давлатлар солиқ тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда қисман қўлланиб келинаётган ва тўлиқ амалиётга татбиқ этиш кўзда тутилаётган декларация усули «глобал» тизимга мисолдир.

Бугунги кунда жисмоний шахслар даромадини солиқка тортишнинг декларация усулини оммавий тарзда жорий қилиш бўйича турли хил ёндашувлар мавжуд. Айримлар уни, илфор ва адолатли усул бўлганлиги учун, тезроқ жорий қилиш керак деб ҳисоблашса, бошқалар бу борада шошма-шошарлик билан иш тутиш кўзланган натижани бермаслигини таъкидлашади. Бу борада бизнинг ёндашувимиз ҳам даромадни солиқка тортиш борасида жаҳон тажрибасидан юз ўгирмасдан ва миллий шароитга мослаштирган ҳолда босқичма-босқич жорий қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида жисмоний шахслар даромадини солиқка тортишнинг амалдаги декларация усулини адолатли деб айта оламизми? Саволга бозор иқтисодиёти тараққий этган давлатлар солиқ тизи-

мидан келиб чиқкан ҳолда баҳо берсак, мақсадга мувоғиқ бўлади. Уларда аҳоли декларацияни даромаднинг барча манбаларини кўрсатган ҳолда тўлдириб, сўнг даромад олиш билан боғлиқ барча харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қиласди. Натижада аксарият ҳолларда солиқ субъектларига йил давомида тўлаган солиқ суммаларининг бир қисми қайтарилади. Шунинг учун ҳам хорижий давлатларда жисмоний шахслар декларация тақдим этиш муддатини интиқлик билан кутади дейиш ўринли.

Ўзбекистон Республикасида эса амалдаги даромад солигига оид меъёрий ҳужжатларда даромад олиш билан боғлиқ харажатлар суммасини инобатга олиш кўзда тутилмаган ва уларни назорат қилиш тизими ҳам мавжуд эмас. Мавжуд усул фақатгина йил давомида тўланган соликларнинг тўғри тўланганлиги устидан назорат ҳамда ўриндошлиқ асосида ишловчилар учун кўшимча солиқ тўлаш деган маънони англатмоқда, холос. Чунки ўриндошлиқ асосида ишлашдан олинган даромадлар қуи солиқ ставкаларига тушиб, барча даромад суммасини кўшгандан кейин юқори ставкада солиқ ундирилади.

Айрим иқтисодчилар солиқ тушумларининг ундирилиш ҳолатидан келиб чиқиб солиқ субъектлари томонидан соғиб олинган баъзи буюмларни ҳам декларация қилишни таклиф этишмоқда. Шундай буюмлар сирасига кўчмас молмулк ва транспорт воситаларини киритиш мумкин. Бизнинг фикримизча, мазкур таклифни амалга оширишнинг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд:

- салбий жиҳатлари: аҳолининг ўша буюмларга бўлган талаби қисқариши, умумиқтисодий жараёнларга таъсири ва жамғаришга мойилликнинг кучайиши;
- ижобий жиҳати солиқ тушумлари ошиши билан изоҳланади. Бу декларация тизимининг ўз аҳамиятини кенгроқ намоён қилишига шароит туғдириши мумкин.

Декларация тизими олдига қўйиладиган асосий талаблардан бири жисмоний шахсларнинг соликдан ташқарида қолаётган барча даромадларини қамраб олиш, ноқонуний даромад манбаларига чек қўйиш ҳамда ижтимоий адолат ўрнатишдан иборат экан, бунга эришиш

борасида амалдаги солиқ қонунчилігі баъзи моддаларини күриб чиқыш талаб этилади. Шундай моддалар си-расига жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари тұғрисидаги 179-модданинг 15-бандини ки-ритишни мақсадга мувофиқ топдик. Ушбу моддада «ме-рос ёки ҳадя тартибида, шунингдек, текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар»га солиқ солинмас-лиги белгиланиб, бу айрим ҳолларда ноқонуний ишлаб топилған даромад ёки мол-мулкни қонунийлаштириш ҳамда солиқдан яширишга имкон беради. Шу боис ме-рос ёки ҳадя қилинадиган даромад ва мол-мулк қийма-тининг солиқ солинмайдиган миқдори учун чегара бел-гилаб, даромаднинг унга қадар солиққа тортилганини аниқлаш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда жисмоний шахс-лар даромадини солиққа тортишнинг декларация тизими-ни жорий қилишдаги энг асосий тұсиқлардан бирини мус-тақкам ҳуқуқий асоснинг шакпланиш жараёни давом эта-ётганлиғи билан изохлаш мумкин.

Олдинги бобда жисмоний шахслар транспорт восита-ларидан олинадиган мол-мулк солиғини ёнилғи маҳсулот-лари нархи таркибида ундиришга ўтилиши бу борадаги эри-шилған ютуқ эканлигини эътироф этгандик. Ундан күзлан-ған мақсад солиқ суммасининг тұлиқ ундирилишини таъ-минлаш, уни йиғиши билан боғлиқ харажатларни қисқарти-риш ва адолат тамойилларига амал қилинишини таъмин-лашдан иборат эди десак, муболаға бўлмайди. Аммо унинг амалиётга жорий қилиниши сўнгги йилларда бир томонла-ма аҳамият касб этиб, кўпроқ бюджет манфаатларидан ке-либ чиқкан ҳолда амалга оширилаётганини кўрсатмоқда (16-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларидан жисмоний шахслар мол-мулк солиғини ёнилғи маҳсулотлари нархи таркибида ундириш жорий қилингандан бери ўтган вақт давомида солиқ став-каси ўртача 10 мартаға ошгани маълум бўлмоқда.

Солиқ суммасини ҳисоблаш бўйича умумәтироф этил-ған тартиб мавжуд эмас. Шу боис уни адолат тамойилла-ридан келиб чиқкан ҳолда ҳисоблаш ва бюджеттега ундириш бўйича қуйидагиларни таклиф этиш мумкин.

Ёнилғи маҳсулотлари учун ўрнатилган солиқ ставкаси

Ёнилғи маҳсулотлари тури	1 литр ёки 1 м ³ = сўм					
	2002 йил	2004 йил	2006 йил	2008 йил	2010 йил	2012 йил
бензин ва дизель ёнилғиси	20	40	60	100	145	200
сикилган газ	17	40	60	100	145	165
суюлтирилган газ	-	-	-	-	-	200

Бу борада, энг аввало, режа қилинаётган йил учун ёнилғи маҳсулотларининг аҳолига сотиш мўлжалланаётган (бозор фонди) миқдорини аниқлаш талаб этилади. Шундан сўнг ўтган йилги солиқ суммасини олиб, уни келгуси йилда кутилаётган инфляция кўрсаткичига кўпайтирилади. Ҳосил бўлган маблагни ёнилғи миқдорига бўлса, ҳар бир литр ёнилғига неча сўмдан солиқ тўғри келиши келиб чиқади. Уни формула билан куйидагича ифодалаш мумкин:

$$L = S \cdot I / P$$

бу ерда:

L – бир литр ёнилғига тўғри келадиган солиқ суммаси;

S – жорий йилдаги транспорт солиқ суммаси;

I – келгуси йилда кутилаётган инфляция даражаси;

P – келгуси йилда сотилиши режалаштирилган ёнилғи маҳсулотлари бозор фонди.

Мавжуд ҳолат фақатгина транспорт воситалари сони ўзгармас бўлган вазиятга тегишли. Транспорт воситалари сони йилдан-йилга ошиб бораётган бир пайтда солиқ суммасини ҳисоблаш қандай бўлади деган эътиroz туғилиши табиий.

Жисмоний шахслар автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш ташкилотлари томонидан республика корхоналарида ишлаб чиқарилиб аҳолига сотилган ва ички бозорга импорт қилинган транспорт воситалари ҳамда яроқиз деб топилган транспорт воситалари ҳақидаги маълум

мотлар ўртасидаги мусбат фарқ асосида транспорт воситалари от кучидан келиб чиққан ҳолда солиқ суммасини ҳисоблаб, уни ҳар чоракда ёнилғи маҳсулотлари нархига күшиб бориш мүмкін. Бу усул солиққа тортиш учун амалдаги тартибга күра мураккаб бўлса-да, адолат тамойилларига қисман мос келади ҳамда солиқ обьекти транспорт воситаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, маҳаллий ва ички йўллар ҳолатини тубдан яхшилаш мақсадида маълум муддат транспорт воситалари солиғини мавжуд йўлларни таъмирлаш ва янгилирини куришга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Ер ва мол-мулк каби маҳаллий солиқларни аҳоли даромад солиғини тўлагандан кейин қолган маблағлари ҳисобига амалга оширади. Ер солиғига тўхталиб ўтсак, бугунги кунда у билан боғлиқ асосий муаммолардан бири солиқ суммасининг белгиланган муддатларда бюджетга тушишига эришиш ҳисобланади. Мавжуд солиқларни, айниқса, қишлоқ аҳолисидан ундириш катта машаққатлар талаб этмоқда. Бу борадаги таклифимиз солиқни даромад манбаида ушлашни ташкил этишдан иборат бўлиб, уни амалга ошириш механизми қуидагича:

- солиқ органи ходимлари томонидан солиқ суммаси аниқланади ва у 12 ойга teng улушларда тақсимланади;
- расмий тарзда даромад олувчи оила аъзоларининг бирига солиқ тўлаш мажбурияти юқлатилиб, солиқ хабарномаси ходим фаолият кўрсатадиган корхона ёки ташкилотга тақдим этилади;
- даромаддан биринчи ер ва мол-мулк солиғи олиниб, сўнгра қолган суммадан даромад солиғини ундириш таклиф қилинади.

Бунда давлат уни йиғиш билан боғлиқ маъмурӣ харатларнинг қисқариши ва солиқ суммасининг ўз вақтида ундирилишига эришса, аҳоли солиқ юки камайишидан манфаатдор бўлади.

3.2. Солиқ субъектлари зиммасидаги солиқ юкини мувофиқлаштириш

Хозирги пайтда ҳар бир давлат иқтисодиётининг истиқболи солиқ тушумлари миқдорига боғлиқ. Шу боис бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни такомиллаштириш иқтисодиётни бошқариш, аҳоли ҳамда давлатнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга оид муаммоларни ечишда етакчи аҳамият касб этади.

Бу борада, энг аввало, солиқлар юкини юмшатиш Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими учун ўзига хос жиҳат ҳисобланади. Уни ўзгартириш масаласи бугунги кунда ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Аммо давлат бюджети харажатлари ўсиб бориши кузатилаётган бир шароитда даромадларни (аксарият ҳолларда солиқ юкини ошириш ёки солиқ қамровини кенгайтириш ҳисобига) кўпайтириш талаб қилинади. Солиқлар ставкасини маълум чегарагача ошириш тушумлар ўсишини таъминласа, ундан кейин амалга оширилган барча тадбирлар самараисиз якун топиши солиқ назариясидан маълум. Бу тўғрисида АҚШ иқтисодчиси неоклассик назария вакили А.Лэффер қуидагича фикр билдирган: «Солиқ ставкаси қанча юқори бўлса, солиқ субъектларни улар фаолиятига таъсир қилиш орқали солиқдан қочишга шунча ундейди. Кишилар фақат солиқ тўлаш учун ишламайди».⁸⁴ Бу солиқ ставкаси маълум даражадан ошгандан кейин субъектларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган ташаббусини бўға бошлайди, яъни солиқ миқдорини факат бюджет нуқтаи назаридан келиб чиқкан ҳолда белгилаш орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини ифодалайди.

Олдинги бобда келтириб ўтганимиздек, ўтмишда аҳоли солиқлар оғирлигига бўлган ўз норозилигини қўзғолонлар кўринишида ифода этган, маданийлашган жамиятда эса фаолиятини тұхтатиш ёки яширин фаолият кўрсатишига ўтиши орқали жавоб қайтаради. Натижада бюджет камо-

⁸⁴ Кравченко И.А. Налоговые реформы 80-х годов в США: социально-экономический аспект. – М.: НИФИ, 1989. – С.9.

мади кузатила бошлайди. Чунки «солиқ юкининг ортиб бориши солиқ субъектларини нафақат қонуний мажбуриятларини бажармасликка, балки солиқдан қочишнинг қонуний ҳамда ноқонуний йўлларини излашга мажбур қиласди».⁸⁵

Бундан ташқари, солиқлар ставкаси ортиб бориши даромад, мол-мулк соҳибларининг солиқ юкини бошқалар ҳисобига юмшатишга бўлган интилиши кучайишига сабаб бўлади. Одатда, даромад солиги амалдаги қонунчиликка биноан даромадга эга шахсдан ундирилади. Уни бошқа шахслар ҳисобига юмшатиш эҳтимоли жуда кам. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида баъзи бир (врач, хукуқшунос ва ҳ.к.) мутахассисликларга эга бўлган шахс ёки шахслар гурӯҳи борки, улар ўз хизмат ҳақи нархларини ўзгартириш эвазига солиқ миқдорининг бир қисмини истеъмолчиларга юклаш имкониятига эга.

Мол-мулк солиги юки эса, асосан, унинг соҳиби елкасига тушади, аммо мулкни ижарага бериш ёки бошқа бирон-бир тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш орқали солиқ юкини тақсимлаш мумкин. Бу ижарага берилган мулк учун рента тўловларини ошириш орқали эришилса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганда бошқа харажатлар каби маҳсулот нархи таркибига киритиш ҳисобига амалга оширилади.

Солиқ субъектларининг солиқ тўлашдан қочиш ҳолати, энг аввало, солиқ сифатида даромаднинг каттагина қисми тўланаётгани, иккинчидан, аҳолида солиқ маданиятининг пастлиги билан ифодаланади. Буни Фарб мамлакатларидаги каби «инсон ўлим билан солиқ тўлашдан қочиб кутула билмаслиги» принципи ўрнига «ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор» деган дорманинг халқимиз онгига синганлиги билан изоҳлаш мумкин.⁸⁶ Бу, албатта, собиқ Иттифоқ даврида солиқлар орқали аҳоли даромадини тартибга солиш зарурати бўлмаганлиги учун паст ставкаларда

⁸⁵ Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 1998. – С.84.

⁸⁶ Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: Академия, 2002. – Б.66 – 67.

белгиланганлиги бўлса, аҳоли, асосан, давлат мулки бўлган корхона ва ташкилотларда меҳнат қилганлиги учун солиқ суммаси корхоналар бухгалтерияси ўзидаёқ ушлаб қолинганлиги (солиқ органи ходимлари ҳамда солиқ субъектлари манфаатлари тўқнаш келмаганлиги) ҳамда, «гуруч курмаксиз бўлмас» деганларидек, баъзи солиқ органи ходимларининг ўз мансабини сунистеъмол қилиш ҳоллари мавжудлиги билан боғлиқ дейиш мумкин.

А. Смит ҳам ўз даврида солиқлар юки борасида мулоҳаза юритаркан, «давлат солиқ юкини ошириб боришдан кўра уни камайтириш эвазига кўпроқ фойда кўриши мумкин» лигини таъкидлаган. У «солиқ юки камайса, аҳоли ўз ихтиёри билан солиқ тўлашга ошиқади ҳамда давлатнинг солиқларни йиғиш учун солиқ хизмати ходимлари сонини кўпайтириш, субъектларга нисбатан турли хил жазо чораларини қўллаш ва уларнинг ижро этилишини таъминлаш билан боғлиқ ортиқча харажатларни амалга оширишига ҳожат қолмайди. Бундан ташқари, аҳолининг солиқдан озод этилган маблағи қўшимча даромад келтириб, ундан ғазнага солиқ тўланишига олиб келади» деб ҳисоблаган.⁸⁷

Давлатнинг иқтисодий тараққиёт даражасидан келиб чиққан ҳолда солиқ юки масаласига турлича ёндашиш мумкин. Бу борада, энг аввало, босиб ўтилган ижтимоий-иктиносидий ривожланиш тарихий йўли асосий аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг охирги 100 йиллик тарихини эсласак, ўзбек халқи мол-мулкидан маҳрум бўлганининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг бойликлари XX аср бошларида маҳаллий ҳукмдорлар ва Чор Россияси томонидан таланганд бўлса, ундан кейин собиқ Иттифоқ даврида аҳолининг мулкдор қатлами жамият душмани саналиб, мол-мулки эса мусодара қилинган. Оқибатда, орзу қилинганидек, камбағаллар жамияти юзага келди ва иқтисодий жараёнларни бошқаришда солиқлар ўз аҳамиятини йўқота борган. Халқ аҳволи ночор бўлганда унинг зиммасидаги солиқларнинг мулкдорлар томонидан тўланиши каби шарқона урф-одатлар ҳам барҳам топди.

⁸⁷ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Социально-экономическая литература, 1962. – С.371.

Бюджет даромадларининг асосий қисми солиқ тушумларига таянилаётган бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бир шароитда юқоридаги ҳолатлар бу борадаги оқсаншларга сабаб бўлмоқда дейиш ўринли. Бундай шароитда иқтисодий ҳолат ва даромад солиги ўртасида мослашувни таъминловчи схема бўйича фаолиятни амалга ошириш зарурати туғилади. Мазкур солиқларнинг бюджетдаги ҳиссасини ошириш давлат томонидан танланиши мумкин бўлган иккита бир-бирига қарама-қарши ёндашувнинг бирини танлаш билан боғлиқ. Илгари сурилаётган ёндашувлар солиқ обьектлари сони кўпайиши ёки солиқ субъектлари реал даромадлари ўсишига нисбатан кўпроқ солиқ ундиришдан иборат. Мавжуд схемада илмий асосланган солиқка тортилмайдиган энг кам иш ҳақи ва солиқ обьектини инфляция даражасидан келиб чиқсан ҳолда индексация қилиш орқали солиқ факат даромаднинг реал ўсган қисми ни қамраб олишига эришиш диккат марказида бўлиши талаб этилади.

Бу борада солиқ манбаини тўғри аниқлаш ҳам назария, ҳам солиқ амалиёти олдидаги долзарб масалалардан биридир.

Жисмоний шахслар даромад солиги юкини юмшатишида, бизнингча, асосан, солиқка тортилмайдиган миқдорни жорий қилиш ҳамда унинг миқдорини истеъмол саватчасидан келиб чиқсан ҳолда белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Солиқка тортилмайдиган энг кам иш ҳақи миқдори зарурлиги шундан иборатки, бу миқдор инсоннинг энг кам эҳтиёжларини қондиришни назарда тутади. «Солиқка тортилмайдиган энг кам миқдор инсоннинг энг қимматли ҳуқуқи бўлган ҳаёт кечириш ҳуқуқининг молиявий-ҳуқуқий тўлов қобилияти ифодаланишидир».⁸⁸ Солиқка тортилмайдиган энг кам иш ҳақи бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг аксариятида солиқ базаси камайишида муҳим роль ўйновчи қонуний қабул қилинган восита саналади. Бу жаҳон солиқ амалиётида стандарт чегирмалар номини оп-

⁸⁸ Абдураҳмонов О.Қ. Аҳолидан олинадиган даромад солиги ва уни такомиллаштириш масалалари: Иқт. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1999. – Б.89.

ган бўлиб, Европа мамлакатлари ва АҚШда энг кам даражадаги кун кечиришга етадиган даромад миқдорига тенглаштирилган. Мавжуд ҳолат солиқ аҳолининг ўз соғлиғи ва ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун сарфлашга мўлжалланган даромадидан эмас, балки фақатгина соф даромадидан ундирилиши лозимлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам уни солиқдан озод этиш мақсадга мувофиқ. Солиқقا тортилмайдиган даромад миқдори инсоннинг энг қимматли бўлган ҳаёт кечириш ҳуқуқининг молиявий ифодасидир. Унинг миқдори қатъий суммада ёки даромаднинг нечадир фоизи қилиб белгиланиши ўзига хослик саналади. Инсоннинг яшаш ҳуқуқи мавжуд экан, унинг моддий жиҳатдан кафолатланган муайян миқдордаги даромади бўлиши лозим. У ана шу даромадни маълум вақт мобайнида ўзи ва оила аъзоларининг зарурий истеъмол товарлари ҳамда хизматларга бўлган шахсий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб топади. Солиқлар борасидаги адолат ғояси равнақи ҳам молия фанида солиқقا тортилмайдиган энг кам даромаднинг зарурлиги ва унинг реал миқдори қонуний тартибда белгиланишида ўз ифодасини топди.

Аҳоли эҳтиёжлари ҳақида гап бораркан, у чексизликка дахлдорлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Улар икки мухим таркибий қисм: физиологик ҳамда ижтимоий эҳтиёжлардан иборат. Биз юқорида келтириб ўтган солиқقا тортилмайдиган энг кам миқдор республикада мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолат ва молиявий имкониятлардан келиб чиқкан ҳолда энг зарур физиологик эҳтиёж харажатларини солиқдан озод қилиш мақсадга мувофиқ.

Ўз даврида А.Смит солиқ манбаи масаласига тўхталиб уни қуйидаги турларга бўлган: «Барча инсонлар учун даромад манбаи уларнинг ўз ихтиёрларида бўлган меҳнати ёки капитали, ёки ери ҳисобланади... ва барча солиқлар бевосита ёки билвосита иш ҳақи, фойда ёки рентадан тўланади».⁸⁹ Д.Рикардо эса: «Солиқлар мамлакатдаги мавжуд ер ва меҳнат маҳсулиниң ҳукумат ихтиёрига ўтадиган бир қисмини ташкил этиб, пировардида у доимо ёки капитал-

⁸⁹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Социально-экономическая литература, 1962. – С.618.

дан, ёки даромаддан тўланади»⁹⁰, – деб А.Смитнинг солиқ манбалари борасидаги фикрини мантиқий давом эттирган.

Асосий ишлаб чиқариш омили меҳнат ва ишлаб чиқариш воситаларидан иборат деб қаралса, ишлаб чиқариш воситаларининг меҳнатга яроқлилигини таъминлаш, унинг жисмоний ва маънавий эскиришини бартараф этиб бориш мақсадида республика солиқ тизимида қонуний ўрнатилган амортизация ажратмаларидан фойдаланилади. Яъни маълум миқдордаги амортизация ажратмалари солиқ тозига тортимайди. Бугунги кунда республика солиқ тизимида ялпи меҳнат омили учун (179-моддада белгиланган хусусий тусдаги имтиёзлар бундан мустасно) чегирмалар мавжуд эмас.

Ишчи кучи меҳнатини тадбиркорлик капиталига қиёслаш мумкин. Яъни солиқ сарфланган капиталдан олинган фойда ёки даромадни қамраб олиши керак. Агар солиқ манбаи тадбиркорлик фойдаси ёки даромади эмас, балки капитал бўлса «Ундан солиқ ундириш тадбиркорликни ўлдиришга олиб келади...»⁹¹ Бошқача қилиб айтганда: «Доимо ҳар бир даромадда ишлатилмасдан қоладиган шундай қисм мавжудки, уни ҳимоя қилмаслик давлат бюджети учун солиқ обьектидан воз кечиш ва келажакдаги ресурсдан маҳрум бўлиш демакдир...»⁹² Бу, ўз навбатида, ойлик маошлари кам бўлган корхона-ташкилотларда ёлланиб ишловчи ходимлар қўнимизлигини кучайтирувчи омиллардан биридир.

Ишчи кучи оладиган фойдани – ишчининг ишлаб чиқаришда иштирок этиши билан боғлиқ маълум турдаги (озиқовқат, кийим-бош ва зарурий хизматлар) харажатлардан ошган қисми кўринишида ифодалаш мумкин. Бу жисмоний шахслар даромадини солиқ тозига топиш билан боғлиқ харажатларни чегиришни талаб этади. Буни формула билан кўйидагича ифодалаш мумкин:

⁹⁰ Рикардо Д. Сочинения. Т.1. Начало политэкономии и налогового обложения. Пер. с анг. – М.: Госполитиздат, 1955. – С.129.

⁹¹ Пушкирева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С.77.

⁹² Кўрсатилган асар. – С.77.

$$Tif = Y - E$$

бу ерда:

Tif – жисмоний шахслар даромад солиги миқдори;

Y – даромад суммаси;

E – харажатлар суммаси.

Солиқ кодексига асосланган ҳолда даромад суммасини күйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y = W + Pr + Bi$$

бу ерда:

W – меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромад;

Pr – жисмоний шахслар мулкий даромади;

Bi – тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад (ҳозирда ундан солиқ қатъий ўрнатилган миқдорда ундирилмоқда).

Даромад миқдоридан чегириладиган харажатлар суммаси (E)ни күйидагича ифодалаш мумкин:

$$E = Mt + Ij + Sp$$

бу ерда:

Mt – моддий харажатлар суммаси;

Ij – қарамоғидаги боқимандалар учун чегирма суммаси;

Sp – ижтимоий харажатлар суммаси.

Моддий харажатлар физиологик эҳтиёж учун зарурӣ озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш («истеъмол савати») харажатларини ифодаловчи тушунчадир. Ундаги маҳсулотлар сони ва миқдори ҳар бир мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда турлича белгиланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган нормативга асосан ундаги товарлар сони 19 тани ташкил этмоқда (17-жадвалга қаранг).

**Физиологик эҳтиёжни қондириш учун талаб
қилинадиган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари⁹³**

№	Маҳсулот номи	Норма	
		грамм/кун	кг/йил
1.	Нон (буғдой нони)	170	62
2.	Макарон	11	4
3.	Картошка	138	50
4.	Карам	42	15
5.	Бодринг	34	12
6.	Помидор	34	12
7.	Пиёз	95	35
8.	Олма	121	45
9.	Узум	37	14
10.	Мол гүшти	50	18
11.	Товуқ гүшти	20	7
12.	Балиқ маҳсулотлари	28	10
13.	Сут ва сут маҳсулотлари	669	244
14.	Ҳайвон ёғи	8	3
15.	Тухум (дона)	0,8	287
16.	Ўсимлик ёғи	18	7
17.	Қанд (шакар)	53	19
18.	Чой	2	0,9
19.	Туз	8	3

Даромаддан чегириладиган харажатлар суммасини аниқлашда энг муҳим жиҳат болалар, қариялар, ногиронлар, бир сўз билан айтганда, солиқ субъекти қарамоғидагилар сонини эътиборга олишдир. Бу баъзи давлатларда аҳоли сони ўсишини таъминлашга қаратилган давлат солиқ сиёсатининг муҳим элементи бўлиш билан бирга (масалан, Францияда қарамоғида иккитадан ортиқ вояга етмаган боласи бор ота-она даромади солиқдан озод қилинади) ўзбекларга хос кўп болали оиласаларда моддий таъминотнинг яхшиланиши учун хизмат қилиши мумкин. Сўнгги

⁹³ Абдуллаев Ё. Қизиқарли статистика. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2005. – Б.88.

йилларда мавжуд тадбир МДХ мамлакатлари солиқ тизимида ҳам ўз ифодасини топиб бормоқда. Масалан, Россия Федерацияси солиқ тизимида ҳар бир 18 ёшга тўлмаган бола ва қарамоғидаги боқиманда учун солиқ субъекти ҳар ойлик даромадидан 3000 рубль⁹⁴; Белорус Республикаси солиқ тизимида 2 минимал иш ҳақи (размер базавой величины) миқдорида⁹⁵; Қозоғистон Республикаси солиқ тизимида эса бир минимал иш ҳақи (месячный расчетный показатель)⁹⁶ миқдорида солиқ суммасидан чегирма амал қилаётганини келтириш мумкин.

Ижтимоий харажатлар мақбул турмуш даражасини таъминлашга қаратилган ноозик-овқат товарлар ва хизматлар мажмуудан иборат. XX асрга келиб аксарият давлатлар солиқ тизимида солиққа тортилмайдиган энг кам даромад миқдори физиологик эҳтиёжлар доирасидан чиқиб, инсон ҳаёт тарзи учун талаб этиладиган товар ва хизматлар мажмуюи бўлган ижтимоий эҳтиёжларга кўчганини айтиш мумкин. Австралия хукуқшуноси А.Менгер бу борадаги ўз қарашларини: «Жамиятнинг ҳар бир фуқароси яшаши учун зарур бўлган маҳсулот ва хизматлар истеъмол қилишга ҳақли. Бу талабларни амалга ошириш учун эса ижтимоий соҳада туб ислоҳотлар ўтказишга ҳожат йўқ»⁹⁷, – деб баён этади. Хорижий мамлакатлар солиқ тизимида соғлиқни қайта тиклаш, малака ошириш ва таълим олиш билан боғлиқ харажатлар шулар сирасига киритилган. Масалан, Япония солиқ тизимида солиқ субъекти ялпи даромадига нисбатан қуйидаги чегирмалар жорий қилинган:

– тиббий хизмат билан боғлиқ харажатлар учун (солиқ субъектининг ўзи ёки у билан бирга яшайдиган оила аъзолари саломатлиги учун сарфлаган маблағининг 2 млн иенагача бўлган миқдорида) чегирма;

– ногиронларга жорий қилинган (солиқ субъектининг ўзи, турмуш ўртоғи ёки унинг қарамоғидаги оила аъзоси ноги-

⁹⁴ <http://www.kodeks.ru/>

⁹⁵ www.nalog.by/legal/taxation/entrepreneurs

⁹⁶ <http://base.zakon.kz/doc/lawyer>

⁹⁷ Пушкирева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С.108.

рон бўлса, ҳар бир ногирон учун 270 минг иена (оғир ҳолатда бўлса, 400 минг иена) миқдорида) чегирма;

– қариялар учун (солик субъекти 65 ёшдан ошган бўлса ва йиллик даромади 10 млн иенадан ошмаса, 500 минг иена миқдорида) чегирма;

– меҳнат фаолияти билан банд талабалар учун (агар талаба меҳнат фаолияти билан банд бўлса, маълум ҳолларда (масалан, йиллик даромади 650 минг иенадан ошмаса) 270 минг иена миқдорида) чегирма;

– бокувчисини йўқотганлик учун (агар солик субъектининг турмуш ўртоғи оламдан ўтган ёки ажрашган бўлса, қариялик учун чегирма қўлланмаган ҳолда 270 минг иена, агар қарамоғида фарзанди бўлса, қўшимча 80 минг иена миқдорда) чегирма;

– оила жуфтлиги учун (агар бирга яшовчи турмуш ўртоғининг даромади 380 минг иенадан ошмаса, 380 минг иена чегирма, агар турмуш ўртоғининг ёши 70 дан ошган бўлса, 480 минг иена чегирма, агар ногирон бўлса, 730 минг иена ва 70 ёшдан ошган бўлса, 830 минг иена) чегирма;

– мол-мулкни суғурталашга йўналтирилган маблағнинг 15 минг иена миқдорида чегирма;

– солик субъектининг ўзи ёки яқинларининг ҳаётини суғурталашга йўналтирилган маблағнинг 50 минг иена миқдорида чегирма.

Жисмоний шахслар даромадидан чегириладиган харатлар сифатида солиққа тортилмайдиган энг кам миқдорни қайта жорий қилиш ва унинг миқдорини босқичма-босқич физиологик ёки «истеъмол савати» харажатлари миқдорига тенглаштириш соҳа олдидаги долзарб масалалардан биридир. Чунки «солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор инсоннинг энг қимматли ҳукуқи бўлган ҳаёт кечириш ҳукуқининг молиявий-ҳукуқий тўлов қобилияти ифодасидир».⁹⁸

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда давлат солиқлар юкини камайтириш орқали аҳоли маблағининг истеъмол товарлари сотиб олиш ёки жамғариш учун йўналтирили-

⁹⁸ Абдураҳмонов О.Қ. Аҳолидан олинадиган даромад солиғи ва уни такомиллаштириш масалалари: Иқт. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1999. – Б.89.

шига таъсир кўрсатиши мумкинлигини айтиб ўтмоқчимиз. Аҳолининг қайси фаолият турини танлашига эса унинг ҳаёт даражаси асос бўлади. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг асосий қисми учун биринчи ҳолат кўпроқ мос келади, яъни уларнинг аксарияти жамғармасини истеъмол товарлари сотиб олишга йўналтирмоқда.

Аҳоли турмуш даражаси юқори ҳисобланувчи ривожланган ва ривожланаётган давлатларда эса, даромаднинг кам қисми истеъмол товарларини сотиб олишга сарфланиши боис, хизматлар сотиб олиш ва жамғаришга мойиллик юқорилиги кузатилади.

Юқорида келтириб ўтилганлардан хулоса шуки, солиқقا тортилмайдиган энг кам миқдор солиқ субъектларининг энг кам физиологик эҳтиёжларини қондиришга етадиган маблағга тенг бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу борада А.Смит ва Ж.Сисмонди каби класик иқтисодий таълимот вакиллари ҳам аҳолининг яшаш даражасини таъминловчи даромадни солиқка тортишдан озод қилиш ташабbusи билан чиқкан.⁹⁹

Даромад солиги юки ҳақида фикр бораркан, олдинги бобда таъкидлаганимиздек, иш ҳақи фондидан ундириладиган ягона ижтимоий тўлов миқдорининг оптималлаштириш лозимилигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Бу борада Россия Федерациясида амалга ошириб келинаётган тажриба диққатга сазовордир. Унга кўра, 2005 йилдан ягона ижтимоий солиқ миқдорининг 35,6 фоиздан 26 фоизга пасайтирилишига эришилиб, регрессив шкала жорий қилинган. Яъни йиллик:

- 280 000 рублгача бўлган иш ҳақи фондидан 26 фоиз;
- 280 001 рублдан 600 000 рублгача бўлган миқдордан 72 800 рубль + 280 000 рублдан ошган суммадан 10 фоиз;
- 600 001 рубль ва ундан ортиқ суммадан эса 104 800 рубль + 600 000 рублдан ошган маблағдан 2 фоиз миқдорида ягона ижтимоий солиқ ундирилган.¹⁰⁰

2010 йилдан бошлаб эса ягона ижтимоий солиқ бекор

⁹⁹ Пушкирева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С.77 – 78.

¹⁰⁰ <http://www.audit-it.ru>

қилиниб, ўрнига сұғурта түлови жорий этилган. Сұғурта түловини ундиришда субъектлар иккі тоифага (имтиёзли ва имтиёзга эга бўлмаган) ажратилади.

Сұғурта түловини тўлашда имтиёзга эга хўжалик субъектлари 16 та тоифага бўлиниб, шундан Россиянинг халқаро дengiz транспорти рўйхатига кирган кемаларда хизмат кўрсатувчи экипаж аъзоларига ўз меҳнат вазифасини бажарганиклари учун тўланадиган иш ҳақи ва рағбатлантириш суммаларига нисбатан 0 фоизли ставка қўлланилади.

2012 йил ҳолатига имтиёзга эга бўлмаган субъектлар учун сұғурта түлови ставкалари қуйидагича белгиланган (18-жадвалга қаранг).

Сұғурта түлови базасини белгилашда чегаравий миқдордан фойдаланилиб, 2012 йили у ҳар бир ходим учун 512 минг рубль йиллик иш ҳақи фондини ташкил этган.

Худди шундай, Буюк Британия солиқ тизимида ҳам ягона ижтимоий солиқ амал қилиб, ойлик 94 фунт стерлингга-ча бўлган даромаддан 0 фоизли ставкада солиқ ундирилса, қолган даромад миқдорлари учун 11 фоизли ставка белгиланган. Агарда ходим давлат нафақа тизимида иштирок этса, 9,4 фоизли ставка қўлланилади.¹⁰¹

18-жадвал

Россия Федерациясида имтиёзга эга бўлмаган хўжалик субъектлари учун белгиланган сұғурта түлови ставкалари (2012 йил ҳолатига)¹⁰²

Тўлов базаси	Сұғурта түлови ставкаси, жами	шу жумладан:		
		пенсия жамғармасига	ижтимоий сұғурта жамғармасига	мажбурий тиббий сұғурта жамғармасига
Чегаравий миқдоргача*	30%	22%	2,9%	5,1%
Чегаравий миқдордан юқорисига	10%	10%	0%	0%

¹⁰¹ Тютюрюков Н.Н. Налоговые системы зарубежных стран: Учебник. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2010. – С.44.

¹⁰² http://www.pfrf.ru/rates_premiums/

Кўшни Қозогистон Республикаси солиқ амалиётида ҳам ягона ижтимоий солиқ 11 фоизни ташкил этиб, ногиронлар меҳнат қиласиган корхоналар учун унинг миқдори 4,5 фоиз қилиб белгиланган. Адвокатлик, нотариус ва суд ижрочилиги билан шуғулланадиганлардан ташқари хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзи учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари ҳамда уларнинг ҳар бир ходими учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари миқдорида ягона ижтимоий солиқ ундирилиши белгиланган.

Мавжуд тадбирнинг аҳамиятли жиҳати корхона томонидан иш ҳақи фондининг шакллантиришга тўсқинлик қилиш эмас, балки уни рағбатлантиришга йўналтирилганидир.

Ягона ижтимоий тўловнинг юкорида санаб ўтилган салбий оқибатларига чек қўйиш мақсадида регрессив ставкаларни жорий қилиш билан бирга бюджетдан ташқари пенсия фондига ажратмаларнинг асосий қисмини 2005 йилдан амал қилаётган жамғариб бориладиган пенсия фондига йўналтириш кўлланилса, ишчи-ходимлар ўз келажагини ўйлаган ҳолда иш берувчидан расмий иш ҳақи талаб этилишига ёки яширин иқтисодий фаолият кўламининг қисқаришига қисман эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА

Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятта моликдир. У орқали давлат аҳолининг тўлов қобилиятини ошириши ёки қисқартириши, расмий ёки яширин фаолият юритишига таъсир кўрсатиши, даромаднинг жамғармага ёки истеъмолга йўналтирилишига ҳамда солиқларни ўз ихтиёри билан тўлашига ёхуд улардан имкон қадар қочишига таъсир кўрсатиши мумкин.

А.Смит айтганидек: «Солиқлар уларни тўловчилар учун қуллик эмас, балки озодлик белгисидир». Бу давлат томонидан аҳолининг эркин меҳнат қилиши учун зарур шартшароит яратиб берилган ҳамда мулкий ва шахсий хавфсизлиги таъминланган жамиятда ҳар бир даромад эгаси ушбу хизматлар шукронаси бўлмиш солиқларни ўз ихтиёри билан тўлаб бориши лозимлигини англатади.

Бугунги кунда аҳолидан ундириладиган солиқлар борасида иккита муҳим тадбирни узвий равишда амалга ошириш, яъни солиқ тизимини такомиллаштириш билан бирга солиқ субъектларида солиқ тўлаш маданиятини шакллантириш талаб этилади. Мавжуд тадбирларни алоҳида-алоҳида амалга ошириш орқали ижобий натижага эришиш қийинлигини буғуни кунда жаҳон тажрибаси исботлаб турибди.

Солиқ субъектларида солиқ тўлаш маданиятини шакллантириш бевосита «ўлим ва солиқ тўлашдан» қочиб кутулиб бўлмаслигини амалда исботлаш ҳамда аҳолида солиқ тўлаш ҳисобига давлатдан «мен» эмас, балки «биз» нима оламиз тушунчаларини сингдириш билан боғлиқдир.

Мустақиллик йилларида жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар тизимини шакллантириб, солиқ юки қисқаришига эришиб келинаётганига қарамай, соҳа олдида солиқ юкининг фаолият турлари ва иқтисодиёт соҳалари ўртасидаги тақсимотини қайта кўриб чиқиш; солиқка тортилмайдиган энг кам миқдорни жорий қилиш ва уни боқичма-босқич «истеъмол саватчаси» маҳсулотлари харид қувватига тенглаштириш; аҳолининг бир қатор ижтимоий харажат суммаларини солиқ базасидан чегиришни жорий этиш; мол-мулк ва ер солиқларини такомиллаштириш билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган қатор масалалар мавжуд.

Мавжуд масалаларнинг босқичма-босқич ўз ечимини топишига ёки солиқ тизимининг такомиллашувига эришиш аҳолининг меҳнатга бўлган муносабати ўзгариши, солиқ тўловларидан бўйин товлаш ҳолларининг қисқариши, тўлов қобилиятининг ўсиши, солиқ субъектлари сони кўпайиши ва уларнинг солиқ тўлаш манбаи кенгайишига олиб келади деб ҳисоблаймиз. Алишер Навоий айтганидек: «Халқ бойиса, демак, давлат хазинаси ҳам тўлиб-тошади». Хазина-нинг доимий тўлиб бориши ижтимоий таъминот масалали-ри янада яхшиланиб, макроиқтисодий барқарорлик мустаҳкамланишига хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси // Меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Иқтисодиёт ва хуқуқдунёси, 2003. – Б.344.
2. О прогнозе основных макроэкономических показателей и Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2000 год. Постановление Кабинета Министров Республики от 31.12.1999 г. №544.
3. О прогнозе основных макроэкономических показателей и Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2001 год. Постановление Кабинета Министров Республики от 26.12.2000. №500.
4. О прогнозе основных макроэкономических показателей и Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2002 год. Постановление Кабинета Министров Республики. 2001. №490.
5. О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2003 год. Постановление Кабинета Министров Республики от 30.12.2002. №455.
6. О параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2004 год. Постановление Кабинета Министров Республики от 2003. №567.
7. О параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2005 год. Постановление Кабинета Министров Республики от 28.12.2004 г. №610.

Илмий асарлар ва монографиялар

8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёsat, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т.1. – Б.274 – 357.
9. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Т.2. – 380 б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 380 б.
11. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Т.7. – 410 б.
12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Т.8. – 528 б.
13. Аҳмедов Р.Н., Хван Л.Б. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунига илмий-амалий шарҳлар. – Тошкент: Иқтисодиёт ва хуқуқдунёси, 1996. – 240 б.

14. Буткина М.К., Семенов В.А. Экономика и психология. На перекрестке наук: Учеб. пособие. – М.: Дело и сервис, 1998. – С.132 – 167.
15. «Грязные» деньги – что это такое? Справочник по налоговому законодательству в области «грязных» денег. Пер. с нем. / Под ред. Коттке Клаус. – М.: Дело и сервис, 1998. – С.36 – 69.
16. Дерберг Р.Л. Международное налогообложение. Краткий курс. Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ, 1997. – С.375.
17. Абдуллаев Ё. Қизиқарли статистика. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2005. – 88 б.
18. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Иностранный литература, 1949. – С.89 – 351.
19. Караваева И.В. Налоговые регулирование рыночной экономики: Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. – С.215.
20. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х т. Пер. с англ. – М.: Республика, 1992. Т.2. – 390 с.
21. Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане: Проблемные исследования в экономике. – Тошкент: Мир экономики и права, 1998. – С.203 – 211.
22. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиқта тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: Академия, 2002. – 204 б.
23. Мещерякова О.В. Налоговые системы развитых стран мира (справочник). – М.: Правовая культура, 1995. – С.240.
24. Миляков Н.В. Налоги и налогообложение: Курс лекций. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2001. – С.304.
25. Навоий А. Садди Искандарий / Тахрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б.371 – 576.
26. Налоги: Учеб. пособие / Под ред. Д.Г.Черника. 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 1997. – С.5 – 214.
27. Налогово-бюджетная политика в странах с экономикой переходного периода / Под ред. Вито Танзи. МВФ.– Вашингтон, 1993. – С.194.
28. Налоги и налоговое право: Учебное пособие / Под ред. А.В.-Брызгалина. – М.: Аналитика-Пресс, 1998. – С.45 – 220.
29. Налоги в механизме хозяйствования / Под ред. Д.Г.Черника. – М.: Наука, 1991. – С.38 – 45.
30. Олимжонов О.О., Маликов Т.С. Замонавий молия-банк атама ва ибораларининг инглизча-русча-ўзбекча эквивалент лугати. – Тошкент: Шарқ, 1996. – 144 б.
31. Пепеляева С.Г. Основы налогового права: Учебно-методическое пособие. – М: Инвест Фонд, 1995. – С.16 – 76.
32. Переход к рынку / Под ред. Вито Танзи. МВФ. – Вашингтон, 1994. – 455 с.

33. Пушкирева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 1996. – С.56 – 108.
34. Раззаков А. ва бошқ. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Тошкент: Молия, 2002. – 205 б.
35. Рикардо Д. Сочинения. Т.1. Начало политэкономии и налогового обложения. Пер. с англ. – М.: Госполитиздат, 1955. – С.129 – 186.
36. Самуэльсон П. Экономика. В 2-х т. – М.: Алгон, 1992. Т.1. – С.38 – 165.
37. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Социально-экономическая литература, 1962. – С.63 – 618.
38. Стиглиц Дж.Ю. Экономика государственного сектора. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1997. – С.388 – 429.
39. Сутырин С.Ф., Погорлецкий А.И. Налоги и налоговое планирование в мировой экономике / Под ред. С.Ф.Сутырина. – СПб., 1998. – 577 с.
40. Темур тузуклари / Форсчадан А.Софуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳр. остида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – Б.122 – 125.
41. Тюторюков Н.Н. Налоговые системы зарубежных стран: Европа и США: Учебное пособие. – М.: Дашков и К, 2002. – С.35 – 99.
42. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. – М.: ЮНИТИ, 1997. – С.189.
43. Экономика налоговой политики. Пер. с англ. / Под ред. П.Д.Майкла. – М.: Филинъ, 2001. – С.328.
44. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 1998. – С.10 – 105.
45. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – Б.144 – 183.
46. Ҳайдаров Н. Молия. 1-қисм. – Тошкент: Академия, 2001. – 70 б.
47. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. – Тошкент: Мехнат, 1998. – 24 б.
48. Lamorlette C., Lamorlette Th. Fiscalite Francaise. – Paris: Economica, 1987. – Р.11 – 121.
49. Naudet J. Economie politique. – Paris: Librairie de l'universite, 1993. – Р.211 – 245.
50. Mercier J., Plagnet B. Les impots en France. – Paris: Editions Francis Lefebvre, 1994. – Р.46 – 141.

Диссертация ва авторефератлар

51. Абдурахмонов О.Қ. Аҳолидан олинадиган даромад солиғи ва уни такомиллаштириш масалалари: Иқт. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1999. – Б.56 – 161.

52. Олимжонов О.О. Развитие финансов агропромышленного комплекса в современных условиях: Дисс... докт. эк. наук. – СПб., 1992. – 264 с.

53. Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: Иқт. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2003. – 321 б.

Илмий мақолалар

54. Адизов А. Бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2000. – №8. – Б.40 – 41.

55. Адизов А. Ўзбекистон молия-солиқ сиёсати // «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республика аграр сиёсати» мавзуудаги илмий-амалий конференция маъruzалар тўплами. – Тошкент, 2000. – Б.105 – 107.

56. Адизов А. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва унинг оғирлиги // «Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий исплоҳотларга ўн йил: ютуқлар, муаммолар ва истиқболлар» мавзуудаги илмий анжуман материаллари. – Тошкент-Берлин-Бонн, 2001. – Б.168 – 170.

57. Адизов А. Подоходный налог и его особенности // Четырнадцатые международные Плехановские чтения: Тезисы докладов. – М., 2001. – С.178 – 179.

58. Адизов А. Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи оғирлиги ва уни белгиловчи омиллар // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2004. – №1. – Б.12 – 13.

59. Адизов А. Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишнинг долзарб масалалари // «Япония ривожланиш тажрибаси – Ўзбекистонда қўллаш истиқболлари» мавзуидаги илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 2005. – Б.112 – 117.

60. Адизов А. Жисмоний шахслар даромад солиғи ва уни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // «Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш – принципиал мухим устувор вазифа» мавзуудаги республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2005. – Б.77 – 80.

61. Адизов А. Аҳоли даромад солигини ундиришнинг назарий ва амалий масалалари // Ўзбекистон ёш олимлари иқтисодий тадқиқотлар танлови. Танланган мақолалар. – Тошкент, 2005. – Б.17 – 28.

62. Гаджиев Р.Г. О соотношении прямого и косвенного налогообложения // Финансы. 2000. – №3. – С.24 – 25.

63. Горский И., Медведева О. О налоговом бремени населения / / Налоговый вестник. 1998. – №8. – С.11 – 15.
64. Еще раз о налогах с населения // Политическое образование. 1988. – №9. – С.86 – 88.
65. Насретдинходжаев З. и др. Государство и социальные реформы // Доклад о человеческом развитии. 1998. – С.51 – 56.
66. Камилова М., Кадирова Ш. Совершенствование налоговой системы Республики Узбекистан в условиях либерализации экономики // Экономическое обозрение. 2002. – №7. – С.18 – 22.
67. Кашин В.А. Налоговая система и оздоровление национальной экономики // Финансы. 1998. – №8. – С.23.
68. Китаин А. и др. Задачи и пути реформирования системы налообложения в Узбекистане // Экономическое обозрение. 2002. – №7. – С.11 – 17.
69. Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёз: диалектик боғлиқлик нимадан иборат? // Жамият ва бошқарув. 1997. – №1. – Б.33 – 36.
70. Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёзлар диалектикаси (1-мақола) / / Иқтисод ва ҳисобот. 1997. – №7. – Б.19 – 23.
71. Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёзлар диалектикаси (2-мақола) / / Иқтисод ва ҳисобот. 1997. – №12. – Б.30 – 31.
72. Маликов Т.С. Солиқ тизими: вазиятга бир назар // Жамият ва бошқарув. 2000. – №2. – Б.37 – 38.
73. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Солиқнинг тури кўпми? // Жамият ва бошқарув. 2001. – №1. – Б.25 – 26.
74. Олимжонов О.О. Иқтисодий мустақиллик ва солиқлар (ёки Ўзбекистонда алоҳида солиқ системасини ишлаш хусусида) // Ҳаёт ва иқтисод. 1992. – Б.22 – 24.
75. Олимжонов О.О., Ҳайдаров Ҳ. Молия сиёсати муаммолари (ёки бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиқ сиёсати) // Ҳаёт ва иқтисод. 1992. – №5. – Б.8 – 10.
76. Собиров Х.Р. Алишер Навоий ва молия масалалари // Иқтисод ва ҳисобот. 1992. – №2. – Б.2 – 4.
77. Аббосхўжаев О., Олимжонов О. Мустақил иқтисодиёт одимлари: ўтмиш ва бугун // Ҳалқ сўзи. 2001 йил 13 апрель.

**Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик
фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан
олинадиган қатъий солиқнинг базавий ставкалари
(2012 йил учун)**

№	Фаолият түри	Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (энг кам иш ҳақига карралы миқдорларда)		
		Toшкент шахри	Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидағи шахарлар	бошқа аҳоли пунктлари
1.	Чакана савдо:			
	озиқ-овқат товарлари билан	9,0	6,0	3,0
	дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан*	5,0	4,0	2,0
	ноозиқ-овқат товарлари билан	10,0	6,5	3,0
	газеталар, журнallар ва китоб маҳсулотлари	5,0	3,0	2,0
	озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан (турғун шахобчалардаги аралаш савдо)	10,0	6,5	3,0
2.	Маишӣ хизматлар, 3-бандда кўрсатилганларидан ташқари	3,5	1,5	0,5
3.	Сартарошлик хизматлари, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар	4,0	2,0	1,0
4.	Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан, миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсу- лотларини тайёрлаш ва сотиш.	2,0	1,5	1,0
5.	Бошқа фаолият турлари	2,0	1,5	1,0
6.	Автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматлар:			
	3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун		2,0	
	8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун		3,0	
	8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувва- тига эга юк автомобиллари учун		4,0	

**Қишлоқ жойлардаги ер участкаларидан
фойдаланганлык учун фуқаролардан ундириладиган
ер солиғи**
СТАВКАЛАРИ
(2012 йил ҳолатига)

№	Худудлар номи	0,01 га учун ер солиғи ставкалари, сүмда			
		дәхқон хұжалигини юритишиңа берилгандар учун			жамоа бөгдор- чилигиге ва полизчили- гини юритишиңа берилгандар учун
		сугориладиган зона	аҳоли пункт- ларидан	лаалми дерлар	
1.	Қарақалпоғистон Республикаси:				
1.	шымолий	1438,7	721,2	143,9	760,9
	марказий	2304,0	1152,6	233,3	-
	жанубий	2559,5	1279,4	256,9	941,3
2.	Андижон вилояти	2705,0	1351,4	268,3	1048,4
3.	Бухоро вилояти	2556,0	1277,3	237,0	936,6
4.	Жиззах вилояти	2395,6	1198,2	172,2	673,1
5.	Қашқадарё вилояти	2395,6	1198,2	169,9	659,5
6.	Навоий вилояти	2486,6	1242,8	205,3	815,8
7.	Наманган вилояти	2589,7	1295,2	256,9	993,7
8.	Самарқанд вилояти	2731,6	1366,0	316,6	1235,4
9.	Сурхондарё вилояти	2945,0	1473,0	413,8	1608,6
10.	Сирдарё вилояти	2415,4	1208,0	178,7	690,7
11.	Тошкент вилояти	2725,0	1362,7	314,4	1227,4
12.	Фарғона вилояти	2548,3	1274,3	234,8	920,0
13.	Хоразм вилояти	2559,5	1279,4	242,2	941,3

**Шаҳарлар ва қўрғонларда уй-жой қуриш учун берилган
ер участкаларидан фойдаланганлик учун
фуқаролардан ундириладиган ер солиги**

С Т А В К А Л А Р И

(2012 йил ҳолатига)

№	Шаҳар, вилоят	1 м ² ер майдони учун ундириладиган ер солиги ставкалари, сўмда			
		1-зона	2-зона	3-зона	4-зона
1.	Оқтош	50,5	43,9	37,2	
2.	Олмалиқ	72,1	64,9	57,7	50,5
3.	Ангрен	72,1	64,9	57,7	50,5
4.	Андижон	85,0	80,0	75,0	70,0
5.	Асака	50,5	43,9	37,2	
6.	Оҳангарон	50,5	43,9	37,2	
7.	Бекобод	50,5	43,9	37,2	
8.	Беруний	54,8	47,2	39,5	
9.	Бухоро	70,0	62,5	55,1	47,6
10.	Фиждувон	48,2	41,3	34,4	
11.	Гулистан	54,8	46,0	37,2	
12.	Денов	54,8	47,2	39,5	
13.	Жиззах	70,0	62,5	55,1	47,6
14.	Питнак	48,2	41,3	34,4	
15.	Зарафшон	48,2	41,3	34,4	
16.	Коғон	48,2	41,3	34,4	
17.	Қорасув	50,5	43,9	37,2	
18.	Қарши	70,0	62,5	55,1	47,6
19.	Косонсой	50,5	43,9	37,2	
20.	Каттакўрон	50,5	43,9	37,2	
21.	Қўйон	70,0	62,5	55,1	47,6
22.	Қуба	48,2	41,3	34,4	
23.	Қувасой	48,2	41,3	34,4	
24.	Қўнғирот	50,5	42,5	34,4	
25.	Марғилон	48,2	41,3	34,4	
26.	Навоий	70,0	62,5	55,1	47,6
27.	Наманган	85,0	80,0	75,0	70,0
28.	Нукус	70,0	62,5	55,1	47,6
29.	Самарқанд	85,0	80,0	75,0	70,0

№	Шаҳар, вилоят	1 м ² ер майдони учун ундирилладиган ер солиги ставкалари, сўмда			
		1-зона	2-зона	3-зона	4-зона
30.	Сирдарё	48,2	40,2	32,2	
31.	Тахиатош	56,8	48,9	41,0	
32.	Термиз	63,4	54,4	45,5	
33.	Тўртқўл	47,6	39,9	32,2	
34.	Урганч	70,0	62,5	55,1	47,6
35.	Ургут	50,5	43,9	37,2	
36.	Учқудуқ	48,2	41,3	34,4	
37.	Учқўрғон	50,5	43,9	37,2	
38.	Фарғона	70,0	62,5	55,1	47,6
39.	Ҳаққулобод	50,5	43,9	37,2	
40.	Хонобод	50,5	43,9	37,2	
41.	Хива	48,2	41,3	34,4	
42.	Хўжайли	54,8	47,2	39,5	
43.	Чортоқ	50,5	43,9	37,2	
44.	Чимбой	50,5	42,5	34,4	
45.	Чирчиқ	72,1	64,9	57,7	50,5
46.	Чуст	50,5	43,9	37,2	
47.	Шаҳрисабз	50,4	41,3	34,4	
48.	Шаҳрихон	50,5	43,9	37,2	
49.	Ширин	48,2	40,2	32,2	
50.	Янгиобод	50,5	43,9	37,2	
51.	Янгиер	48,2	40,2	32,2	
52.	Янгийўл	50,5	43,9	37,2	
Бошқа кичик шаҳарлар					
1.	Қорақалпоғистон Республикаси				
	шимолий зона	39,5	32,6	25,8	
	марказий зона	45,5	38,3	31,1	
	жанубий зона	46,1	39,1	32,2	
2.	Андижон	50,5	43,9	37,2	
3.	Бухоро	48,2	41,3	34,4	
4.	Жиззах	48,2	41,3	34,4	
5.	Қашқадарё	50,4	41,3	34,4	
6.	Навоий	48,2	41,3	34,4	
7.	Наманган	50,5	43,9	37,2	

№	Шаҳар, вилоят	1 м ² ер майдони учун ундирилладиган ер солиги ставкалари, сўмда			
		1-зона	2-зона	3-зона	4-зона
8.	Самарқанд	50,5	43,9	37,2	
9.	Сурхондарё	54,8	47,2	39,5	
10.	Сирдарё	48,2	40,2	32,2	
11.	Тошкент	50,5	43,9	37,2	
12.	Фарғона	48,2	41,3	34,4	
13.	Хоразм	48,2	41,3	34,4	
Туман марказлари ҳисобланган қўргонлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари					
1.	Қорақалпоғистон Республикаси				
	шимолий зона	32,6	25,8		
	марказий зона	38,3	31,1		
	жанубий зона	39,1	32,2		
2.	Андижон	43,9	37,2		
3.	Бухоро	41,3	34,4		
4.	Жиззах	41,3	34,4		
5.	Қашқадарё	41,3	34,4		
6.	Навоий	41,3	34,4		
7.	Наманган	43,9	37,2		
8.	Самарқанд	43,9	37,2		
9.	Сурхондарё	47,2	39,5		
10.	Сирдарё	40,2	32,2		
11.	Тошкент	43,9	37,2		
12.	Фарғона	41,3	34,4		
13.	Хоразм	41,3	34,4		

3^а-илова

**Тошкент шаҳрида уй-жой қуриш учун берилган ер
участкаларидан фойдаланганлик учун фуқаролардан
ундириладиган ер солиги
СТАВКАЛАРИ
(2012 йил ҳолатига)**

Зона	1 м ² ер майдони учун ундириладиган ер солиги ставкалари, сўмда
1.	92,9
2.	117,9
3.	142,9
4.	167,9
5.	192,9
6.	217,9
7.	242,9
8.	267,9
9.	292,9
10.	317,9
11.	342,9
12.	367,9
13.	392,9
14.	417,9

**Ўзбекистон Республикасида энг кам иш ҳақи
миқдорининг 1997 – 2012 йиллардаги
ўзгариш динамикаси**

№	Муддати	Миқдори, сўм
1.	1997 йил 1 январдан	600
2.	1997 йил 1 июлдан	750
3.	1998 йил 1 июлдан	1100
4.	1999 йил 1 январдан	1320
5.	1999 йил 1 августдан	1750
6.	2000 йил 1 августдан	2450
7.	2001 йил 1 августдан	3430
8.	2002 йил 1 апрелдан	3945
9.	2002 йил 1 августдан	4535
10.	2003 йил 1 майдан	5440
11.	2004 йил 1 августдан	6530
12.	2005 йил 1 майдан	7835
13.	2005 йил 1 октябрдан	9400
14.	2006 йил 1 июлдан	10 800
15.	2006 йил 1 ноябрдан	12 420
16.	2007 йил 1 августдан	15 525
17.	2007 йил 16 ноябрярдан	18 630
18.	2008 йил 1 апрелдан	20 865
19.	2008 йил 1 сентябрдан	25 040
20.	2008 йил 16 ноябрярдан	28 040
21.	2009 йил 1 августдан	33 645
22.	2009 йил 1 декабрдан	37 680
23.	2010 йил 1 августдан	45 215
24.	2010 йил 1 декабрдан	49 735
25.	2011 йил 1 августдан	57 200
26.	2011 йил 1 декабрдан	62 920
27.	2012 йил 1 августдан	72 355
28.	2012 йил 1 декабрдан	79 590

Б-илюса

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаларининг 1998 – 2012 йиллардаги ўзгариш ДИНАМИКАСИ

№	Йиллар	Солик солинадиган даромад мидори	Солик ставкаси
1.	1998 йил	Энг кам иш ҳакининг 1 баробари (+1)дан 3 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 3 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 25%
		Энг кам иш ҳакининг 3 баробари (+1)дан 5 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 5 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 35%
		Энг кам иш ҳакининг 5 баробари (+1)дан 10 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 10 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 40%
	2000 йил	Энг кам иш ҳакининг 10 баробари (+1)дан 15 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 15 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 45%
		Энг кам иш ҳакининг 15 баробари (+1) ва ундан юкорисига	Энг кам иш ҳакининг 3 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 15%
		Энг кам иш ҳакининг 1 баробари (+1)дан 3 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 5 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 25%
2.	2001 йил	Энг кам иш ҳакининг 3 баробари (+1)дан 5 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 10 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 36%
		Энг кам иш ҳакининг 5 баробари (+1)дан 10 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 10 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 40%
		Энг кам иш ҳакининг 10 баробари (+1) ва ундан юкорисига	Энг кам иш ҳакининг 4 баробаригача
3.	2001 йил	Энг кам иш ҳакининг 4 баробари (+1)дан 8 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 4 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 25%
		Энг кам иш ҳакининг 8 баробари (+1) ва ундан юкорисига	Энг кам иш ҳакининг 8 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 36%

давоми

				13%
4.	2002 йил	Энг кам иш ҳакининг 4 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 4 баробаридан олинадиган солик суммаси + учдан ошган кисмидан 23%	
		Энг кам иш ҳакининг 4 баробари (+1)дан 8 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 8 баробаридан олинадиган солик суммаси + учдан ошган кисмидан 33%	
		Энг кам иш ҳакининг 5 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 5 баробаридан олинадиган солик суммаси + учдан ошган кисмидан 22%	
5.	2003 йил	Энг кам иш ҳакининг 5 баробари (+1)дан 10 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 10 баробаридан олинадиган солик суммаси + учдан ошган кисмидан 32%	
		Энг кам иш ҳакининг 10 баробари (+1) ва ундан юкорисига	Энг кам иш ҳакининг 5 баробаригача	13%
		Энг кам иш ҳакининг 10 баробари (+1) ва ундан юкорисига	Энг кам иш ҳакининг 5 баробаридан олинадиган солик суммаси + учдан ошган кисмидан 21%	
6.	2004 йил	Энг кам иш ҳакининг 5 баробари (+1)дан 10 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 10 баробаридан олинадиган солик суммаси + учдан ошган кисмидан 30%	
		Энг кам иш ҳакининг 10 баробари (+1) ва ундан юкорисига	Энг кам иш ҳакининг 6 баробаригача	13%
		Энг кам иш ҳакининг 10 баробари (+1) ва ундан юкорисига	Энг кам иш ҳакининг 6 баробаридан олинадиган солик суммаси + учдан ошган кисмидан 18%	
7.	2008 йил	Энг кам иш ҳакининг 6 баробари (+1)дан 10 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 10 баробаридан олинадиган солик суммаси + учдан ошган кисмидан 25%	
		Энг кам иш ҳакининг 6 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 6 баробаридан олинадиган солик суммаси + учдан ошган кисмидан 17%	
8.	2009 йил	Энг кам иш ҳакининг 6 баробари (+1)дан 10 баробаригача	Энг кам иш ҳакининг 10 баробаридан олинадиган солик суммаси + учдан ошган кисмидан 22%	
		Энг кам иш ҳакининг 10 баробари (+1) ва ундан юкорисига		

дағомы

				11%
9.	2010 йил	Эң кам иш хакининг 6 баробаригача Эң кам иш хакининг 6 баробарги (+1)дан 10 баробаригача Эң кам иш хакининг 10 баробарги (+1) ва ундан юқорисига Эң кам иш хакининг 6 баробаригача	Эң кам иш хакининг 6 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 17% Эң кам иш хакининг 10 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 22% Эң кам иш хакининг 6 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 10%	
10.	2011 йил	Эң кам иш хакининг 6 баробарги (+1)дан 10 баробаригача Эң кам иш хакининг 10 баробарги (+1) ва ундан юқорисига Эң кам иш хакининг 5 баробаригача	Эң кам иш хакининг 6 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 16% Эң кам иш хакининг 10 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 22% Эң кам иш хакининг 5 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган 9%	
11.	2012 йил	Эң кам иш хакининг 5 баробарги (+1)дан 10 баробаригача Эң кам иш хакининг 10 баробарги (+1) ва ундан юқорисига	Эң кам иш хакининг 5 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 16% Эң кам иш хакининг 10 баробаридан олинадиган солик суммаси + ундан ошган қисмидан 22%	

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ВА МАНБАЛАРИ	5
1.1. Жисмоний шахслардан ундириладиган соликларнинг иқтисодий мазмуни ва солик сиёсати	5
1.2. Солик манбалари ва уларни соликқа тортишдаги муаммолар	28
2-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ТАҲЛИЛИ	48
2.1. Солик обьектлари ва улар соликқа тортилганлик даражасининг республикадаги ҳолати	48
2.2. Солик юки ва уни белгиловчи омиллар	70
3-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН СОЛИҚЛАР МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	92
3.1. Объектнинг соликқа тортилганлик даражасини кучайтишига доир масалалар	92
3.2. Солик субъектлари зиммасидаги солик юкини мувофиқлаштириш	97
ХУЛОСА	110
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	112
1-илова	117
2-илова	118
3-илова	119
3 ^а -илова	122
4-илова	123
5-илова	124

Илмий нашр

Адизов Акрамжон ЖУМАБОЕВИЧ

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН
СОЛИҚЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Мұҳаррір: Абдулла ШАРОПОВ

Мусақхұй: Марғабо ЖҮРАЕВА

Бадий мұҳаррір: Феруза НАЗАРОВА

Техник мұҳаррір: Хуршид ИБРОҲИМОВ

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 11.10.2012 й.

Босишига рухсат этилди: 12.12.2012 й.

Офсет қофози. Қофоз бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$.

Arial гарнитураси. Офсет босма.

Хисоб-нашриёт т.: 5,18. Шартли б.т.: 6,72.

Адади: 500 нұсха.

Буюртма №88

«AKADEMNASHR» нашриётида нашрга тайёрланди
ва чоп этилди.

100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
20^к-мавзе, 42-үй.

Тел.: (+998 71) 217-16-77

e-mail: akademnashr@mail.ru

web-site: www.akademnashr.uz